Ҳикоя жанри турк адабиётида XIX асрнинг иккинчи ярмида шаклланиб тезликда ривож топа бошлади. 1839 йилнинг 3 ноябрида султон Абдулмажид томонидан имзоланиб чиқарилган фармон Туркия ижтимоий ҳаётида туб ўзгаришлар қилишга туртки бўлди. “Хатти Хумоюн” дея улуғланган бу фармонда янгича сиёсат юргизишиб, давлатни қолоқликдан олиб чиқиш кўзда тутилган эди. Сиёсий, ижтимоий, умуман барча соҳаларда тубдан ислохотлар ўтказиш давр талаби эди. Султон фармонини амалга оширишда садраъзам Мустафо Рашид Пошо каби илғор фикрли давлат арбобларининг хизматлари катта бўлди. XIX асрнинг бошларида турк дунёсининг Ғарб маданияти билан юзма-юз келиши ислохот ўтказиш жараёнини янада тезлаштирганди. Натижада XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркия ижтимоий ҳаётида кескин ўзгаришлар бўлди. Бу ҳолат, албатта, адабиёт ва санъатни четлаб ўтмади. Турк адабиётининг янгича қиёфа кашф этишида муҳим давр бўлган - Танзимат (1860-1895) даври дея ном берилган бу даврда турк адабиёти Европа, биринчи навбатда Француз маърифатпарварлик адабиёти таъсирида янги жанрлар билан бойиди. Танзимат сўзининг луғавий маъноси ислохот, реформа демакдир. Драма, роман, ҳикоя жанрлари шу даврнинг маҳсулидир. Танзимат адабиётининг илк даврида етишиб чиққан ва романтизм оқими таъсири остида қолган ҳикоянависларнинг асарларида тасодифларга кўп ўрин берилган. Танзиматнинг кейинги даврида етишиб чиққан реализм оқими таъсиридаги ижодкорлар ўз асарларида ҳаётни теран кузатувга эътиборни қаратганлар. Сами Пошозода Сезаи, Номик Камол, Аҳмад Мидхат, Ражаизода Маҳмуд Ақром каби ёзувчилар янги турк насрининг тамал тошини қўйдилар.



Айниқса, ёзувчи, маърифатпарвар Аҳмад Мидҳатнинг турк ҳикоянавислиги шаклланишида хизмати каттадир. Бу турк адабиётида аввал наср йўқ дегани эмас, фақат бошқача кўринишда эди. Шу ўринда адабиётшунос олим Хулқи Ақтунчининг қуйидаги фикрларини эслаб ўтиш ўринли: “Бизнинг тарихимиз Х!Х ёки ХХ асрда пайдо бўлмагандек, ҳикоячилигимиз тарихи ҳам 1870 йилда вужудга келмаган: Ғарб ҳикоячилигимиз шарқ ҳикоячилиги таъсирида вужудга келган” (Иқтибос П. Кенжаеванинг “ХХ аср турк ҳикоячилигининг тараққиёт тамойиллари” китобдан олинди. 11 бет).

Халқ ҳикоялари, сафарнома, сафаратнома каби жанрларда насрга хос асосий унсурлар бўртиб турарди. Танзимот даврида турк адабиётида ҳикоя жанрининг яратилишида уч муҳим омил асос бўлди.

1. Халқ оғзаки ижоди намуналари;
2. Мумтоз турк адабиёти (бунга сафарнома ва элчиларнинг сафаратномаларини ҳам киритдик);
3. Жаҳон адабиёти намуналари;

Шунингдек, Туркияда матбаа ишларининг бошланиши ҳам адабиётда янги жанрлар шаклланишини жадаллаштирди. Биринчи бор турк тилида чиққан босма китоб 1729 йил 31 январда дунё юзини кўрган.

Илк турк ҳикоялари сюжет жиҳатидан содда, кенг ўқувчилар оммаси осон тушуниладиган тарзда ёзилган эди. Шу ўринда ҳикоя жанрининг хусусиятлари ҳақида эслатиб ўтиш жоиз. “Ҳикоя-эпик турнинг кичик шакли. Ҳикоя, одатда, қаҳрамон ҳаётидан битта (баъзан бир-бирига узвий боғлиқ, қисқа муддат давомида кечган бир нечта) воқеани қаламга олади. Тасвирланаётган воқеаларнинг қисқа вақт давомида кечиши ҳикоянинг ҳажман кичик, сюжети содда, иштирок этувчи персонажлар сони кам бўлишини тақозо этади. Ҳар қандай воқеа ҳам ҳикоябоп эмас. Ҳикоя асосида ётган воқеанинг яхлит, тугал бўлиши талаб этилади, бунинг учун у ўзининг бошланиши ва якунига эга бўлиши (масал, латифадаги каби) лозим. Яхлит воқеани тасвирлаш асносида ҳикоянавис ё шу воқеанинг, ё унинг воситасида характернинг моҳиятини очиб беради. Ҳикоянинг икки типи бўлиб, биринчисида очерклилик (тавсифий-ривоявий), иккинчисида новеллистиклик (конфликтли-ривоявий) хусусияти устундир” (Д.Қуронов, З.Мамажонов, М.Шералиева “Адабиётшунослик луғати”. Тошкент “Академнашр”, 2010. 393-394 -бетлар).

Талантли ёшларни чет элларга бориб ўқиши, турк ойдинлари томонидан жаҳон адабиётини чанқоқликла ўрганиш ва таржима қилиш турк адабиётида яхши ҳикоя намуналари яратилишига замин бўлди. Бу борада филология фанлари доктори Пошшажон Кенжаеванинг қуйидаги фикрларини жуда ўринли: “Турк ҳикоячилигининг тарихий шаклланиш жараёнларини кузатадиган бўлсак, унинг ҳикоя жанри доирасида жаҳон ва ўзбек адабиёти бошдан кечирган шаклланиш босқичларини ўтагани маълум бўлади. Худди бошқа халқларда бўлгани каби, турк ҳикояларининг дастлабки шакллари



кадим турк эпоси “Дада Кўркут”, турли мазудаги халқ ҳикоятлари, қисса ва эртақлари доирасида вужудга келган. Бундан турк мумтоз дostonчилиги, қиссанавислигига ўтган. Шу билан бир қаторда, турк халқининг долғали, ғалаба ва мағлубиятларга бой тарихи, тарих саҳналарида жавлон урган машхур шахслар ҳаёт йўли, муайян ҳудуд (масалан, Истанбул, Онадўли) билан боғлиқ фавқулodда воқеа- ҳодисалар бадийлик талабига у қадар мос келавермайдиган, аммо ҳақиқатни тугал акс эттирадиган ўтмиш ҳикоялари замонавий ҳикоя жанри ташаккули ва характериға кучли таъсир кўрсатган.

Шунга кўра, турк адабиётида ҳикоя жанрининг пайдо бўлиши XIX аср замонавий ҳикоялари билан чегараланмайди. Зотан, турк ҳикоячилигининг ўзига хос ўтмиши, босиб ўтган тараққиёт йўли бор.

...Демак, турк адабиётида реалистик ҳикоянинг юзага келиши тасодиф эмас. Ўзининг тарихий, маданий, типологик омилларига эга” (Пошшажон Кенжаева. “XX аср турк ҳикоячилигининг тараққиёт тамойиллари”. Чўлпон номидаги нашриёт матбаа-ижодий уйи. Тошкент-2017. 11-12-бетлар). Олима Пошшажон Кенжаеваниннг кўрсатган омиллари биз юқорида келтирганимиз тасниф билан уйғун келади.

Танзимотдан сўнг “Сарвати Фунун” (маъноси: фанлар,билимлар бойлиги, 1896-1901) даврида шу журнал атрофида уюшган илғор фикрли ёзувчилар турк ҳикоячилигини бир поғона юқори кўтардилар. “Мажмуаи муаллим”, “Маориф”, “Таржимони ҳақиқат” каби матбуот саҳифаларида илғор фикрли ёш ёзувчиларнинг асарлари тез-тез чоп қилина бошлади. Журнал номи билан аталган “Сарвати фунунчилар” янги адабиёт вакили сифатида адабиётнинг вазифасига кенгроқ миқёсда қарадилар. Адабиётнинг тарбиявий аҳамиятини таъкидлаган ҳолда гўзаллик яратиш, руҳий завқ беришлигини ҳам уқтирдилар. 1901 йилда “Сарвати фунун” журнали ёпилгач, адабиётдаги фаол ёшлар “Фежри Оти” (отаётган тонг) адабий гуруҳини тузадилар. 1909-1912 йилларда қизгин фаолият кўрсатган “Фежри оти”чилар ҳам адабиётнинг вазифасига янада кенгроқ қарайдилар. Буларға ғарб символистларининг таъсири кучли бўлган. “Сарвати фунун” чилар ҳам, “Фежри оти”чилар ҳам қисқа муддар фаолият юритган бўлсаларда, турк адабиёти, хусусан ҳикоячилигининг ривожига муҳим ҳисса қўшдилар.

1911 йилдан сўнг турк адабиётининг ривожланиши ниҳоятда жадаллашди. Адабиёт тарихида “Миллий адабиёт даври” (1911-1923) дея номланган бу даврда Танзимат даврида шакллана бошлаган адабий жанрларда етук асарлар ёзила бошлади. Селаникида нашр қилинадиган “Генч калемлер” (Ёш қаламлар) журнали атрофида уюшган ёш ижодкорлар турк адабиётига янги ҳаво олиб кирдилар. Ака Гундуз, Ҳолид Зиё, Пеями Сафо, Ҳусайн Раҳми, Меҳмед Рауф, Умар Сайфиддин, Решад Нури Гунтекин, Ҳолид Қарай, Ёқуб Қодри, Ҳусайн Жохид ва бошқа турк ҳикоячилиги тарихида ўз ўрни бўлган ёзувчиларнинг бадий жихатдан бақувват кўплаб ҳикоялари дунё юзини кўрди. Замона зайлидан келиб чиқиб



жамият олдидаги ижтимоий муаммолар адабиётда ўз аксини топа бошлади. Бу даврда ижод қилган шоир ёзувчилар аввало адабиётнинг тилини яхши маънода соддалаштиришга, халқ тилига яқинлаштиришга ҳаракат қилдилар. Адабиётда ҳажвий асарлар ёзила бошлади. Шеърятда бармоқ вазнида асарлар яратиш биринчи ўринга чиқди. Халқ оғзаки ижоди шаклларида фойдаланиш, кенг халқ оmmasини ҳаётини адабиётда акс эттириш, умуман адабиётни халққа яқинлаштириш “Ёш қаламкашлар”нинг асосий мақсади эди. Адабиётда Ватан мавзуси асосий мавзулардан бўлди. Тўғри бу вақтда ҳам “туркчилик”, “усмончилик”, “исломчилик” таъсиридаги асарларни ҳам учратишимиз мумкин, аммо бу етакчи маслак эмасди.

Миллий адабиёт даврида фаол ижод қилган ва турк ҳикоячилигини биринчилардан бўлиб жаҳоний миқёсга олиб чиққан ёзувчилардан бири Умар Сайфиддиндир. XX асрнинг биринчи чорагида ижод этган Умар Сайфиддин турк насрини бир поғона юқори кўтарган реалист адиб. Ёзувчи яшаган давр ниҳоятда қарама-қаршилиқларга тўла эди. 1908 йилдаги “Ёш турклар инқилоби”, турли сиёсий ҳаракатлар, Биринчи жаҳон урушида Туркиянинг сиёсий аҳволи давр адабий муҳитига таъсир қилмасдан қолмади. Адабий оқимларнинг кўпайиши, адабиётга турлича ёндашишлар бу даврнинг ўзига хос хусусиятларидандир. Мана шундай оғир шароитда Умар Сайфиддин ёзувчи сифатида вояга етиб, элга танилди.

Умар Сайфиддин Туркиянинг кичик кентларидан бўлган - Гўненда 1884 йили 11 мартда туғилган. Отаси Шавки бей мингбоши бўлиб, бу ерда ҳарбий хизматда эди. Онаси Фотима хоним Истанбулли зиёли оила, қаймақом (ҳоким) Меҳмедбейнинг авлодларидан бўлган. 1892 йилда отаси Айанжикка хизматга юборилиши муносабати билан онаси ёш Умарни Истанбулга Хўжа Мустафопошода яшайдиган бобосиникига жўнатади. Фотима хоним кўп китоб ўқийдиган аёл бўлгани учунми Умар ҳам тўрт ёшлигида ёзиш-чизишга қизиқади. Кейинчалик эсдаликларида, «Қашов», «Фалақа», “Онт” каби ҳикояларида ёзувчи болалиги ўтган жойларни меҳр билан тасвирлайди. Бошланғич маълумотни олгач Истанбулга келиб Аюб Байтар Руштиясини тугатди (1896), Эдирна Аскарый Идодия (1900) ва Истанбул ҳарбий билим юртини (1903) тамомлагач Измир, сўнгра Селаникида ҳарбий хизматда бўлади. 1911 йили ҳарбий хизматга истеъфо бериб, Салоникида нашр қилинадиган «Генч калемлер» (Ёш қаламлар) журналида асарлари билан кўрина бошлади. Болқон уруши бошлангач Умар Сайфиддин яна ҳарбий хизматга чақирилади. Йанья мудофаасида (1913) юнонларга асир тушади ва шу йили асирликдан қутилиб Истанбулга келади.

Адабиётни ниҳоятда севган Умар Сайфиддин умрининг охиригача Истанбулдаги Кабатож лицейида (1913-1920) адабиётдан ўқувчиларга сабоқ берди. Қанд касаллигидан вафот қилган ёзувчининг қабри Истанбулдаги Занжирликўй қабристонидандир.



Умар Сайфиддин ижодини шеър ёзишдан бошлаб, илк шеърлари «Мажмуаи адабиёт» журналида 1900 йили эълон қилинганди. Биринчи ҳикояси 1901 йили чоп қилинади. У Сайфиддин Тавфиқ Фикратнинг «Рубоби шикаста» шеърлар тўпламини қўлидан қўймас, Ҳолид Зиё Ушоқлигилнинг «Мархумнинг кундалиги» романини севиб мутолаа қиларди. Ҳусайн Жоҳиднинг «Хаёл ичида», Мехмед Рауфнинг «Эйлул» романларидан таъсирланган ёзувчи уларни ўзига устоз деб билади. Булар ҳақида ёзувчининг ўзи шундай ёзганди: «Ёшлигимда уйимиздаги бир қанча девонларни ўқий-ўқий адабиётга ҳавасим ортди. Фақат эски адабиётнинг завқини тотдим дея олмайман, чунки бунинг учун бошқа бир илм, бошқа бир таҳсил керак. Болалигимда ўзимча ғазаллар ёздим. У вақтдан эсимда Лайли ва Мажнунлар қолди...

Фикрат!. Менга мукамаллик иштиёқини берган шоир. Идодия мактабида кўпинча унинг “Рубоби..”ни ўқирдим. Ҳолид Зиё менинг илк устозимдир. Мен бир кечада ухламасдан унинг “Бир мархумнинг дафтари-ни” ўқидим”(Умар Сайфиддин. Ҳаёти ижодидан намуналар. Анқара.1990. 23-бет). Ёзувчи Ҳусайн Жоҳид ва Мехмед Рауфлар ижоди хусусида ҳам шундай илиқ фикрлар билдирган.

Умар Сайфиддин «Генч калемлар» журналининг фаол муаллифларидан бўлган. 1911 йили мартада журнал саҳифасида эълон қилинган “Янги лисон” мақоласи Умар Сайфиддиннинг турк тили ривожланишининг жонқуярларидан бири бўлганлигини кўрсатади. У Зиё Гўк Алл, Али Жаноб каби даврининг илғор ижодкорлари билан ҳамфикр бўлиб, айниқса, адабий тил ривожига муносиб ҳисса қўшди. Унинг ҳикоялари, публицистик мақолалари «Янги мажмуа» (1917-1918), «Шоир» (1918-19), «Вақт», «Турк дунёси», «Оқшом» (1918-19) каби матбуот саҳифаларида чоп этилади.

Умар Сайфиддин қисқа ижодий ҳаётида юздан ортиқ ҳикоялар ва «Афрўз-бей» романини адабий мерос қолдирди. Унинг асарларидаги воқеалар ёзувчининг ўзи яхши билган кундалик ҳаётдан олинган. Болалигида таъсир қилган ҳодисалар, ҳарбий хизматда кўрган-кечирганлари ва халқ ижоди ёзувчига бой адабий материаллар берган.

Умар Сайфиддин ёзувчи сифатида таҳлилдан кўра кўпроқ воқеалар тасвирини биринчи планга қўяди. Умар Сайфиддиннинг ҳикояларини мавзу жиҳатидан тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Ватанпарварлик мавзусидаги асарлар;
2. Фольклор мотивларидан фойдаланиб ёзилган асарлар;
3. Сатирик руҳдаги ҳикоялар;
4. Аёллар бош қаҳрамон бўлган асарлар;
5. Болалар ҳаётидан олиб ёзилган ҳикоялар;

«Бошини бермаган шаҳид», «Пушти дурли тўн», «Нақорат», «Жароҳат изи», «Форса», «Тутқун», «Гурзи», «Чаноққалъадан сўнг» ҳикоялари ватансеварлик руҳида ёзилган жаҳон адабиётидаги сара асарлардан дейиш



мумкин. “Пушти дурли тўн” ҳикояси қаҳрамони Муҳсин Чалабий хазинадан бир пул олмасдан, бор мол-мулкани сотиб, ўрнига қимматбаҳо тошлар қадалган битта чопон тиктирган ва бунида Эрон шоҳи саройида қолдириб келган мулкдор Муҳсин Чалабийнинг тантилиги ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Эрон шоҳи қабулига кирганда турк сутонидан элчи бўлиб келган Муҳсин Чалабийни камситиш учун ўтигани жой кўрсатмайдилар, шунда Муҳсин пушти дурли тўнини тахт олдига тўшаб, қимматбаҳо тўн устига чордона куриб ўтиради. Икки ўртада суҳбат бошланади. Ёзувчи қаҳрамонининг характерини ҳикоя сўнгида шундай ажойиб тасвириб кўрсата олган: “Муҳсин Чалабий сўзини битиргач, руҳсат-пухсат сўраб ҳам ўтирмай ўрнидан турди. Тўғри эшик томонга йўналди. Шоҳ Исмоил қотиб қолганди. Чалдираган мавзесида синдириладиган ғурури бугун шу туркнинг олов сочган кўзлари остида эриб битган эди. Муҳсин Чалабий ташқарига чиқаётганида, худди ўзидай тош қотган ходимларига:

-Унинг тўнини беринглар, -деди.

Тансоқчилардан бири югуриб бориб, тахт олдида ёзиғлиқ ётган тўнни олди. Турк элчисининг орқасидан етиб борди.

Марҳамат қилинг, тўнингизни унутдингиз,- деди.

Муҳсин Чалабий тўхтади. Кулди. Чиқаётган эшигидан орқага қайрилиб, шоҳ эшитадиган баланд товушда деди:

- Йўқ, унутганим йўқ. Уни сизларга қолдираман. Саройингизда улуг бир подшоҳнинг элчисини ўтқизиш учун гиламингиз, кўрпачангиз йўқ экан. Бунинг устига бир турк ерга ёзган нарсасини қайтиб киймайди. Буни билмайсизларми?” (Умар Сайфиддин. “Бадал”. “Янг аср авлоди”, 2012 йил. 50-бет). Бу ерда ёзувчи томонидан жиндак бўрттирилиш бўлиши мумкин. Бундан мақсад характерни тўлақонли очиш бўлган. Ватанга фойдаси тегиши учун бутун бойлигини сарф қилсада, ҳатто таклиф бўлганига қарамай хазинадан пул олмасдан бир умр сабзавотфурушлик қилиб кун кечирсада хизматини ҳеч қачон миннат қилмайди. Ёзувчи ўз идеали йўлида яратган бунингдек образлар турк ҳикоячилигидаги ёрқин образлардир.

Умар Сайфиддиннинг ватанпарварлик мавзусидаги ҳикоялари “Ватанни севмоқ имондандир” ҳадиси асосида ёзилгандек таассурот уйғотади. Ватанпарварлик, юртсеварлик инсондаги энг гўзал хислатлардан бўлиб, ёшлиқдан бу туйғуни ривожлантириш керак. Ёзувчи ҳикояларининг ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашдаги аҳамияти ҳам шунда.

Халқ ижоди таъсирида ёзилган «Уч насиҳат» ҳикоясининг бош қаҳрамони онасидан бошқа ҳеч кими йўқ, оддий йигит Дурмушдир. У ишсизликдан бирор хизмат топиб, бир-икки қуруш ишлаш мақсадида «ғурбатчилар» гуруҳига қўшилиб Истанбулга келади. Бу ерда ҳам тузукроқ иш тополмай, охири Мустақим афандининг уйида йилига бир қуруш ва бир насиҳат учун хизматкорлик қилади. Кўп савдоларни бошидан кечириб, охири бахтли оилавий турмушга эришади. Халқ оғзаки ижоди мотивларидан фойдаланиб



ёзилган бу ҳикоянинг тарбиявий аҳамияти катта. Ҳикоянинг асосий мазмуни, асардан келиб чиқадиган хулоса ота-боболар ўғитларига кулоқ тутиш, омонатга хиёнат қилмаслик, ўз нафсини тия билишдир.

Умар Сайфиддин ҳикояларида учраб турадиган Афрўзбей образи ўзига хослиги билан ажралиб туради. «Очиқ ҳаво мактаби», «Афрўзбей» каби асарларда қаҳрамон қилиб олинган бу образ, маълум маънода сатирикдир. Афрўзбей ўзини билимдон қилиб кўрсатувчи, сохта ватанпарвар, айти пайтда ўзга мамлакатларни ўз юртидан устун кўювчи, сўзи билан иши бир бўлмаган шахсларнинг тимсолидир. Мана шундай «афрўзбейларни» кўрсатиш билан ёзувчи ҳаётда учраб турадиган салбий типлар устидан кулади.

Умар Сайфиддин ҳикояларида аёллар образини ўзгача бир жозиба билан чизадики, бу қаҳрамонлар беихтиёр сизнинг қадрдонингизга айланиб қолади. Ҳикояларда тасвирланган воқеалар ичида юргандек, ўша асарда тасвирланган шахсларнинг қувонч, аламлари сизни ҳам ҳаяжонга солади. «Баланд пошналар», «Қуримиш оғочлар» ҳикояларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. «Баланд пошналар»да ёш тул қолган Хадича хоним изтироблари, атрофидагиларнинг қаллоблигини кўриб сиқилишлари жуда таъсирли ифодаланган бўлса, «Қуримиш оғочлар» ҳикоясида ёзувчи ибратли ҳикоя, эртас услубидан фойдаланиб, аёлнинг шаъни қанчалик юқорилиги, уни ҳақоратлаш қотиллик билан баробар эканлигини таъсирли, ўқувчининг юрагини «жиз» эттирадиган қилиб тасвирлайди.

Умар Сайфиддин ёзувчи сифатида қайси мавзуга қўл урмасин, ўша мавзудаги ҳикояларнинг ажойиб намунасини яратди. Унинг қаҳрамонлари ёш болалар бўладими, ҳарбийларми ёки кекса аёлларми бундан қатъи назар ижодкор ҳар бир персонаж руҳиятини теран ифодалай олади, ўзларига мос «адабий тилда» гапиртиради. Умар Сайфиддин қаҳрамонларини турли вазиятларда тасвирларкан, уларнинг руҳий ҳолатини, ички дунёсини очишга урғу беради. «Мармар дастгоҳ» ҳикоясида ёзувчининг инсон руҳиятини теран ифодалай олишини Жаби афанди, уста Али образлари мисолида яққол кўриш мумкин.

“Бадал” ҳикоясида ориятини ҳар нарсадан устун қўядиган уста Алининг мудҳиш қисмати жуда таъсирли баён қилинган. Ўғирлик қилгансан дея тухматга учраган Алини қўлини кесмоқчи бўладилар. Қўли гул уста ундан кўра бошини беришга рози. Ҳожи Маҳмат қассоб шарт қўйиб, устанинг қўлини бадалини бериб уни ўзига текин хизматкор қилиб олади.

“Ҳожи етмиш ёшдан ўтган. Яна қанча яшардики. У ўлгандан сўнг, сен яна озод бўласан, бизга қилич ясайсан. Бўлақол уста, кўп ўйлаб ўтирма!- дейишди.

Ҳожи қассоб кесиладиган қўлнинг бадалини қозига санаб берган куни Улкан Алини эргаштириб, дўконига олиб келди. У жуда инжиқ, ниҳоятда вайсақи, ўтакетган бадҳазм чол эди. Тўхтовсиз вайсагани вайсаган эди. Хасислиги сабабли ҳозирга қадар на хизматкор, на шогирд ёллаганди. Улкан





Алини кўлга киритгач, дарҳол дўконнинг олдига айвонча кўтарди. Ўша ерга кўрпача ёзиб устига ўтирди. Каттами кичикми, барча ишларни унга қилдира бошлади. Бомдод намозидан беш соат олдин шаҳардан икки соатлик узоқликдаги кўтонидан шу куни сотиладиган кўйларни келтиртирар, унга сўйдирар, терисини шилдирар, бўлаклатар, соттирар, то шом намозигача тўхтовсиз буйруқ берар эди. Бечорага фақат ёвғон берарди холос. Гоҳо олдидан ортган овқатни итга ташлагандай унинг олдига отарди. Кечалари дўконни бошдан- оёқ ювдирар, уйкуга йўл кўймай, эртаги савдо учун кўй келтиришга жўнатарди. Ўтинни ҳам ўрмондан кестирар, сувини ташитар, майда –чуйда ишларгача барчасини қилдирарди. Ҳатто, боғчасидаги ҳожатхона ўрасини ҳам унга тозалатди.

Улкан Али ёвғон шўрва билан бу қадар машаққатларга йилларча чидаши мумкин эди. Лекин Ҳожи қассоб икки гапнинг бирида:

- Галварс Али кўлингнинг бадалини мен бердим. Бўлмаса чўлоқ бўлардинг! – дея қилган яхшилигини юзига солаверишига чидай олмаётганди.

Бир кун, икки - уч кун тишини тишига қўйди. Тинмай ишлади. Кечалари ухламади. Кундузлари оёғини кўлига олди. Хўжайиннинг олдида кўл ковуштирди. Шундай бўлса-да, қассоб яна:

- Қўлингнинг бадалини мен бердим!

- ...

- Чўлоқ бўлиб қолардинг, ҳа!

-...

-Мен туфайли кўлинг омон қолди!

-...

Ҳожи қассобнинг тили гўё шу сўзлар билан чиққандай эди. Ҳар бир буйруғи бажо келтирилгач, оппоқ соқоли, хунук, чўтир юзини буриштириб, ич- ичига ботган кўк кўзлари билан унга бошдан - оёқ тикилар, “Эсингда бўлсин, сен менинг кулимсан” дегандай, берган бадалини эслатиб кўярди. Улкан Али жим қолар юраги вайрон бўлаётганини, кўксини лағча чўғ ёндираётганини, сиқилган тишларини ғижирлаганини, чаккаларига оғриқ кирганини ҳис қиларди. Кечлари ухлай олмас, кундузлари ишлаганида, кўтондан кўй олиб келганида, қушхонада кўй терисини шилаётганида, мижозларга гўшт кесаётганида “Нима қилсам экан, нима қилсам экан?” деб ўйлар, бирор қарорга кела олмасди. Дунёда ҳеч кимга бўйинсунмасдан, озига шукур қилиб, ғурур билан бош кўтариб яшашни истар экан, бошига не бало тушди?

Қочиб кетишга номус қиларди. У вақтда ҳақиқатан ҳам ўғирлик қилган бўлиб чиқарди” (Умар Сайфиддин. “Бадал”. “Янг аср авлоди”, 2012 йил. 119-120-бетлар). Мана шундай ўйловлар, ички исён исканжасида қолган уста Али камситишларга, хўрлашларга чидаб яшашдан кўра кўлини ўзи чопиб Ҳожига бергани ишонарли чиққан. Ёзувчи уста Улкан Алининг шу даражада жонидан тўйганига ўқувчи ишонтириш учун Ҳожи Маҳматнинг



характерини, унинг қандай пасткаш одам эканлигини усталик билан тасвирлаб берадики, унинг зулмларига, ҳақоратларига чидагандан, камситилиб яшагандан кўра уста Алининг ориятли одам ўз қўлини ўзи кесиб ташлаганига ишонади. Уста Алига ачинсада бундай ишни қилиш учун урта қанчалик матонатли, иродали эканига қойил қолади. Ёзувчининг бадий маҳорати образлар тасвиридан келиб чиқиб уларнинг хатти - ҳаракатларига китобхонни ишонтира олишидир. “Бадал” ҳикояси инсон иродасининг мадҳи бўлиб, қадрини билиб яшашга ундовчи ажойиб ҳикоялардандир. Биз юқорида келтирганимиз ҳикоя ҳақидаги назарий гапларга асослансак бу ҳикоя конфликтли – ривоявий ҳикоя эканини кўрамиз.

Умар Сайфиддин ҳикоялари ичида болалар бош қаҳрамон бўлган ва болаларининг ички дунёси тасвирланган ҳикоялар ҳам бор. Болалар ҳаёти ҳақида ёзиш осон эмас. Бола кўзи билан дунёга қараш, унинг ҳаёлларидан келиб чиқиб фикрлаш, хуллас дунёни бола нигоҳи билан тасвирлаш ҳар қандай ёзувчидан катта маҳорат талаб қилади. Умар Сайфиддин бунинг уддасидан чиқа олган. “Фалак”, “Онт”, “Қашов” ҳикоялари ана шундай асарлардир. Болаларга бағишланган ҳикояларда ёзувчи ўзи билган, болалигида бошидан кечирган воқеаларни қизиқарли ҳикоя қилади. Ҳикоя қилиш билан чегараланиб қолмасдан воқеликка муносабат ҳам билдириб кетади. “Онт”да бир –бирига дўст бўламиз дея онт ичишган болаларнинг ўзаро садоқати тасвирланаркан, болалиқдан сўзининг устидан чиқиш олижаноб ҳислатлигини ёш қалб онгига синдира боради. “Фалак”да эски мактабдаги ўқитиш усули, болаларнинг ўзича шумлиги, фалакда жазолаш нотўғри тарбия усули эканлиги жуда яхши кўрсатилган. “Мен Гўнандан келганимдан буён шу мактабда ўқиётган эдим. Лекин дарс – парс деган нарсани билмасдим. Бир оғиздан ўқий бошладикми, мен ҳам қўшилар, бақира бошлардим. Энг қизиқадиганим фалак тутиш!..” (Умар Сайфиддин. “Бадал”. “Янг аср авлоди”, 2012 йил.147 бет). Мана шу ўқувчининг сўзиданоқ эски мактаб қандайлиги ҳақида тасаввур қилиш мумкин. Ёзувчининг болалар ҳаётидан олиб ёзилган ажойиб ҳикояларидан бири “Қашов” ҳикоясидир. Отхонага бориб отбоқар Дадаруҳ билан отларни қашов (темир тишли от қашлаш асбоби) билан қашлашни ёқтирадиган бола (асар мен тилидан айтилиб, бош қаҳрамоннинг исми кўрсатилмайди) бир куни ўзи отларни қашовламоқчи бўлади. Аммо қашовнинг темир тишлари ўткир эканми отлар жим турмайди. Шунда бола қашовни тишини чархлайман деб, тош билан уриб синдириб қўяди. Эртаси отаси қашовни қўриб ким синдирганини сўраганда, укаси Ҳасан синдирганлигини айтади. Қаҳри қаттиқ ота Ҳасанни жазолаб отхонага боришни тақиқлаб қўяди. Отларни ниҳоятда яхши кўрган Ҳасан бундан жуда эзилади. Бунинг устига отасининг қачон кўрса “Ҳа, ёлғончи” дейиши оғир ботарди. Бир йилдан сўнг укаси Ҳасан бўғма касалига учраб вафот этганида, укасига қилган тухмати учун ўз ўзини кечиролмай боланинг азобланиши жуда таъсирли берилган.



Укасига ачиниб кечаси билан йиғлаб чиққан бола эрталаб отасига қашовни синдирганлигини айтмоқчи бўлганда кеч эди. Ҳасан ўлиб бўлганди. “Лекин сахар мардонгача мижжа қоқолмадим. Тонг оқараётганда Парвинни уйғотдим. Ўрнимдан турдим. Мен ичимдаги заҳарли изтиробдан қутулиш учун ошқаётган эдим. Афсуски, бечора укам шу кечаси ўлган эди” (Умар Сайфиддин. “Бадал”. “Янг аср авлоди”, 2012 йил. 158-бет)

“Тутқун”, “Онг”, “Васиятнома”, “Жасорат”, “Бенамоз”, “Фалақ”, “Қашов”, “Мансаб”, “Валинеъмат”, “Пора”, “Ғамгин ҳикоя”, “Фармон”, “Камалак”, “Оқ юз”, “Чанокқалъадан сўнг”, “Дўсту нодўстларимиз” каби ҳикоялари ҳам ёзувчининг маҳорат билан таъсирли ёзилган ҳикояларидандир. Ёзувчи ҳикояларида қаҳрамонлари тилидан урф-одатларга, тарихга, умуман инсоний жиҳатларга оид фикрларни айтиб, ҳикоя мазмуни билан шунчалик уйғунлаштириб юборадикки, ўқувчи уни бир насихат сифатида эмас, яқин инсонидан эшитаётгандек ҳис қилади. “Валинеъмат” ҳикоясидаги қаҳрамоннинг сўзларига эътибор қилинг: “Математикада бўлгани сингари, ҳаётда ҳам баъзи назариялар бор. Тўғрилиги аниқ бўлиб турган нарсаларни одамлар назарга илмайди. Масалан: “Ҳар бир одам ўз ишини ўзи ҳал этса, бировнинг бировга эҳтиёжи қолмайди” (Умар Сайфиддин. “Бадал”. “Янг аср авлоди”, 2012 йил. 35-бет) Бадиий асарни ўқишли қиладиган сифатлардан бири унда ўқувчи завқ олиши билан бирга фикрида тўлишсин. Дунёқараши кенгайсин. Ҳар қандай ақлли гапни ҳам таъсирли, киши юрагига етиб борадиган қилиб айтмаса, унинг қадри пасаяди. Бадиий адабиётнинг асосий фазилатларидан бири ҳам айтилмоқчи бўлаётган фикрни, ғояни ўқувчи кўнглига етиб борадиган қилиб айтишдир. Тили содда, тушунарли, жимжимадорликдан узоқ бўлган асарлар ўқувчи кўнглига ўтиришади. Умар Сайфиддин ҳикояларининг тили ширалиги билан ҳам ажралиб туради. Диалогларнинг раволиги, халқ мақолларидан ўринли фойдаланиш, асар қаҳрамонларининг ёшига, руҳига мос нутқ Умар Сайфиддин ҳикояларини тилини безаб турибди. Умар Сайфиддин ҳикоялари юксак бадиийлик талабларга жавоб берадиган ҳикоялардандир.

Таниқли таржимон ва адабиётшунос Бобоҳон Муҳаммад Шариф Умар Сайфиддин ижодининг моҳияти ҳақида шундай ёзганди: “Умар Сайфиддин ўз мамлакатни ва миллатини қаттиқ севган ва унинг келажаги учун қайғурган ватанпарвар ёзувчи эди. Йигирманчи аср бошларида турк жамиятида катта сиёсий кучга эга бўлган айрим гуруҳлар томонидан мамлакатни тарқоқликка, халқни маҳдудликка етаклайдиган қарашлар тарғиб этилаётган, миллат ва дин тушунчалари инкор этилаётган бир шароитда миллий бирлик ғояси, ўзликни англаш, халқни ягона миллий ғоя атрофида жипслаштириш эҳтиёжи туғилган эди. Умар Сайфиддин бу тарихий ҳақиқатни теран илғаб, ўз ҳикояларида миллат ривожига тўсиқ бўлаётган иллатларнинг илдизини, ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғусини хиралаштираётган салбий жиҳатларни ҳаққоний кўрсатди, замондоши ахлоқий- маънавий дунёсини



чукур таҳлил қилди, унда гўзал маънавий фазилатларни тарбиялашни энг муҳим вазифа деб билди.

... Умар Сайфиддин турк маданиятини, прогрессив анъаналарини ҳимоя қилиш, миллатни ёт, айниқса, инсонийликни маҳв этадиган космополитчилик, худбинлик туйғуларини авж олдирадиган Ғарб маданияти таъсиридан асраш учун курашган. Ёзувчининг бу истаклари унинг “Афрўзбей”, “Баланд пошналар” асарларида ёрқин акс этган” (Умар Сайфиддин. Бадал. “Янги аср авлоди”, 2012 йил. 4-5- бетлар).

Ҳикояларида XX аср бошидаги Туркия ҳаётини реалистик акс эттирган, миллат қайғуси, ватанпарварлик бош ғоя бўлган таланти ёзувчи Умар Сайфиддин асарлари бугунги кунда ҳам дунё китобхонлари томонидан севилиб ўқилмоқда. 125 та ҳикояси нашр этилиб, ҳаётлигидаёқ турк ҳикоячилигини дунё миқёсига олиб чиққан Умар Сайфиддиннинг ҳикоялари жаҳоннинг кўп тилларига таржима қилинган. 1972 йил Умар Сайфиддиннинг ҳикоялар тўплами Баҳром Иброҳимов ва Мирвали Аъзамов таржималарида ўзбек тилида чоп этилган эди. Сўнгги йилларда Умар Сайфиддин асарларидан ўзбек тилига янги таржималар қилиниб нашр этилди ва бу жараён давом этаётир. (Мн: “Бадал” Тошкент. “Янги аср авлоди”-2012. “Турк ҳикоялари”. “Камалак ПРЕСС”нашриёти. Тошкент -2019.) Мактаб дарсликларида ҳам ёзувчининг ҳикоялари ўрин олган. Ҳатто ёзувчининг айрим ҳикояларининг бир нечта таржима вариантлари («Бадал», «Қашов», «Бенамоз» ва ҳк) бор. Умар Сайфиддин ҳикоялари ўзбек тилига қайта – қайта таржима қилинаётир. Умар Сайфиддинни ҳикоянавис сифатида А. П. Чеховга қиёслайдилар. Б. Шариф тўғри таъкидлаганидек: « Рус адабиётида А. П. Чехов, ўзбек адабиётида Абдулла Қаҳҳор қандай буюк роль ўйнаган бўлса, турк ҳикоячилигида Умар Сайфиддин шундай ўринни эгаллагандир»..

АБДУЛЛАЕВА ДИЛАФРУЗ

Таянч докторант, ТДШУ

Ғада ас-Самман ва Зулфия Қуролбой қизи ҳикояларида ички нутқнинг бадиий воқеъланиши

Аннотация. Ғада ас-Самман ҳамда Зулфия Қуролбой қизи ижоди ўзининг психологизм ва психологик таҳлил маҳоратидаги ўзаро муштараклиги билан эътиборни тортади. Психологизм – Абдулла Қаҳҳор тили билан айтганда «Ёзувчи маҳоратининг муҳим жиҳатидир». Бунда ёзувчи қаҳрамон ички дунёсини, психологиясини ўз услуби орқали очиб беради. Унда ёзувчи ички монолог, нутқий характеристика, психологик портрет, галлюцинация, туш каби психологик тасвир воситаларидан фойдаланиб, қаҳрамон ички оламини очиб беради. Бунда ёзувчи қаҳрамон ташиқи дунёга фақатгина ички дунёсини ёритиб бериш учунгина мурожсаат қилади.



Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидида айрим ҳолларда «психологизм» ва «психологик таҳлил» терминлари фарқланмай ишлатилади. Аммо бу икки терминни бир маънода қўллаш ноўриндир. Психологизм «психологик таҳлил» тушунчасига нисбатан кенг бўлиб, у ўзида бевосита авторнинг психологиясини қамраб олади. У адабиётнинг ўзига хос қонуний ҳодисаси бўлиб, ёзувчининг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда намоён бўлади. «Психологик таҳлил» эса, инсон психикаси жараёнларини, унинг фикр ва ҳиссиётдаги турли-туман «оҳанг»лар ривожини акс эттирувчи, қаҳрамон руҳий дунёсини аналитик принцилда очувчи эстетик категориядир. Шунингдек, психологизмга нисбатан психологик таҳлил ўзининг ички монолог, ўзиники бўлмаган нутқ, психологик портрет, икки сюжетли диалог каби аниқ белгиларига эга. Шундай қилиб, психологизм - адабиётнинг қонуний бадий ҳодисаси, психологик таҳлил эса ана шу қонуний бадий ҳодисанинг мураккаб кўриниши (категорияси)дир.

Ёзувчи Гада ас-Самман ва Зулфия Қуролбой қизи ҳам ўз ижодида ички нутқ – ички реплика, ички диалог, ички монолог (монолог-муҳокама, монолог-хотира, монолог-мулоҳаза), нутқий характеристика, портрет, такрор сўзлар, галлюцинация, пауза воситаси каби психологик таҳлил воситаларидан моҳирона фойдаланиб, психологик ва магик реализм унсурлари билан бойитилган насрий асарлар яратиб келмоқдалар. Хусусан, улар ижодида психологик тасвир воситалари, ички нутқ ва ички монолог концептининг воқеъланиши муҳим аҳамият касб этади.

Таянч сўз ва иборалар: Бадий психологизм, психологик таҳлил, ички нутқ, ички реплика (луқма), ички диалог, ички монолог, монолог-мулоҳаза, монолог-муҳокама, монолог-хотира.

Аннотация. Творчество Гады ас Саммана и Зулфии Куролбой кизи привлекает внимание своим сходством в приемах психологизма и психологического анализа. Психологизм, по словам Абдуллы Каххора, «важный аспект писательского мастерства». В этом случае писатель раскрывает внутренний мир главного героя, его психологию через собственный стиль. В нем писатель раскрывает внутренний мир главного героя с помощью психологических образов, таких как внутренний монолог, речевая характеристика, психологический портрет, галлюцинации, сновидения. При этом писатель обращается к главному герою через внешний мир только для того, чтобы осветить его внутренний мир.

В узбекской литературе и литературоведении термины «психологизм» и «психологический анализ» иногда употребляются без разбора. Но неуместно использовать эти два термина в одном и том же смысле. Психологизм шире понятия «психологический анализ», который сам по себе непосредственно охватывает психологию автора. Это своеобразное естественное явление литературы, проявляющееся независимо от воли писателя. «Психологический анализ» – эстетическая категория, отражающая процессы психики человека, развитие различных «тонов» в его мыслях и чувствах, раскрывающая на аналитической основе душевный мир героя. Также психологический анализ по отношению к психологизму имеет свои особенности, такие как собственный внутренний монолог, неродная речь, психологический портрет, двухэтапный диалог. Таким образом, психологизм – закономерное художественное явление литературы, а психологический анализ – комплексное проявление (категория) этого законного художественного явления.

Авторы Гада ас Самман и Зулфия Куролбой кизи включают в свое творчество также методы психологического анализа, такие как внутренняя речь – внутренняя



реплика, внутренний диалог, внутренний монолог (монолог-дискуссия, монолог-воспоминание, монолог-размышление), речевая характеристика, портрет, повторные слова, галлюцинации, умело используя свою способность, создают прозаические произведения, обогащенные элементами психологического и магического реализма. В частности, важную роль в их работе играет реализация концепции психологической образности, внутренней речи и внутреннего монолога.

Опорные слова и выражения: Художественный психологизм, психологический анализ, внутренняя речь, внутренняя реплика, внутренний диалог, внутренний монолог, монолог-размышление, монолог-дискуссия, монолог-воспоминание.

Abstract. The works of Gada as Samman and Zulfiya Kuroloy kizi attract attention with their commonality in the skills of psychologism and psychological analysis. Psychologism, according to Abdullah Kahhor, "an important aspect of writing." In this case, the writer reveals the inner world of the protagonist, his psychology through his own style. In it, the writer reveals the inner world of the protagonist with the help of psychological images, such as internal monologue, speech characteristics, psychological portrait, hallucinations, dreams. At the same time, the writer addresses the main character with the outside world only in order to illuminate his inner world.

In Uzbek literature and literary criticism, the terms "psychologism" and "psychological analysis" are sometimes used indiscriminately. But it is inappropriate to use the two terms in the same sense. Psychologism is broader than the concept of "psychological analysis", which in itself directly embraces the psychology of the author. This is a peculiar legal phenomenon of literature, which manifests itself independently of the will of the writer. "Psychological analysis" is an aesthetic category that reflects the processes of the human psyche, the development of various "tones" in his thoughts and feelings, revealing the mental world of the hero on an analytical basis. Also, psychological analysis in relation to psychologism has its own characteristics, such as its own internal monologue, non-native speech, psychological portrait, two-story dialogue. Thus, psychologism is a legitimate artistic phenomenon of literature, and psychological analysis is a complex manifestation (category) of this legitimate artistic phenomenon.

The authors Gada as Samman and Zulfiya Kuroloy kizi also include methods of psychological analysis in their work, such as inner speech - inner replica, inner dialogue, inner monologue (monologue-discussion, monologue-recollection, monologue-reflection), speech characteristics, portrait, repeated words, hallucinations, skillfully using their ability, create prose works enriched with elements of psychological and magical realism. In particular, an important role in their work is played by the implementation of the concept of psychological imagery, inner speech and inner monologue.

Keywords and expressions: Artistic psychologism, psychological analysis, inner speech, inner replica, inner dialogue, inner monologue, monologue-reflection, monologue-discussion, monologue-recollection.

Адабиётшуносликда (психоллингвистикада ҳам) ички нутқ тушунчаси назарий жиҳатдан етарлича ўрганилмаган бўлиб, ички нутқ ва унинг психологик табиатини тўғри англамай туриб, сўз ва фикр ўртасидаги боғлиқликни англаш мураккабдир. Ички нутқ кишининг ўз-ўзига қаратилган нутқи, овозсиз ички мулоҳазаси бўлиб, ички кодга мувофиқ, ошқора товушсиз амалга оширилади,



товушсиз артикуляри ҳаракат – «ичда гапиришни ўрганиш, тажриба асосида қайд этиш тил ва тафаккур, тил ва нутқ, фикрлаш шакли ҳамда нутқни идроклашни тадқиқ этишга имкон беради.¹ Бадиий адабиётда ички нутқнинг жами уч хил кўриниши мавжуд бўлиб, булар *ички диалог*, *ички монолог* ҳамда *ички луқма (реплика)*дир. Булар барчаси бир бўлиб ички нутқ воситаси сифатида шахс ички алоқаларининг узлуксиз жараёнини ташкил қилади.² Ички нутқ ва унинг кўринишлари ўз навбатида бадиий асар психологизмини кучайтиришга хизмат қилиб, асар унинг қахрамонлари руҳиятини очиб беришда асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган учала шаклнинг ҳар бири ўзига хос таркибий ва семантик хусусиятларга эга бўлиб, улар шахс руҳий оламида бажарадиган вазифаларида намоён бўлади. Ички нутқнинг энг содда кўриниши бўлмиш – *ички реплика* – алоҳида, атрофлича қисқа, нутққа алоқадор бўлмаган жараёнларда намоён бўлувчи ўзаро боғлиқ бўлмаган сўзлар жамланмаси ёки ташқи нутқни қабул қилувчи шахснинг ички комментарий (изоҳ)и сифатида намоён бўлади³. Қисқа қилиб айтганда, маълумот қабул қилувчи вазият/ ҳолатга нисбатан шахснинг эмоционал баҳо бериши ички репликани тақозо қилади. Ўз навбатида баҳолаш объекти эса бутун бир вазиятнинг ўзи ёки унинг айнан шахс руҳиятига жуда қаттиқ таъсир қилган қисми бўлиши мумкин. Ички реплика орқали муаллиф персонажнинг айнан ўша лаҳзадаги руҳий ҳолат (хурсандчилик, қайғу, таажжуб, муҳаббат ёки нафрат)ини очиб беради.

Психологик бадиий тасвир – ички нутқнинг яна бир тури – *ички диалог* бўлиб, диалог тарзида шакллантирилган мулоҳазалар кетма-кетлигини ташкил этади. Ички диалог ҳаёлан икки ва ундан ортиқ шахслар суҳбати тарзида, яъни бир персонажнинг айни дамда икки (баъзан ундан ҳам ортиқ) образ сифатида тилга киришидир. Иккинчи диалог ўткир психологик ҳолат бўлиб, унда шахснинг икки паллага ажралиши – шахсият иккилануви содир бўлади.

Ички нутқнинг учинчи кўриниши *ички монолог* бўлиб, «персонажнинг моддийлашмаган, ўзига қаратилган ва ичидагина кечувчи нутқи; бадиий психологизмнинг бевосита шакли. Шартли равишда инсон онгида кечаётган ўйлов (ҳис этиш) жараёни сифатида қабул қилинади»⁴. Ички монолог ички нутқнинг нисбатан мураккаб шакли бўлиб, у ўқувчига икки хил усулда тақдим этилиши мумкин – *кўчма ички монолог* ҳамда *тўғридан-тўғри ички монолог*. Кўчма ички монологда персонажнинг ичида кечаётган ўй-фикрлари муаллиф нутқи орқали баён қилинса, тўғридан-тўғри ички нутқда персонажнинг ички монологи тўлиқлигича ўз тилидан айтилади ва жонли нутқда мавжуд конструкция сақлаб қолинади: оғзаки қисқартмалар, фонетик

¹ <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/ichki-nutq-uz/>

² Синельникова Л. Н. Жизнь текста, или Текст жизни // - Луганск: Знание, - 2005. – Б. 54.

³ Ўша асар, Б. 62.

⁴ Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б. 11.



копрессиялар, хис-туйғуни янада таъсирли тасвирловчи кўплаб ундов, сўрок ва тиниш белгилари (пауза воситаси), қисқа жумлалар, такрор сўзлар, тугалланмаган ва мантиқсиз иборалар.

Ички монолог ўз навбатида ўқувчига қандай маълумотни етказиб бераётганига қараб монолог-мулоҳаза, монолог-муҳокама, монолог-хотира каби турларга ажралади. Монолог-хотиралар орқали персонаж ҳақидаги автобиографик ҳамда ижтимоий-психологик маълумотларни олсак, монолог-мулоҳаза ҳамда монолог-муҳокама орқали унинг ташқи оламга бўлган реакция – муносабатини англашимиз мумкин бўлади.

Кўп ҳолларда адабиётшунослар томонидан *ички монолог* ва *онг оқими* тушунчалари бир қаторга қўйиб келинади. Масалан, адабиётшунос олим Д.Қуронон *онг оқими*ни ички монолог имкониятларидан максимал даражада фойдаланиб, руҳий жараёнларни имкон қадар ҳақиқатга монанд тасвирлаш йўлидага самарали изланишлар натижаси ҳамда ички монологнинг шартлилик асосида мантиқ қолипларига солинмаган кўриниши дея эътироф этади; реалистик адабиёт учун эса синоним терминлар сифатида қўллайди¹.

Ички нутқ масаласи Гада ас-Самман ҳамда Зулфия Қуролбой қизи насрида, хусусан, ҳикоянавислигида алоҳида аҳамият касб этади. Муайян персонажларнинг, айниқса камгап, одамови ва сирли қаҳрамонларининг борлиғига ҳамда ички дунёсига кириб бориш, уларнинг ички ҳаётини, руҳият оламини тасвирлаб беришда ички нутқ янада муҳим аҳамият касб этади. Иккала муаллиф услубидаги ўхшашлик – ижодкорнинг мақсади айнан шу жиҳатдан намоён бўлади. Тафовутли жиҳати эса, Гада ас-Самман ижодида асар руҳиятини янада таъсирли етказиб бериш учун фақатгина ҳикоячи-персонаж нутқидан фойдаланиб, воқеалар ривожини бошидан охиригача бош қаҳрамон тилидан баён этилса, Зулфия Қуролбой қизи услубида айрим асарлари ҳикоячи-муаллиф, айрим асарлари эса ҳикоячи-персонаж нутқидан сўзлаб берилади. Зулфия Қуролбой қизининг ҳикоячи-муаллиф тилидан баён этилган психологик ҳикояларнинг муҳим жиҳати шундаки, унда муаллиф образи асарга шу қадар сингиб кетадики, гўё у қаҳрамон билан ёнма-ён тургандай ҳис қилинади.

Гада ас-Самман насрида автобиографик нафас уфуриб туради. «Мушук овози» («المواء» → «Ал-Мивау») ҳикояси ҳам бу ҳолдан мустасно эмас. Ҳикоя бош қаҳрамони Яфа исмли араб қизи таълим олиш учун Лондонга Байрутдан келган, муаллиф Гада ас-Самман ҳам ушбу ҳикоя тўлами чоп этилишидан аввал Лондонга магистрлик диссертациясига манба излаш учун борган ҳамда маълум бир вақт шу ерда истиқомат қилган. Адиба араб қизи Яфа образи мисолида мусофир аёл кечинмаларини кўрсатиш билан бирга ўз ҳижрон изтироблари, Ғарб ҳаёт тарзи ва одамларига нисбатан таажжубини моҳирона ифода этади. Шунингдек, асарда муаллиф Яфанинг маҳбубига Ҳазим дея ёлғиз

¹ Адабиётшунослик лугати. Д.Қуронон ва б. Т.: Академнашр, 2013, 209-б.



ўғлининг исмини берган. Ҳазим исми адибанинг кўплаб асарларида келтирилган бўлиб, масалан «Ғариблар туни» («Лайлул Ғурабаа»- «ليل الغرباء») тўпламига кирувчи яна бир ҳикоя «Театрдаги нурли жой» («Буқъату давъи ʼала масраҳ» – «بقعة ضوء على المسرح») ҳикоясининг ҳам бош қаҳрамон аёлининг маҳбуби ҳарбий йигитнинг исми ҳам Ҳазим. Ғада ас-Самман ижодини диққат билан ўрганар эканмиз, унинг асарларида муаллиф ҳаётининг айрим лаҳзаларини, ўхшаш томонларини учратамиз. Масалан, адиба ўзининг «Байрут даҳшатлари» («Кавабис Байрут»- «كوابس بيروت») романида ҳам муаллиф ва қаҳрамон Марям ҳаёти, фикри уйғунлашиб кетади. Муаллиф ўқувчига сездирмаган ҳолда гоҳо Марям образида ўз тилидан гапирди, гоҳо эса яна сездирмайгина Марямни «жойига» кўйиб қўяди.

Биз таҳлил қилаётган «Мушук овози» ҳикояси эса, номи рамзий номланган бўлиб, бу ижод намунасида ҳам адиба бадиий маҳоратини кўрсатиб берган. Адибанинг ўткир қалами унинг бадиий тасвирий воситалари ва психологик таҳлил воситаларидан моҳирона фойдаланганлигида яққол намоён бўлади. Ҳикоядаги мажоз истиора, ташбеҳ каби бадиий санъатлар қаҳрамон руҳий ҳолати, психологиясини очиб беришга, ўқувчига вазиятни янада таъсирли ва аниқ қилиб етказиб беришга хизмат қилади. Бу санъатларнинг ўрни айниқса, психологик таҳлилда салмоқлидир. Ғада ас-Самман қаҳрамонларнинг руҳий олами талқинида ички нутқ – ички реплика, ички диалог, ички монолог, нутқий характеристика, психологик портрет, пейзаж, галлюцинация, такрор сўзлар, психологизмнинг хотира шакли каби психологик таҳлил воситаларидан унумли фойдаланган.

Ҳикояда, айниқса, ички монологнинг ўрни катта. Сабаби ҳикоя бошдан охиригача биргина қаҳрамон Яфа тилидан сўзланади. Бу ёзувчи услубига хос, унинг деярли барча ижод намуналари ҳикояси персонаж тилидан сўзланади. Ғада ас-Самман ҳикояни қаҳрамон тилидан сўзлаб, ўқувчи билан бевоста мулоқотга киришади. Ҳикоя давомида муаллиф ички монологнинг турли кўринишларига мурожаат қилади, образ ички дунёсини ифодалашда монолог-мулоҳазадан фойдаланса, унинг ўтган кунларини, ўз ўтмишига саёҳатларини монолог-хотиралар орқали баён қилади, қаҳрамоннинг ўзи билан бўлган ички курашларини монолог-музокаралар орқали тасвирлайди.

Ёзувчи Ғада ас-Самман ҳам ҳикояда Байрутдан Лондонга келган мусофир араб аёлини тасвирлар экан, у қаҳрамон руҳий ҳолатини яхши тасаввур қила олган ва буни ўз асарида моҳирона талқин этган. Сабаби, тахминан ҳикоя чоп этилишидан биров вақт илгари адиба таълим юзасидан Лондонда истикомат қилган. Адиба шу сабабли ҳам персонаж руҳий олами ва айни дамдаги ҳолатини аниқ тасвирлаб бера олган. Натижада муаллиф - персонаж- ўқувчи учлиги пайдо бўлиб, улар бари битта одамга айланади.

Ҳикояни ҳикоячи - персонаж Лондоннинг камбағаллар даҳаси тасвирига алоҳида ўрин ажратилган. Ўша ерда яшовчи бир кампирнинг мушуги беҳол,



ожиз миёвлайверади. Ҳижрон азобидан шундоқ ҳам дунё кўзига тор кўринаётган Яфага Лондон жудаям хунук, бефайз кўринади.

عاد المواء المنقطع. مواء مستمر مخنوق شاحب من هناك. اقترب من النافذة و أطل على الهوة المظلمة: بئر من الجدران المكسوة بالهباب، تقطعها بعض النوافذ المضئية، و أنابيب المياه و الغاز السود، و تبدو الاشياء بمجموعها كأحشاء بطن مفتوح.¹

«Узуқ-юлуқ миёвлаш эшитиларди. У ердан келаётган миёвлаш давомли ва бўғиқ эди. Деразага яқинлашаман ва қоронғу ўрага назар ташлайман: Деворлари майда чанг билан қопланган қудуқ, уни бир неча ёритиб турадиган деразалари бўларди, сув ва юзнинг қора қувурлари. Буларнинг бари бир бўлиб, худди қорин ички аъзолари очиқ тургандай кўринарди».

Адиба қахрамон тилидан ушбу атроф-манзаралар ҳақидаги монологида асарни бошида келтириб, бу билан қахрамоннинг қанчалик тушкун аҳволда эканлигини кўрсатиб бермоқда. Аёл шу қадар тушкун аҳволдаки, унинг кўзига ҳамма нарса хунук кўринарди. Ҳикояда персонаж монологлари шу қадар моҳирона тузилганки, воқеа-ҳодисаларнинг бари беихтиёр ўқувчи кўзида оқ-қора рангларда намоён бўлади.

ما زال المواء مختنقًا متقطعًا خافتًا لكنه مستمر، فيه تحفز حيواني دافئ. إنه يشبه أنين لذة امرأة مكتومة الفم، تغتصب عنوة.²

«Миёвлаш узук-юлуқ, бўғиқ аммо давомли эди, унда ҳайвоний илиқлик яширинганди. У бамисоли оғзи ёпиқ аёлнинг эҳтиросли товуши каби кўтарилади».

Ушбу парчадан кўриниб турибдики, аёлни нафақат мушукнинг овози, миёвлаган товуши азобга соляпти, балки бу бир рамз бўлиб, балки мушук Яфанинг дардидан, ҳолидан сўзлаб миёвларди. У ёлғиз аёлнинг дардини куйларди. Муаллифнинг бадий маҳорати ҳам ана шу «мушук» ва «миёв-лаш» рамзида кўринади. «Мушук миёвларди», «Мушук ожиз, беҳол, бўғиз миёвларди» каби такрор сўзлар ёрдамида эса адиба бу ҳодисага эътиборни тортади. Қахрамоннинг қалби қанчалар азобда ва бу ҳол тинмай давом этаётганига ишора қилади.

Ички монологларда баъзан ёзувчи бир сўзни такрор-такрор келтиради, шу сўзга логик урғу беради ва китобхон диққатини ушбу сўз моҳиятига жалб қилади, чунки бу сўзларда қахрамон психологиясининг асл моҳияти ифодаланган бўлади.³

Ҳикояда яна энг кўп такрорланган сўзлардан бири бу Яфанинг маҳбуби Ҳазимнинг номидир. Аёл ҳамиша қалбан у билан бирга. Унинг олдида келолмаслигини билса ҳам, энди бирга бўлолмасликларини билса ҳам, Яфа Ҳазимни чақираверади. Чунки Яфанинг бутун қалби, вужуди, муҳаббати унга муштоқ! Ҳазимсиз бу совуқ, бефайз, бегона Лондонда у жуда ёлғиз. Бу ерда у ўзини илон-чаёнлар билан тўла қудуққа тушиб қолгандай ҳис қилади.

¹ غاد السمّان. المواء (ليل الغرياء). بيروت، منشورات غاد السمّان، 1966. - ص. 24.

² Ўша асар. Б.25.

³ Шодиев Н. Рухият рассоми. -Т.:Фан, 1977. -Б. 16



أنا مغمورة في برميل مملوء بالافاعي و العقارب الباردة (أين يدك يا حازم؟) اهرع إلى نور غرفتي « فأطفئه. استر هلعى بالظلام. أنا سلحفاة تأوي إلى صندوقها.¹

«Мен чаёнлар ва совуқ илонлар билан лиқ тўла ҳумга шўнгидим (Қўлинг қани, эй Ҳазим?) Хонамнинг чирозига қўлингни узат ва ўчириб қўй. Менинг қўқувимни зулмат билан беркит. Мен ўз косасидан паноҳ топгувчи тошбақаман».

Юқорида келтирилган парчада ички монологдан персонажнинг қанчалар тушкун, аянчли аҳволга тушиб қолганлиги тасвирланган. Яфа нафақат тушкун аҳволда, балки руҳан эзилгандир. У ўзини ва бу азобларни ҳум тўла илон-чаёнларга, «шўнғиш»ини эса унинг бу ҳолига ўзи сабабчи эканлигига ишора. Бундан эса, қахрамон қаттиқ азобда эканлигини, унинг қалб тугён-лари, азоблари чексизлигини муаллиф маҳорат билан тасвирлай олган. Яфа шундай азоб чекаптики, гўё ҳижрон азоби уни илон-чаёнлар каби чиқаётгандай. У ташқи олам таъсирларидан худди тошбақа ўз косасига яширингани каби ўз оламига яширинишини ёзувчи бадий санъатлар билан ифода этган. Уни худди тошбақа каби ўзидан бошқа ҳеч ким ҳимоя қилолмайди. Ёзувчи Яфанинг ожизлигини бир беғубор ҳайвоннинг ҳимоясизлигига ўхшатади ва китобхонда унга нисбатан меҳр, ачиниш, қайғуриш ҳиссини уйғота олади. «Қўлинг қани, эй Ҳазим?» – сўзлари адиба услубидаги матн ўйинларига кўра қавс ичида ва тўқ ҳарфларда берилган бўлиб, бу ўринда ички реплика вазифасини ўтайди ҳамда қахрамоннинг мазкур ҳолатда нажотга муҳтож эканлигига, бу нажоткор ким эканлигига ишора қилинган.

أنا واحدة ففي جزيرة رعب...²

«Мен қўрқинч саҳросида ёлғизман...».

Яфа ўз ҳаётини маъно-мазмунсиз, гўзаллик ва қувончдан ҳоли деб ўйлагани сабабли уни саҳрога ўхшайди. У ушбу саҳрода ёлғиз, битта ўзи, ҳимояга, паноҳга муҳтож. Шу сабабли ҳам у қўрқади, қўрқинч саҳросида ўзини ёлғиз, ҳимояга муҳтож ҳис қилади. Яфа фақат Ҳазимдангина мадад кутади.

أين صدرك يا حازم؟ جبنى! جبنى!³

«Қани сени кўкрагинг, эй Ҳазим? Бағрингга бос мени! Бағрингга бос!»

Соғинг, ҳижрон, мусофирлик, ёлғизлик... Адиба қахрамон буларнинг баридан қочиб, суюқлиси, соғингани Ҳазимнинг бағрига беркиниб олишни хошлашини баён этган. Ҳазим билан бирга бўлиб бу дунё азобларидан унинг бағрига беркиниб, унинг паноҳида яшашни истайди.

Яфа Ҳазимга зор бўлса-да, хотира монологларида уни танқидга олади.

و لا فرق بين أن تتم أو لا تتم، لأنك ستحطمها حينما تنتهي، ككل لوحة رسمتها، ستظل جدران مرسمك عارية و تظل شرفتك تطل من على المدينة كعيني نسر غامض!⁴

«Фарқи йўқ, тугайдими ёки йўқ, сен уни бари-бир охирида йиртиб ташлайсан, худди барча чизган сураатларинг каби ва устахонангнинг девор-

¹ غاد السمّان. ليل الغرياء. المواء. بيروت، منشورات غاد السمّان. ص.27.

² Ўша асар. Б. 27.

³ Ўша асар. Б.28.

⁴ Ўша асар. Б.25.



лари ялангоч бўлиб қолади, айвонинг эса, шаҳарга тепадан худди бургут кўзларидай қараб туради».

Юқорида келтирилган парчада Яфа Ҳазимни иродасизликда айблайди. Ўз хотира монологларида буни турли ўхшатишлар, истиора ва бошқа бадий санъатлар ёрдамида Ҳазим образига нутқий хараткеристика беради.

Яфанинг психологиясини очиб беришда муаллиф шунингдек, унинг ички монологларида атроф-муҳит тасвирига ҳам алоҳида ўрин ажратади. Масалан, у Дездера билан борган тунги клуб - «Макобар» тасвири.

لا أكاد أدخل حتى أجدني في مقبرة.. مقبرة من نوع عجب!
المقاعد توابيت سود عتيقة. الأضواء الحمر الخافتة تتسكب من خلال عظام هيا كل عظمية و ظلال اضلاع
القفص الصدري تقطع المكانبحديد قضبان لا محسوسة، و الكؤوس التي يشربون منها على التوابيت جماجم بشرية.¹

«Киришим билан ўзимни қабрдагидек ҳис қилдим, ажобий қабр!»

Ўриндиқлари қадимий сандиқлардан ишланган, улкан ҳайкаллар тарафидан қизил ёруғлик келарди. Тобутлар устида ўтириб ичимлик ичиладиган қадаҳлар эса инсон бош чаногидан эди».

Бу парчадан жой-макон тасвири ғайритабiiй бўлиб, унда персонажнинг атрофга нарса, ҳодисага муносабати, нима билан қиёслаши кўрсатилган. Яфанинг руҳи шу қадар тушкунки, ҳар бир ҳолатни у бирон-бир салбий нарса билан қиёслайди. Барча нарса унга хунук кўринади. Унинг руҳини нафақат ҳижрон азоби, балки ғарб ва шарқ ҳаёт тарзи ўртасидаги кескин тафовут ҳам азобга солиши акс эттирилган.

... يصعب علىّ تمييز شبانها من فتياتها.. (هذا الحيل الحديد في لندن يرعيني، لرجالة شعر طويل، و نظرات مخنثو لا تطاق... ما زال الرجل في بلادي صلداً، ما زال يعاملها على انه هو الرجل...)²

«Менга йигитлар билан қизларни фарқлаб олиши қийин бўлди...»

(Лондоннинг бу янги авлоди мени даҳшатга солади, йигитларининг сочлари узун, нигоҳлари эса аёлларники каби, чидаб бўлмайди! Менинг юртимда эркаклар собит... Булар эса аёлларга эркакларга қилгандек муомала қилишади...)

Персонаж Лондондаги ҳар бир вазиятни ўз юрти билан таққослайди ва Шарқ аёли нигоҳи билан баҳо беради. Яфа «даҳшатга солади»- дейди, аслида уни бу ҳолат эмас, балки унинг сабаби ва оқибати нима бўлиши мумкинлиги даҳшатга соларди. Аммо аста-секин ўзи ҳам шу уммон гирдобига беихтиёр тортила бошлайди. Аммо вақтида ўзини тўхтатиб қолади. Персонаж ўзлигини сақлаб қолади.

و إذا رضيت بأن أعيش في مدينة تحولنا إلى سجنائر متشابهة، فهل أَرْضَى بأن يكون هذا كل شيء؟
مجرد لقاء الجمر بالجمر، ريثما تنتهي السيجارة في دقائق!³

«Агар мен биздан бир хил сигареталар ясовчи бу шаҳарда яшашига рози бўлсам, унда шу билан ҳаммаси тугашига ҳам розиманми? Ўтнинг ўт билан биргина учрашуви, бир неча дақиқада сигареталар тамом бўлмагунча!».

¹ غادة السمّان. المواء (ليل الغرباء). بيروت، منشورات غادة السمّان، 1966. ص. 35

² Ўша асар. -Б. 35.

³ Ўша асар. -Б. 39.



Ушбу монологда эса Яфанинг изтиробни акс этган бўлиб, у ўзи қилаётган ишларидан нафратлана бошлайди, вақтинчалик кўнгилхушлик, муҳаббатнинг қиймати пасайиши, қадрни йўқолиши, шунчаки нафс йўлидан муҳаббатдан воз кечади. Ўзлигини сақлаб қолади. Ўзининг шарқона иффати, орияти, муҳаббат ва ишқий муносабатлари муқаддас деб билгучи анъаналарига содиқ қолиши тасвирланган. Яфа образида Гада ас-Самман чет элда таълим олаётган, ўз миллийлигини сақлаб қолаётган араб қизларининг тимсолини гавдалантирган.

Ҳикоя давомида энг таъсирли ва турли бадий санъатларга бой ички монологлар Яфанинг Ҳазим билан боғлиқ хотира монологларида келтирилган.

ليلة رحيل شددتني إلى صدرك... أتخبط بنشوة ففي شبائك. أود أن لا أحرر منها أبدًا. همست: سوف أفتقدك! و كان لصوتك رائحة أمسيات مبللة بالمطر.¹

«Кетадиган куним мени бағрингга босдинг... Сени бўйингдан нафас олардим. Бағрингдан ҳеч қачон бўшатмаслигингни истардим. Аста пичирладинг: «Сени йўқотяман!». Овозингдан ёмғирли оқшомларнинг иси келарди.»

Яфа ва Ҳазимнинг муҳаббати шу қадар соф, беғубор, улар бир-бирларини қаттиқ севишади. Асло айрилгилари келмайди, аммо тақдир тақозоси билан бу ҳодиса бўлади. Парчадаги ифодаланган соф муҳаббат ҳижрони Яфани азобламокда. Айнан шу парчада Яфанинг нима сабабдан бунчалар руҳан эзилаётганлиги акс эттирилган. Улар Ҳазим билан нафақат бир-бирларини севадилар, балки улар маънан, ақлан ва албатта, хаёлан ҳамини бирдам. Ҳазим ҳақидаги ўйлар Яфага тинчлик бермайди. У ҳатто хаёлларида уни рашк қилади:

... أين أنا يا حازم الآن؟ لعلك في بارك المفضل في شارع فينيقيا، تشرب و يافا تحترق في كأسك..، أو في فراش امرأة ما...²

«Қаердасан ҳозир, эй Ҳазим? Балки Финикия кўчасидаги сеvimли боғингдадирсан? Балки ичаётгандирсан, Яфа эса сенинг қадаҳингда ёнади... ёки бирорта аёлнинг тўшагидадирсан...»

Яфа хаёлан Ҳазим билан бирга, хаёлларида у ўтмишига қайтиб, Ҳазим билан суҳбатлашади, бирга ўтган кунларини эслайди. Ҳамма, ҳаммасини ёдга олиб, онгида таҳлил қилаверади. Барча келишмовчиликлари-ю, висол дамларигача:

و تركص كفرس أصلية فيى السباق، تتدست كل من سواما لكنها تردد في سأم عند كل منعطف: و ماذا بعض و ماذا بعد؟³

«Сен пойгада қатнашаётган зотдор от каби тўлганасан, бу отдан бошқа ҳаммаси маррага етиб келган, сен ҳам ўша зотдор от каби иккиланасан, ўйлаб қоласан. Кейинчи? Кейин-чи?»

Бу хотира монологиди эса адиба Ҳазимнинг характери ва ички дунёсини очиб беришда, пойгада зотдор от рамзидан фойдаланади. Ёзувчи Гада

¹ غادة السمان. المواء (ليل الغرباء). بيروت، منشورات غادة السمان، 1966. ص. 29
² غادة السمان. المواء (ليل الغرباء). بيروت، منشورات غادة السمان، 1966. ص. 25

³ Ўша асар.



ас-Самман биргина ўшатиш ёрдамида ёзувчини Ҳазимнинг ҳам серфикр, ўйчан эканлигини ва айна дамда журъатсиз, кўп иккиланадиган, ўзига нисбатан, ўз кучига нисбатан ишончсиз шахс эканлигини кўрсатиб беради. Шунингдек, ёзувчи ушбу хотира монологи орқали Яфани нафақат ҳижрон азоби ёки Ҳазимни соғиниши, балки унинг феълидаги журъатсизлик ҳам азобга солмоқда.

Шунингдек, хотира монолоғларидаги Яфа ва Ҳазим тортишувларида муаллиф Яфанинг психологик портретига ҳам айрим чизгилар бериб ўтади.

و قلت لك اننى على الاقل «أعرف ما لا أريد». و ضحكت: لماذا لا تخرجين قليلا من صدقتك، و تبخرين في المحيط حولك؟ ستكونين أكثر قدرة على الامتزاز بما حولك و التماعل مع عالم الآن خرين و يومئذ أمامى لا رسمك، مازلت عاجزاً عن رسمك...¹

«Мен сенга ҳеч бўлмаганда «нимани хоҳламаётганлигини билман», дедим. Кулдинг: Нима учун ўз чиганогингдан бироз муддатга чиқиб, сени ўраб турган уммон узра сузмайсан? Шунда атрофдаги одамларга кўпроқ қўшилган бўлардинг, ўзгалар билан муносабатга кўпроқ киришардинг. Ҳозир эса мени олдимда суратингни чизишим учун турибсан. Мен сени расмингни чиза олмайман...».

Ҳазимнинг бу сўзларидан маълум бўладики, Яфа ўз дунёсига яшириниб олган, одамларга кам қўшиладиган, одамови, ўзгалар билан тез тил топишиб, киришиб кетадиган эмас. Адиба унинг бу ҳолатига чиройли бадийлик беради. Ҳазим унга «чиганогингдан чиқиб, сени ўраб турган уммонга шўнғи» дейди ва бу билан муаллиф қизни садаф ичра нозик дурга қиёслайди. Бу дурни юзага чиқариш учун унга моҳир ғаввос лозим. Худди шундай Яфанинг ўз дунёсидан ташқарига чиқиши учун ҳам унга меҳрибон ва паноҳ бўлгувчи инсон керак. Аммо Ҳазим уни қанчалар севмасин, у бундай инсон эмас эди.

و أنت يا حازم، هل تعرف ما ذا تريد؟ لم تجب يومئذ. و سمعت صمتك تكسر أشياء تتحطم.²

«Сенчи эй Ҳазим биласанми, нимани хоҳлаётганингни? Жавоб бермайсан. Сенинг овозингда синаётган ашёларнинг овозларини эшитдим».

Юқоридаги монолог-музокарада Яфа Ҳазимни танқид қилмаяпти, балки шунчаки у учун қаттиқ қайғуларди. «Овозинда синаётган ашёларнинг товуши» иборасининг тагида эса, Ҳазимнинг «синган руҳи» яширингандир.

Ҳикоя давомида муаллиф ўз ғояларини ўқувчига етказиб беришда рамзлардан ҳам фойдаланилади. Ҳатто ҳикоя номини рамзий равишда «Мушук овози» деб номлайди. Аёлларнинг меҳрга, муҳаббатга, ҳимоя ва паноҳга муҳтожликларига алоҳида урғу беради ва ҳар қандай шароитда ҳам заифа Аёл ҳаёт машаққатларини енгиб ўтишда ўзига куч топа олиши ва ўзлигини сақлаб қолиши шарт, деб ҳисоблайди.

Ўзбек адибаси Зулфия Қуролбой қизи ижоди ўзининг мавзу кўлами ҳамда ғоялари билан, шунингдек воқеликни баён қилиш услубига кўра Гада

¹ Ўша асар.

² غادة السمان. المواء (ليل الغرباء). بيروت، منشورات غادة السمان، 1966.



ас-Самман услубини ёдга солади. Ёзувчи Зулфия Қуролбой кизи насрида ҳам ички нутқнинг учала кўринишини учратамиз. Муаллиф ички реплика, ички диалог ҳамда ички монологлардан образ ва асар руҳиятини очиб беришда моҳирона фойдаланади. Масалан, муаллифнинг «Изтироб» номли ҳикоясида эр-хотин ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви акс эттирилган лаҳзасида китобхон ва ҳикоядаги воқеалар ривожини ўртасида учинчи шахс – ҳикоячи образи пайдо бўлади. Муаллиф ўзига хос услуб билан матнда вазиятга нисбатан ўз муносабатини қавс ичида берилган гаплар, шунингдек тиниш, сўроқ, ундов белгилари ҳамда пауза воситаси орқали *ички реплика* тарзида ифода этади ва ўқувчига тўғридан-тўғри мурожаат қилади:

«Ҳозирча унга ҳеч нарса демайман!» деган фикрга келди Фазилат ҳали-ҳамон алам ўтида қоврилиб ўтираркан. (Ё тавба, «...ҳали-ҳамон» дедимми? Бу алам ўти аёл қалбидан фалон вақтда ўчади, ана шундан кейин у ҳамма-ҳаммасини унутади, деганимми бу?!)

– Яхши ўтирибсизларми? – Абдумўмин хотинининг қаршисига келиб чўққайди. (О, у қанчалар олийжаноб! Қизи олиб келган курсига эмас, ногирон аёлнинг пойига тиз чўкти-я!)¹

Шу ўринда ҳикоячи-муаллиф эркакнинг қилган қилмишига нисбатан ўқувчига ўзининг очиқ муносабатини билдириб ўтади ва ушбу мурожаатларида ўқувчини ҳам хушёрликка чорлайди. Араб адибаси Гада ас-Самман насрида ҳам худди шу усулни кузатишимиз мумкин. Адиба матнда тўқ ва курсив шрифтларни киритиш ҳамда матнни қавс ичига олиш орқали ички нутқни – ички монолог, ички диалогларни муаллиф томонида ҳеч қандай огоҳлантиришсиз бериб боради. Бу ўз ўрнида ўқувчидан хушёрликни талаб қилиб, матн ўйини орқали қаҳрамон руҳиятидаги чалкашликларни ифода этади.

Зулфия Қуролбой кизи ижодидан ўрин олган “Холиқ амаки” ҳикояси ҳам адиба услубига мувофиқ муаллиф-ҳикоячи нутқидан баён қилиниб, мазкур ҳикояда ҳам ички реплика умумий матндан ажратилган холда қавс ичида ҳавола қилинади ҳамда ҳикоячининг воқеа баёнига изоҳи сифатида келтирилади:

“Азбаройи қизиққаннимдан (одамзоднинг феъли шунақа), қилаётган ишимни ташлаб, кўча эшик олдига чиқдим.”²

“Уни писанд қилмайдиган, керак бўлса (зўрлигини кўрсатиб қўйиши учун!) кетмондаста билан елкасига туширадиган одамлар, хусусан, Нарзиқул раис ва бошқа-бошқалар ҳақида нималарни ўйлайди?”³

“Холиқ амаки” ҳикояси юқорида таъкидлаб ўтканимиздай, ҳикоячи-персонаж тилидан баён этилсада, унинг бош қаҳрамони ҳикоячининг ўзи эмас, балки Холиқ амаки исмли қўшни киши бўлиб, у ўта камтар, камсукум, хокисор бир инсон бўлади. Қишлоқдошлари, яқин қўшниларини ҳатто оила

¹ Зулфия Қуролбой кизи. Қадимий қўшиқ. Ҳикоялар.Т.: 2012. Б 283.

² Ўша асар. Б 192.

³ Ўша асар. Б 193.



аъзолари ҳам унинг бу камтар ювош феълидан фойдаланар, имкон қадар уни камситиб, ерга уришарди. Ҳикоячи қўшни қиз (асарда исми келтирилмаган) кузатувчан, кўнгилчан бўлганлиги сабабли болалик вақтларидан Холиқ амакига алоҳида эътибор ва унга нисбатан қилинаётган ноҳақликлар сабаб, ачиниб ҳисси билан қарайди. Холиқ амакининг вафот этиши эса асарнинг кулминацияси бўлади.

“Шоша-пиша тайёргарлик кўрилди. Эркаклар бу ёққа келиш олдидан тугунларга тугиб келган чопон-белбоғларини олиб, кийишиди ва бирин-кетин дарвоза олдига чиқа бошлашди. Хотинлар “ув” тортиб, овоз чиқаришди. Яқинлари Холиқ амакини жуда эҳтиёткорлик билан кўтаришиб (одам ўлганида шунчалик азизми?), уйга олиб киришди.”

Мазкур парчада ҳам ички реплика қавсга олинган бўлиб, унда ҳикоячи қиз ўз ҳайратини савол тарзида изҳор қилади. Кейин эса ўз фикрлари оламига ғарқ бўлади. Унинг онгида пайдо бўлган ҳар бир савол жавобсизгина қолмай, яна янги саволларни туғдирарди:

“Менга бир нарса алам қилиб кетаётган эди. Агар Азроилга жон керак бўлса, нега Нарзиқул раиснинг жонини олмади. Нега келиб-келиб бир бечорани танлади? Битта Холиқ амаки билан ялмоғиз ер тўйиб қолмагандир?! Унинг битмаган ишлари кўп эди-ку ҳали? Умр бўйи қора меҳнатдан боши чиқмаган одам... Ҳузур-ҳаловат нелигини билмаган одам... Чумчуққа ҳам озор бермаган одам...”

Асарда Холиқ амаки образи тимсолида ҳалол ризқ билан кун кўриб, бировга озор бермаган, камтар ва самимий, хокисор инсонлар гавдалантирилган. Асар воқеа-ҳодисалари баёни орқали адиба жамиятимизнинг бешафқат иллатларини оддийгина қишлоқ мактаби ўқитувчиси – қўшни қиз нигоҳи билан танқидга олади. Ҳикоя қўшни қизнинг жуда кучли психологик ички монологини билан яқунланади:

“Бизга ёшлигимиздан: “Яхши одам бўл”, “Бировга озор берма” деб ўқитиришган. Шу руҳда тарбия ҳам қилишган. Яхши одамнинг тақдири шу бўлса, бундай мўминликнинг кимга кераги бор? Қани бу ерда ҳақиқат? Яхши одам камситилса... Яхши одам хўрланса... Яхши одам... Яхши одам фақат у дунёда азизми?

Саволлар адоқсиз...

Афсуски, жавоб бергувчи йўқ...”¹

Психологик ҳикоялар сирасига адибанинг “Қадимий кўшиқ” номли ҳикоясини ҳам киритиш мумкин. Асарда муаллиф Зулфия Қуролбой қизи психологик реализм билан бир қаторда магик реализмга ҳам мурожаат қилади – асарда ғайритабиий ҳодисалар тасвирланади. Умуман олганда мазкур ёзувчи ижодида магик реализм унсурлари қатор асарларида кузатилади. Масалан, “Кўланка” ҳикоясида бир қабрга кўмилган икки дўст суҳбати асосига қурилган бўлса,

¹ Ўша асар. Б 199.



“Ажал қиёфасидаги аёл” ҳикоясида тириклик чоғида бефарзандлик қисматиға дучор бўлган марҳуманинг руҳи (ўзи каби фарзандга зор) Мулла Ашур олдига фарзанд сўраб келади ва асар сўнгида уни ўзи билан у дунёга олиб кетади. Шунингдек, “Кўланка” ҳикоясида матн муаллиф томонидан оддий ва курсив шрифтлар орқали иккига ажратилиб, параллел дунё диалоглари асар маъносига ҳеч қандай огоҳлантиришсиз олиб кирилади.

“Қадимий кўшиқ” ҳикояси қаҳрамонлари Султонмурод ва Шоҳсанам бир-бирларига кўнгил кўядилар. Аммо ёш ва чиройли Шоҳсанамни қишлоқнинг энг обрўли кишиси, “дами ўткир эшон бува” Абдурахмон эшон ўз никоҳига олади. Ушбу никоҳдан хабар топган Султонмурод ўзини кўйгани жой тополмай, кенг оламга сиғмай қолади:

«Бундай бўлиши мумкин эмас! Мумкин эмас! Тўғри, унинг тобсиз бўлгани рост, лекин ҳеч қачон... Ҳеч қачон! Уни мажбурлаган бўлишлари мумкин. Чорасиз қолиб, ноилож рози бўлгандир. Аммо ҳеч қачон... ҳеч қачон! Чунки... чунки... У мени севади, мени!»¹

Мазкур ички монологда ёзувчи такрор сўзлар ҳамда тиниш белгилари орқали персонажнинг ўткир руҳий ҳолати, унинг айни дамдаги ҳолатини, бу ишонилмас хабарни йигит тафаккури рад этаётганлигини моҳирона тасвирлайди.

Психологик асарларда бадиий асар руҳияти ва персонаж ички оламини очиб беришда ички монологнинг ўрни салмоқли бўлиб, у қаҳрамоннинг ички кечинмалари, хотира ва мулоҳазаларини ўқувчи етказиб берувчи асосий психологик таҳлил воситаларидан биридир. Ички нутқнинг учинчи кўриниши бўлмиш ички диалог ҳам образ ички оламини тасвирлаб беради. Ички диалог мураккаб психологик ҳодиса бўлиб, унда персонажнинг ўзи билан ўзи ёки бошқа бир шахс қурган хаёлий суҳбати акс этади. Ички диалог араб адабиёти Гада ас-Самман насрида шахснинг иккига бўлиниши содир бўлган ҳолларда кўп учрайди. Масалан, адабанинг «Ўзга бир совуқ оқшом» («أمسية أخرى باريدة»- «Умсия ухра барида») ҳикоясида муаллиф бир шахс қиёфасида икки характер – катта оиланинг эрка, кенжа фарзанди Фотима ва ёлғиз аёл Тима образини гавдалантиради. Ҳикоя воқеликлари хронологик кетма-кетликда эмас, ретроспектив ҳамда ассоциатив сюжетларда берилганлиги сабабли, ҳодисалар ҳикоя матнида сочиб ташланган. Муаллиф бош қаҳрамонни, гоҳ ўтмишига қайтиб Фотима бўлишни, гоҳ эса, реал ҳаётга қайтиб Тимага айланишини маҳорат билан акс эттиради. Ҳикоядаги қоришиқ сочиб юборилган ўтмиш ва бугунги кун ҳодисалари воқеабандлигини “оқшом” ассоциацияси бирлаштириб туради.

أمسية أخرى باريدة...

و بما انقضت ساعات، و ربما دقائق، و انا احوم هكذا بسياراني.²

“Ўзга бир совуқ оқшом...”

¹ Зулфия Қуролбой кизи. Қадимий кўшиқ. Ҳикоялар.Т.: 2012. Б 49.

² غادة السمان. ليل الغرباء. امسية اخرى باريدة. بيروت، غادة السمان، 1966. ص. 132.



Балки бир неча соат ўтганда, балки бир неча дақиқа, мен эса шу зайлда машинада тентираб юрдим.

Асар ҳикоячи-муаллиф нутқидан баён қилинганлиги сабабли кўп тафсилотлар хотираларда аён бўлади ва қаҳрамон ўтмишига қайтган воқеалар ҳеч бир огоҳлантиришсиз ҳикоя матнига киритиб кетилади. Фақатгина муаллиф (ўзининг анъанавий услубига кўра) матнни шрифти орқали ажратиб, хотира қисмларини қавс ичига олиб тўқ рангли шрифти билан ёзади.

- كان فاطمة، و صار في هذه المدينة "تима".

- و مدينتك؟..

- مدينة منهن، عربية، من الضائعات عن أي يقين..

- أليس لك يقينك؟

- لم أعد أدري، إلا أحداث المتعاقبة مزقت اسرتي و أساطيري، و لم أجد أي بديل...¹

(- *Кичкинтойим, ҳақиқий исминг нима?*)

- *Фотима эди, бу шаҳарда Тима бўлди.*

- *Шаҳринг?*

- *Араб шаҳри Минхун, йўқ бўлиб кетган деб ҳисобланади...*

- *Яқинларинг борми?*

- *Билмайман, уқубатли ҳодисалар оиламни ва орзуларимни парчалаб юборди).*

Тиманинг Фотима бўлган даври унинг хотираларида тасвирланади. Ҳикоя бош қаҳрамони Фотима (Тима), катта бир оиланинг кенжа фарзанди бўлиб, ота-онаси, уч акаси билан катта ҳовлида улғаяди. Ота-онаси ва акаларининг ўлиmidан сўнг, у ёлғиз қолади, ва барча ҳамшаҳарлари каби ўз шаҳрини тарк этишга мажбур бўлади.

Ҳикояда муаллиф томонидан бараварига бир неча мавзу кўтарилган: муҳаббат, ёлғизлик, оила қадри ва диний ички қарама-қаршиликлар. Ҳикояда бош қаҳрамон образи жуда мураккаб ёритилган бўлиб, унда бир қаҳрамон шахсида икки образ шаклланади. Ҳикоя давомида қаҳрамон гоҳо Тимага, гоҳо Фотимага айланади. Ҳикоянинг психологик кульминацион нуқтасида эса қаҳрамонда шахс онгининг икки паллага ажралиши содир бўлади. У бир вақтнинг ўзида ҳам Фотима, ҳам Тима бўлиб, ўзи билан ўзи суҳбатлаша, баҳслаша бошлайди.

"تима، هل أنت حزينة؟" .. "لست حزينة بالضبط يا فاطمة، لكن الأشياء كلها امتزجت واختلطت و تشوهت... أعصابي شبكة ممزقة، فيها آثار حريق قديم لم تعد تذكر في أي كهف شب، و لا كيف و متى" .. "أسألي رف كتبك".

اليوت يصرخ من دفتي كتابه: أنا انسان الأرض البوار.

كامو يئن: أنا الغريب.

سارتر: أنا الاله.

كافكا: أنا المحكوم سلفًا بلا جريمة، أنا الصرصار.

غادة السمان. ليل الغباء. منشورات غادة السمان. بيروت، 1966. ص. 134.¹



ثم يصرخون جميعًا معًا و تنضم الى الجوقة آلاف الصرخات، تمتزج، تعول، تهدر، ثم موجة من الفقااعات...¹

“Тима, маҳзунмисан?”... “Йўқ, маҳзун эмасман, эй Фотима, ҳамма нарсалар шу қадар қоришиб, аралашиб кетдики... Асабларим узиб ташилган тўр каби, унда қадимги ёнғиннинг излари бор, ёдингда йўқми, у қайси гордан ўт чиққанди, қандай қилиб ва қачон”... “Ўзингнинг китоб жавонингдан сўра”.

Элиот ўз китобининг муқовасидан бақирди: Мен ер юзидаги эзилган одамларданман.

Камю оҳ урди: Мен камбагалман.

Сартр: Мен Илоҳ.

Кафка: Мен айбсиз айбдорман. Мен суваракман!

Кейин эса уларнинг бари бирга бақирадилар, уларнинг бу ҳайқиригига яна минглаб ҳайқириқлар қўшилади, қоришиб кетади, кўтарилади ва пасаяди, кейин эса яна пуфаклар тўлқини...”*

Мазкур ўринда муаллиф ўз қисмати ва ёлғизлигидан жуда қаттиқ руҳий азоб тортаётган аёл образидаги ўткир психологик ҳолат юз беришини ички диалог билан тасвирлашга уринади. Ўтмиш хотиралари ҳамда ёлғизлик дарди Тимани ичидан кемириб боради, натижада ундаги ёлғизлик қисматидан пайдо бўлган руҳий азоб ўз “мен”и билан суҳбат куришга чорлади. Ички нутқдаги Фотима ва Тиманинг диалоглари эса Европа модернистларининг сўзлари билан қоришиб кетади.

Ҳикоянинг мавзу доираси кўп қатламли бўлсада, лекин уларнинг бари бир ғояга олиб келади, яъни инсон учун оила, меҳрнинг қадри беқиёслигига ва ёлғизлик ҳар қандай кучли инсонни ҳам синдиришга қодирлиги кўрсатилади.

Ғада ас-Самман ва Зулфия Куролбой қизи психологик ҳикояларида тасвирланган мураккаб вазиятлар, тақдир синовлари асар қаҳрамонларини қанчалар синамасин, улар ўзлигини сақлаб қолади. Ҳаётнинг энг қора кунларини бошдан кечириётган бўлсаларда, яхши кунларга умид билан яшайдилар, ўқувчини ҳам шунга чорлайди.

غادة السمّان. ليل الغرباء. أقسية أفرى باردة. يسروت، منشورات غادة السمّان، 1966. ص. 146¹

* Элиот, А.Камю, Ж.Сартр, Ф.Кафка – буларнинг бари 19 аср Европада яшаб ижод қилган ёзувчилар бўлиб, улар замонавий адабиётдаги модернизм оқимининг йирик намоёндаларидир. Мазкур парчада муаллиф ушбу ёзувчилар ижодини бир сўз билан таърифлашга уринган. Ф.Кафка эса ўзининг машҳур "Эврилиш" номли ҳикоясида бош қаҳрамоннинг суваракка айланиб қолгани ҳақида ёзади. Бу ерда шулар назарда тутилмоқда.



ТИЛШУНОСЛИК // ЯЗЫКОЗНАНИЕ // LINGUISTICS

КАРИМОВ АКРАМДЖАН

Кандидат филологических наук, профессор, ТГУВ

БОБОЖОНОВА ФЕРУЗА

соискатель, ТГУВ

**Проблема ассоциативности единиц языка
в китайском языкознании**

Аннотация. Данная статья посвящена истории вопроса об изучении ассоциации, как о сложной системе или модели связей, отраженных в сознании индивидуума, как совокупность реакций на определенные ключевые слова. В ней отражаются парадигматические и синтагматические отношения слов, а также специфика человеческого сознания в коммуникации. Отмечается связь культуры и языка. Дается понятие об ассоциативных единицах языка. Представлена изученность этой проблемы в китайском языкознании.

В заключение делается вывод о необходимости рассматривать китайский иероглиф как ассоциативную единицу китайского языка. Данный вывод обосновывается соответствующими примерами.

Опорные слова и выражения: Ассоциации, ассоциативные единицы, ассоциативное поле, ассоциативные отношения, лингвокультурология, когнитивизм.

Аннотация. Мазкур мақола ассоциатив тил бирлиги тушунчасининг тилишуносликда пайдо бўлиши ҳамда унинг бир қанча тушунчалар билан мураккаб боғланиши тизимини ташиқил қилиши тўғрисида сўз юритилади. Хусусан шахсият онги ва маълум калит сўзларга бўлган реакция егиндиси тушунчалари билан. Бу муаммо сўзларни парадигматик ва синтагматик мунособатларида ўз аксини топиши масалалари ёритилади. Мақолада маданият ва тил бевосита боғлиқлиги кўрсатилади. Ассоциатив тил бирликлар ҳақида тушунча берилиб, уни хитой тилишунослигида қандай ўрин тутгани кўрсатилган.

Хулосада хитой иероглифини ассоциатив тил бирлигида ўрганиши мумкин ва кераклиги исботланади. Ушбу фикр конкрет мисоллар билан исботланади.

Таянч сўз ва иборалар: Ассоциация, ассоциатив бирликлар, ассоциатив майдон, ассоциатив мунособатлар, лингвокультурология, когнитивизм.

Abstract. This article is devoted to the history of the studying of association as a complex system or model of connections reflected in the mind of an individual, as a set of reactions to certain keywords. It reflects the paradigmatic and syntagmatic relations of words, as well as the specifics of human consciousness in communication. There is noted connection between culture and language. There is given concept of associative units of the language, degree of study of this problem in Chinese linguistics.

In conclusion, there is found a necessity of consideration of the Chinese character as an associative unit of the Chinese language. This conclusion is substantiated by relevant examples.

Keywords and expressions: associates, associative units, associative field, associative relations, linguoculturology, cognitivism.



С давних времен известно что, язык и культура взаимодействуют друг с другом. Являясь социальным продуктом, язык составляет важную часть культуры народа, служит его краеугольным камнем. Язык отражает национальную характеристику данного народа, он не только содержит исторические и культурные корни нации, но и несет в себе национальный взгляд на стили жизни, образ и структуру мышления. Изучить язык – это значит не только освоить фонетику, грамматику, идиомы и пополнить словарный запас, но и важно понять, как носители данного языка смотрят на внешний мир, как они употребляют язык для выражения мысли и поведения. Язык и культура неотделимы друг от друга. Можно сказать, что без языка культуры не бывает. Так при понимании языка необходимо помнить и о культуре.

Поэтому в настоящее время лингвисты все больше уделяют внимание комплексному изучению языковых и социокультурных процессов в их функциональном взаимодействии. Исследования проблем «языка и культуры» имеют давнюю традицию, обусловленную изначально известным интересом языкознания к их взаимодействию и взаимосвязи»¹. Именно взаимодействие языка и культуры является предметом изучения лингвокультурологии, которая в последние годы стала новой самостоятельной научной дисциплиной.

Под лингвокультурологией мы понимаем новую научную дисциплину на основе изучения истории, общества и культурных традиций различных народов при структурном анализе характеристики данных языков.

Предмет исследования лингвокультурологии – материальная и духовная культура, созданная человечеством. Можно сказать это все, что составляет «языковую картину мира»².

Ассоциативные единицы языка – одни из главных исследовательских полей в лингвистики. Они представляют собой структурные множества, объединенные информантом по ассоциации со словом-стимулом. Изучение ассоциативного поля слова актуально на современном этапе развития лингвистической науки.

Всем известно, что движение мысли ассоциативно. В человеческом сознании одна мысль часто вызывает другую по ассоциации. Изучение феномена ассоциации в человеческом сознании давно стало интересным вопросом во многих научных сферах, как в физиологии, биологии, философии, и психологии.

Слово «ассоциация» происходит от латинского слова «association» и обозначает *соединение, объединение* и взаимосвязь. Об ассоциативном мышлении писали Аристотель, Джон Локк, Зигмунд Фрейд, Э. Кант, Ф. де Соссюр и др. Но сам термин «ассоциация» был введен английским философом Джоном Локком. Он в своей книге «Опыт о человеческом

¹ Воробьев В.В. Лингвокультурология. изд. РУДН, М., 2006. –С32.

² Воробьев В.В. Лингвокультурология. изд. РУДН, М., 2006. –С32.



разумении» понимал ассоциации как психологическое явление, как «процесс, при котором возникновение одной идеи вызывает появление другой, связанной каким-либо образом с первой»¹. Джон Локк также впервые использовал и развивал выражение «ассоциация идей». При этом он рассматривал ассоциации идей как «механизм течения психических процессов, противоречащий и неподконтрольный разуму».

На наш взгляд, ассоциация – это мыслительная деятельность человека, это взаимосвязь, имеющаяся в сознании человека и вербализируемая им в речевом общении между некоторыми объектами и явлениями, основанная на его субъективном опыте и знаниях, приобретенных в процессе бытия в определенной лингвокультурной общности.

В лингвистике также нередко используется термин «ассоциация». Однако здесь речь идет уже не об ассоциативности как одном направлении в психологии. В лингвистике используется ассоциативный подход к изучению ассоциативного значения слов и речи. Ассоциация слова – это взаимосвязь между словом-стимулом и словом-реакцией. Большой вклад в это внёс знаменитый швейцарский лингвист Ф. де Соссюр в своих теоретических исследованиях ассоциации в лингвистике.

Уже в начале XX в. Ф. де Соссюр впервые попытался установить взаимные связи между фактами языка. В его работах регулярно встречаются термины «ассоциация», «ассоциативные отношения», «ассоциативные ряды» и т.д. По его мнению, слова в речи соединяются друг с другом, и вступают в отношения между собой. В связи с этим, Ф. де Соссюр обнаружил ассоциативные отношения в языке. Например, слово «лето» невольно вызывает в сознании множество других слов, как *море, солнце, отдых, жар, жаркий, загореть, теплый, счастливый, дачный, хочу, веселый* и др. Эти слова сходны между собой той или иной чертой, не ограничиваясь видами членов предложения.

Таким образом, Фердинанд де Соссюр определяет *ассоциативные отношения* как «образуемые на основе мыслительной ассоциации группы, не ограничивающиеся сближением членов отношения, представляющих нечто общее; ум схватывает характер связывающих их в каждом случае отношении и тем самым создает столько ассоциативных рядов, сколько есть различных отношений»².

Об ассоциативных рядах слов Ф. де Соссюр выделяет четыре типа на основе общности корня или основы (жар, жаркий), общности суффикса (теплый, дачный), общности значения «по аналогии» (счастливый, веселый) и общности акустических образов (лето-нет). Таким образом, он объясняет, какими могут быть ассоциации, выделяя четыре типа ассоциаций: корневые,

¹ Локк Дж. Сочинения В 3-х т. Т1./ под.ред. И.С. Нарского., 1985. - С432.

² Соссюр Ф.де. Труды по языкознанию. Сборник трудов. – М.: Прогресс, 1977. – С125.





деривационные, семантические и фонологические¹. На наш взгляд, такая классификация вполне логична и целостна.

Вслед за Ф. де Соссюром выдающийся швейцарский лингвист Ш. Балли различал *ближние* и *дальние* ассоциации. Он так объясняет, что «небо скорее наводит на мысли о звезде, туче, синем и т. д., чем о дороге или доме»², то есть существует структурное семантическое пространство между приведенными ассоциациями, некоторые ассоциации очень близко связаны со словом-стимулом, а другие имеют скрытые отношения между собой.

Кроме того, Ш. Балли впервые ввел термин «ассоциативное поле» в лингвистику, который быстро получил большое распространение в языкознании. Ш. Балли отметил, что каждое слово представляет собой центр одного ассоциативного поля, вокруг этого слова объединяются группы слов-ассоциатов, которые имеют значительную степень общности.

Опираясь на определения в «Словаре лингвистических терминов», ассоциативное поле рассматривается как совокупность ассоциатов, т.е. реакций на слово-стимул³. В данном словаре также отмечается, что ассоциативные поля могут быть простыми (элементарными) и сложными, дифференцированы на основании различных критериев:

- 1) общие и персональные – по характеру носителей;
- 2) постоянные (традиционные) и временные – по актуальности;
- 3) простые (элементарные) и сложные – по структуре;
- 4) естественные и искусственные – по способу формирования;
- 5) наивные и научные – по сфере применения;
- 6) обязательные и произвольные – по степени мотивированности ассоциаций⁴.

Таким образом, на основе высказанных теорий мы понимаем термин «ассоциативное поле» как *сложную систему или модель связей, отраженных в сознании индивидуума, как совокупность реакций на определенные ключевые слова. В нем отражаются парадигматические и синтагматические отношения слов, а также и специфики человеческого сознания в коммуникации.*

Ассоциативное поле является не только отражением иерархического содержания сознания человека, но и выражением коммуникативного намерения.

В китайской лингвистике чаще всего встречаются термины «ассоциативное поле слова» и «ассоциативные эксперименты» при изучении и преподавании иностранных языков, обычно английского языка. А в лингвис-

¹ Соссюр Ф. де. Курс общей лингвистики. / Пер. с фр. А. Сухотин. - М.: Эдиториал УРСС, 2004. – С124с.

² Балли Ш. Жизнь и язык. — М.:Эдиториал УРСС, 2003. С57

³ Жеребило Т.В. Словарь лингвистических терминов. Изд. 5-е, испр. и доп. – Назрань: ООО «Пилигрим», 2010. – 486 с.

⁴ Жеребило Т.В. Словарь лингвистических терминов. Изд. 5-е, испр. и доп. – Назрань: ООО «Пилигрим», 2010. – 486 с.



тических исследованиях китайских иероглифов такие термины мало используются. Китайские лингвисты чаще говорят об «ассоциативном значении слова» или «ассоциативном значении языка».

Китайский филолог Чжан И-хуа в своей монографии «Семантика и интерпретация лексикона» писал, что когда человек видит или слышит какое-то слово, все значения, которые могут возникнуть в его голове, являются ассоциативным значением¹.

Суй Вэй-хань в книге «Введение в семантику китайского языка» отметил, что ассоциативные значения опираются на опыт человека, они отличаются по разным культурам. В значение входят множество изменений, это открытая система. Через ассоциации возникает новое значение слова².

Чжан Цзай-хун в своей работе «Когнитивные исследования культурных значений лексики» объяснила, что с одной стороны, ассоциативное значение отражает элементарные понятия предмета, имеет лексическое значение. С другой – ассоциативное значение имеет культурное значение, оно как транслятор культуры, обладает богатой культурной информацией, которая отражает особенные характеристики традиций, обычаев, стилей жизни, человеческого поведения, мировоззрения и социального статуса данного народа³.

Известный ученый У Цянь-гуан в книге «Введение в семантику» описывал следующие особенности ассоциативного значения слова: 1) существуют некоторые многозначные слова, одно из многих значений данного слова может вызвать неприятную ассоциацию, из-за чего это слово стало табу, и многие люди избегают его использовать; 2) некоторые люди предпочитают использовать эвфемизмы, и это обычно связано с ассоциативным значением. Кроме того, он предложил рассматривать также следующие типы ассоциаций: 1. Логическая ассоциация (вертикальная, поперечная, целая и частная, сопоставительная, совместная); 2. Языковая ассоциация (паремия, устойчивые словосочетания); 3. Ассоциация особенности предмета; 4. ассоциация паронимов⁴.

Дин Си в статье «Ассоциация и ассоциативное значение» определяет, что ассоциативное значение, это дополнительное значение, возникающее через ассоциации в человеческом сознании. Когда человек получает одну

¹章宜华 《语义学与词典释义》，上海辞书出版社，2002年。/ Zhāng Yíhuá “Yǔyì xué yǔ cídiǎn shìyì”, Shànghǎi císhū chūbǎn shè/ Чжан Ихуа «Семантика и толкование словарей» Шанхайское лексикографическое издательство. 2002. С41.

²许威汉 《汉语词汇学导论》，北京大学出版社，2008年。/ Xǔ Wēihàn “Hànyǔ cíhuì xué dàolùn”, běijīng dàxué chūbǎn shè / Сюй Вэйхань, «Введение в китайскую лексикологию», Издательство Пекинского университета. 2008. С 224-225.

³张再红 《词汇文化语义的认知研究》，上海译文出版社，2010年。/ Zhāng Zàihóng “Cíhuì wénhuà yǔyì de rèn zhī yánjiū”, shànghǎi yìwén chūbǎn shè/ Чжан Цзайхун «Когнитивное исследование культурной семантики слов», Шанхайское издательство переводов. 2010. С29.

⁴伍谦光编著 《语义学导论》，湖南教育出版社，1988年。/ Wǔqiānguāng biānzhu “yǔyì xué dàolùn”, húnán jiàoyù chūbǎn shè/ «Введение в семантику» под редакцией У Цяньгуана. Образовательное издательство Хунан. 1988 С142-143



языковую информацию, в его мозге ассоциирует другое предмет или явление. По его мнению, это показывает, что ассоциативное значение не только имеет объективность на основе конкретного предмета, но и субъективность на основе сознания. Так что ассоциативное значение не является стабильным, оно изменяется по личному опыту человека¹.

В целом ассоциативное значение формируется через ассоциации на основе жизненного опыта человека при использовании данного слова. Оно отражает эмоциональные реакции людей, когда они используются языком.

Источником ассоциации является стимул, средством – слово, результатом – ассоциативное значение. Эти три элемента в разных народах отличаются. Для разных наций, стимулы в общем одинаковые, но некоторые нации имеют яркие характеристики и уникальные предметы. Средство ассоциации – слова, произношение, орфография, лексическое значение слова. Они также отличаются в разных культурах. А результат ассоциации – ассоциативное значение иногда близко к лексическому значению слова, иногда сильно отличается от него. Это отличие ассоциации в разных нациях. В одной культуре, разные люди по-разному ассоциируют, даже один и тот же человек по-разному ассоциирует на одинаковый стимул в разных местах, временах и ситуациях.

Таким образом, филолог Ван Да-чан в своей книге «Очерк китайского языкознания» указал национальное отличие между языком и мышлением. Он выделил ассоциативное значение на три типа: образная ассоциация, смысловая ассоциация и культурная ассоциация. И все эти три типа имеют национальную характеристику.

В современных исследованиях китайские ученые больше обращают внимание на прагматические функции ассоциативного значения слова в коммуникации. Например, существуют некоторые исследования ассоциативных значений в областях цветов, зоонимов, цифр, фитонимов и других с точки зрения китайской национальной культуры, истории и политики. Эти исследования больше всего проявляются в методике преподавания китайского языка как иностранного и в сравнительно-сопоставительном анализе китайского языка с другими языками.

До сих пор в Китае пока нет специального ассоциативного словаря китайского языка, кроме того, лингвисты мало проводят экспериментальные методы при исследовании ассоциативного значения китайских иероглифов. Обычно они только собирают и выбирают примеры и материал из художественных текстов, паремий, фразеологизмов, традиций и обычаев из народов населяющих континентальный Китай.

¹丁昕《试论联想与联想意义》1998年，第3期。/ Dīng Xīn “Shì lùn liánxiǎng yǔ liánxiǎng yǔyì” / Дин Синь «Об ассоциации и ассоциативном значении». 1998

**АЛТИНБОЕВ НУРИДДИН**

Таянч докторант, ТДШУ

**Эр-хотин муносабатларини ифодаловчи туркча
мақолларда “оила” концепти**

Аннотация. Тил ва маданият бир-бирига узвий боғлиқдир. Маданият қадимий белгилари тилда акс этгани сингари, тилнинг қанчалик бой эканлиги унинг қадимийлиги ва бойлигини намоён этади. Халқларнинг миллий маданияти, қадриятлари, уларнинг турмуш тарзлари минг йиллар давомида шаклланган мақолларда ўз ифодасини топган. Тилишуносликнинг нисбатан ёш йўналиши ҳисобланган лингвокультурология айнан мана шу хусусларни ўша халқнинг лисоний манзарасида узоқ йиллар давомида шаклланган концептлар орқали тадқиқ қилади. Концептлар халқнинг бой тарихи, анъана ва қадриятларини ўзида мужассам этган ва ўша халқнинг маданиятини очиб берувчи асосий бирлик ҳисобланади. Мазкур мақоладан кўзланган асосий мақсад оила концептини турк халқ мақолларида эр-хотин муносабатлари орқали қандай акс эттирилганлигини кўрсатиши, турк халқи менталитетининг ўзига хос хусусиятларини, ахлоқий қадриятларини, урф-одат ва анъаналарини ёритиб беришдан иборатдир. Бунда эр, хотин ва уларнинг муносабатларига бевосита таъсир кўрсатувчи фарзанд билан боғлиқ мақоллар таснифларга ажратилган ҳолда таҳлилга тортилган.

Таянч сўз ва иборалар: лингвокультурология, оламнинг лисоний манзараси, концепт, мақол, оила, эр хотин, фарзанд, оилавий муносабатлар.

Аннотация. Язык и культура неразрывно связаны. Как в языке отражаются древние признаки культуры, так и богатство языка отражается в его древности. Традиционная национальная культура, ценности и быт народов находят свое отражение в пословицах на протяжении тысячелетий. Лингвокультурология, относительно молодая дисциплина лингвистики, изучает эти аспекты с помощью понятий, которые формировались годами в языковом ландшафте этой нации. Концепты – это базовая единица, воплощающая в себе богатую историю, традиции и ценности народа, раскрывающая культуру этого народа. Основная цель данной статьи – показать, как концепт семьи отражается в турецком фольклоре через отношения супружеской пары, осветить особенности менталитета, нравственных ценностей, обычаев и традиций турецкого народа. При этом пословицы, связанные с ребенком, которые непосредственно затрагивают мужа, жену и их отношения, анализируются методом классификации.

Опорные слова и выражения: лингвокультурология, языковая картина мира, концепт, пословица, семья, муж и жена, ребенок, семейные отношения.

Abstract. Language and culture are inextricably linked. As the ancient signs of culture are reflected in the language, so the richness of the language is reflected in its antiquity. The traditional national culture, values and way of life of peoples have been reflected in proverbs for thousands of years. Cultural linguistics, a relatively young discipline of linguistics, studies these aspects with the help of concepts that have been formed over the years in the linguistic landscape of this nation. Concepts are the basic unit that embodies the rich history, traditions and values of the people, revealing the culture of this people. The main purpose of this article is to show how the concept of the family is reflected in Turkish folklore through the relationship of a married couple, to highlight the mentality, moral values, customs and



traditions of the Turkish people. At the same time, proverbs related to the child, which directly affect the husband, wife and their relationship, are analyzed by the classification method.

Keywords and expressions: *Cultural linguistics, the linguistic worldview, concept, proverb, family, husband and wife, child, family relations.*

Кириш. Кунимиздаги атропосентрик тадқиқотларнинг энг долзарб йўналишларидан бири, шубҳасиз, лингвокултурологиядир. Лингвокултурология тилни маданий воқелик сифатида тадқиқ қилади ва у тилшунослик ҳамда маданиятшунослик кесишган нуқтада пайдо бўлади. Тил ва маданият бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Тил маданий маълумотларни узатиш воситаси сифатида халқларнинг маданияти, дунёқараши, моддий ва маънавий турмушининг хусусиятларини яққол намоён қилади. Бу эса тилшуносликка шахсни шакллантирувчи гуманитар билимларнинг мажбурий қисми сифатида қараш имконини беради¹.

Лингвокултурология ва концепт

Маданият ичида ривожланиб тараққий топган тил ўзида маданиятни намоён этади. Мазкур тушунча асосида XX асрнинг охириги чорагида мустақил фан сифатида пайдо бўлган лингвокултурология В. Телия мактаби тадқиқотлари асосида Й. Степанов, Н. Арутюнова, В. Воробев, В. Шаклеин, В. Маслова каби изланувчиларнинг ишлари билан боғлиқ равишда ривожланди². В. Маслова халқнинг ўтмиш асрларга оид қарашлари тилдаги мақолларда, фразеологик бирликларда, метафораларда ва маданий рамзларда ҳозирги кунимизга қадар сақланиб қолганлигини баён қилиб, мазкур фаннинг тадқиқот доирасини қуйидагича изоҳлайди: «Лингвокултурология, асосан, афсоналар, урф-одатлар, анъаналар, маросимлар, маданият рамзлари ва бошқаларни ўрганади. Ушбу тушунчалар маданиятга тегишли бўлиб, улар кундалик ва маросимлардаги алоқа-муносабатлар шаклида тилда мустаҳкамланади; уларни кузатиш мазкур тадқиқот учун материал бўлиб хизмат қилади»³. Қадриятлар ва стереотиплар узок вақт давомида иқтисодий ва ижтимоий фаолиятни тартибга солувчи мажозий ифодаларда, яъни мақол ва маталларда ўз аксини топади.

Лингвокултурологияда тилшуносликнинг бошқа замонавий йўналишлари сингари, концепт асосий термин сифатида қўлланади⁴. Концепт маданият

¹ Романова, Татьяна анд отҳерс, Тхе сонсэпт фамилий ин тхе Русциан анд Украинаан лангуаге султуре (басед он провербс анд сайингс), ШС Wэб оф Сонференсэс 69, 00136 (2019), п.1. <https://doi.org/10.1051/shsconf/20196900136>

² Паşаоғлу, Санан, Рус ве Тўрк Дил Дўня Гўрўшлеринде Аиле Концепти, Аврася Улусларараси Араштирмалар Дергиси, С.8, Сайи:25, с.165

³ Маслова, В.А., Лингвокультуроология, Москва, Асадемия, 2001, с.17

⁴ Мавзу доирасида батафсил маълумот учун қаранг: Альгинбоев Н.А., Лингвокултурологияда концепт бирлиги масаласи. Тилшуносликдаги замонавий йўналишлар: муаммо ва ечимлар мавзусидаги халқаро илмий-амалий онлайн конференция матераиллари. Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети. Андижон-2021, 65-68-бб.



нуктаи назаридан қаралар экан, уни инсон руҳий-идрокий оламидаги маданиятнинг асосий узви сифатида тушуниш лозим. Концепт ҳар қандай тушунчани эмас, балки умумбашарий ва миллий маданиятга дахлдор тушунча йиғиндисини ўзида намоён қилади. Бошқа бир халқнинг миллий маданиятини ўрганиш, дунёқарашини англаш учун концепт бирламчи восита сифатида хизмат қилади. У бирор объект ёки тушунча ҳақидаги барча билимларни ўзида жамлаган бўлиб, уларни ўша халқнинг ўзига хос бўлган иборалари, мақоллари, метафораларида ўз аксини топади. Баъзан концепт фақат сўзлар орқали ҳам ифодаланиши ёки аксинча, бутун бошли матннинг моҳиятидан англаниши мумкин бўлади.

Замонавий жамиятда оила, анъанавий миллий қадриятларни сақлайдиган умуминсоний маданиятнинг муҳим таркибий қисмидир. Ижтимоий ўзгаришлар – миллий ўзликни англашнинг ўсиши, аслият(ўзлик)га қайтиш ва қолипларга барҳам бериш, оилавий қадриятларга муносабатни ўзгартириш оилани анъанавий ижтимоий институт – одамлар жамоаси сифатидаги концептни сақлаб қолиш жуда муҳимдир¹. Қон-қардошлик муносабатлари ўзаро жавобгарлик, масъулият билан боғлиқ. Шу жиҳатдан умуминсоний ва миллий оилавий қадриятларни акс эттирувчи паремияларни ўрганиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Оила лексемаси

Оила сўзи усмонлилар луғатида изоҳланишига кўра, араб тилидан кирган жамловчи от бўлиб, унинг бош маъноси бирор кишининг *хотини*, *аёли* тарзида ифодаланган². 2011 йилда нашр қилинган туркча изоҳли луғатда ҳам турмуш ўрток, хотин маъноси оила сўзининг 4-маъноси сифатида келган, мазкур сўзнинг бош маъноси турмуш ва қон ришталарига таянувчи, *эр*, *хотин*, *фарзандлар* ва *қариндошлар* орасидаги муносабатни ташкил этувчи жамиятнинг кичик бирлиги тарзида ўз ифодасини топган³. Бундан келиб чиқадиган бўлсак, усмонийлар даврида *оила* дейилганда, гарчанд бу лексик бирлик жамловчи от бўлсада, биринчи навбатда *хотин*, *аёл*, яъни жам эмас, яқка от назарда тутилган, ҳозирга келиб эса, бу сўз жамиятнинг қондошликка асосланган кичик бирлигини ифодалаб келмоқда.

Оила лексемаси ифодалаган маънолар турк халқ мақолларида ҳам ўз аксини топганлигига гувоҳ бўламыз. Луғатларда берилган маъноларидан келиб чиққан ҳолда мақолларни ўз ичида бир қанча майда гуруҳларга бўлиш мумкин. Уйнинг «устуни» ҳисобланувчи эр ва уйнинг «қуёши» ҳисобланган хотин ҳақидаги мақоллар турк оиласи ва ундаги эр-хотин муносабатларини

¹ Романова, Татьяна анд отҳерс, Тхе сонсэпт фамилий ин тхе Русциан анд Украинаан лангуаге султуре (басед он провербс анд сайингс), ШС Wэб оф Сонференсэс 69, 00136 (2019), п.1. <https://doi.org/10.1051/shsconf/20196900136>

² Девелиоғлу, Ферит, Османлиса-Түркчэ Анциклопедик Лўгат, Айдин Китапеви, Анкара 2008, С.20

³ Түркчэ Сөзлүк, ТДК Яйинлари, 11.Баски, Анкара 2011, С. 57



ёркинроқ очиб беришга хизмат қилувчи асосий восита ҳисобланади. Эр-хотин муносабатларини уч гуруҳга ажратиб ўрганиш мумкин.

Аёлнинг ижобий ва салбий хислатларини ифодаловчи мақоллар

Турк халқи лисоний манзарасида оила дейилганда уй (эв, юва) тушунчалари намоён бўлади. Уйнинг ободлиги, фаровонлиги эса, асосан аёл кишига боғлиқ эканлигига алоҳида аҳамият қаратилади. Бу ҳолат эса халқ мақолларида ҳам яққол ўз ифодасини топади: *Диши куш япар ювайи, ичини, дини сивай сивай*¹ (– тўғридан тўғри таржимаси қуйидагича: Мода куш ичи сиртини суваб ин қуради) ва *Аврат дўздўғи эви танри йкмаз, аврат боздўғу эви танри ялмаз* (Хотин қурган оилани (уйни) тангри бузмас, хотин бузган уйни тангри қурмас) мақолларидан ҳам англашиладики, туркларда оилавий шароитда аёлнинг ижтимоий статуси алоҳида ўринга эга. Юртни фаровон қилишда давлат (бойлик) нечоғлиқ муҳим бўлса, уй ва оилани ҳақиқий оила қиладиган ҳам аёл, унинг маҳорати, одобидир. Аёл, келин бўлиб борган жойда тартиблилиги, хулқи билан тартибсиз, интизомда бўлмаган оилани яқдил бир оила қилади: *(Эви эв эден аврат (кадин), юрду ээн эден девлет* – уйни уй қиладиган хотин, ўлкани шавкатли қиладиган давлат) ва аксинча, шундай аёллар ҳам борки, улар иттифокдаги оилани парчалаб юборади *(Кадин вар эв япар, кадин вар эв йкар* – Хотин бор уй қурап, хотин бор уй бузар).

Кадин эркегин эши, эвин гўнешидир – хотин эрнинг йўлдоши, уйнинг қуёшидир, хотин учун қаноат энг гўзал фазилат саналади. У эрининг топганига кўникиб, оз демай, кўп демай, тежамкорлик билан сарфламоғи лозим. Чунки хотин дўст бўлса – тежар, ёмон бўлса – бузар. Хотин уйнинг безаги, эрнинг энг яқин кўмакдоши ва вақти келса унинг ойнаси ҳамдир; у саришта бўлса – уйнинг фариштасига айланади: *Бир адамн кариси онун ярисидир* (Хотин эрнинг ярмидир) мақоллари орқали турклар оилада аёл эрнинг асосий «шериги», далда берувчиси, эрининг бирини икки қилишга интилувчи, ғамхўри эканлигини таъкидламоқда. Ўзбек халқининг *Ўчоқ ўтин билан, уй хотин билан* деган мақоли ҳам фикримизни тасдиқлайди. Турк халқида ҳам ушбу мақол (*Осағин яқишғи одун, эвин яқишғи кадин.*) ўзбек тилидаги билан бир хил маънода ишлатилади.

Кўплаб турк мақоллари ёрдамида аёл кишининг оилада турмуш ўртоғига вафоли ёр, меҳрибон она, чаққон, уддабурун, покиза ва пазанда уй бекаси бўлиши лозимлигини таъкидланади. Шунинг учун ҳам аёлга *Косана гўре бағла бағини, ҳарсина гўре пишур ағини* (эрингга яраша бошингни боғла (ўра), рўзғорга қараб пишур ошингни) дейилади. Лекин уқувсиз, нўноқ, лаёқатсиз аёллар ҳам борки, уларга нисбатан *Ҳер кадинин пишурдиғи енмез, диктиғи гийилмез* (Ҳамма хотиннинг ҳам пиширгани ейилавермайди, тиккани

¹ Аксой, Ӧмер Асим. Атасӧзлери Ве Дейимлер Сӧзлӧғи. Їстанбул 2016. Мақоладаги Барча Мақоллар Ушбу Китобдан Олинган.



кийилавермайди) мақоли қўлланилади. Яхши хотин эрининг кўча-кўйда, уйда озода, покиза юришини таъминлайди (*Йиу кадинин косаси сиппесинден беллидир* – яхши хотиннинг эри кийган жуббаси(пахтали қалин кўйлак)дан маълум). *Кесмез бисак эле, иш билмеен аврат диле* мақоли эса ўтмас пичоқ қўлни чарчатганидек, ишни эплолмайдиган хотин тилни чарчатишини ифодалаб келмоқда.

Эрнинг топганида барака бўлмаслиги ҳам аёлга боғлиқ *Аврат вар арпа ундан аш япар, аврат вар, буғдай унундан кеш япар* (таржимаси: хотин бор арпа ундан ош қилар, хотин бор буғдой ундан атала (бўтқа) қилар). Шунинг учун пазанда, тежамкор хотин эрнинг топганини юзага чиқаради, исрофга йўл қўймайди, қаноатли бўлади. Аёлнинг озода, саришталигига (*Эркегин ийиси эшигинден, кадинин ийиси дўшэгинден белли олур* – эркакнинг яхшиси остонадан, хотиннинг яхшиси тўшагидан маълум бўлади) катта аҳамият қаратилади. Бу ерда яна эркакнинг вазифа ва масъулиятига ҳам диққат қаратилган, яъни уйнинг остонаси (эшик, дераза, деворлар ҳолати) эркак зиммасидаги иш бўлиб, уларнинг ҳолатидан келиб чиқиб эрнинг уйига эътибори белгиланган. Эркакнинг кўнглига йўл унинг медали (ошқозони) орқали бўлади дейишади. Шунга кўра туркларда аёлларнинг пазандалигига (*Эркек иш башида кадин аш башида белли олур* – эркак иш бошида, хотин ош бошида маълум бўлади) ҳам эътибор берилади.

Эрининг дўст-душмани, оға-иниси олдидаги обрў-эътибори ҳам аёлга боғлиқ: *Кушийи везир эден де кариси, резил эден де* – эрни вазир қиладиган ҳам, разил қиладиган ҳам хотин. Яхши хотин эрининг йўғини яшириб, борини оширади. Ёмони эса йўғини ошириб, борини яширади ва бошқалар олдида обрўсизлантиради. Бунда аёлнинг эрига ҳукмини, ўз сўзини ўтказишига салбий қаралади. Бундай уйда саодат бўлмаслигига мақол воситасида ишора қилинади: *Кадинин ҳикметтиғи эвде мутлулук олмас* – аёл ҳукмрон оилада бахт бўлмайди.

Баъзи турк мақолларида аёлларнинг салбий томонига баҳо бериш ҳам кузатилади. Бу эса эркакнинг ташқи кўринишидан келиб чиқилади, яъни хотини ёмон одам тез қарийди, деган хулоса чиқаришган: *Авради бед оланин сакали тез ағарир* (хотини ёмон одамнинг соқоли тез оқарар). Аёллар кўп ишларда шошиб, калта ўйлаб иш қилиши туфайли уларга нисбатан *Кадинин сақи узун олур, акли киса* (хотиннинг сочи узун, ақли калта) мақоли қўлланилади. Эркаклар ишни пухта ўйлаб, тадбир билан қилгани учун ҳам *Кадинин бир акли, эркегин доқуз акли вардир* (хотиннинг бир ақли, эркакнинг тўққиз ақли бор) мақоли қўлланилади. Айрим мақолларда аёлга нисбатан ўта салбий баҳо берилади *Аврадин каздиғи куюдан су қикмас* – хотин қазиган кудукдан сув чиқмас ва ҳатто, унинг қилган ёмон ишлари шайтоннинг ишларига тенглаштирилади *Кадин шэрри шэйтанин шэррине эшиттир* – хотиннинг ёмонлиги шайтоннинг ёмонлиги билан баробардир. Шу туфайли ёмон хотиндан вафо кутиш, заҳардан шифо топиш (*Авраттан вефа, зехир-*



ден *зифа* (Хотиндан — вафо, захардан — шифо) билан тенглаштирилса керак. Яна бир турк мақолида эса ёмон хотиндан фақат ажрашиб қутилиши мумкинлиги таъкидланади: *Яман комшу, яман аврат, яман ат: биринден гёс, бирини боша, бирини сат* (ёмон қўшни, ёмон хотин, ёмон от: биридан кўч, биридан ажраш, бирини сот).

Оилада эрнинг роли ва мавқейини ифодаловчи мақоллар

Тарозининг икки палласи бўлгани каби оиланинг мустаҳкам, кам-кўстсиз бўлиши эркак кишига ҳам боғлиқ бўлади. Аёлни ўз «йўриғига солиш» ва тарбиялаш эрнинг вазифаси ҳисобланади, зеро *Гўл далиндан одун, беслеме-ден кадин олмас* (Атиргул бутасидан ўтин, тарбия қилмасдан хотин бўлмас.). Аёлнинг гўзаллиги, таровати эрининг унга бўлган муносабатига боғлиқ бўлади: *Кадини ешил япрак эден де косаси, кара топрак эден де косаси* (хотинни яшнатадиган ҳам, қора тупроқ қиладиган ҳам эрдир). Эри яхши бўлса, яна ҳам кўркамлашиб янада чиройли (*ешил япрак*) бўлади, ёмон бўлса, бор гўзаллигини йўқотиб, кўримсиз бир аёл (*кара топрак*)га айланиб қолади. Эр аёли учун кўрғон бўлмоғи керак. Уни ҳар қандай ёмонликлардан асрай билиши лозимлиги *Авради эри саклар, пейнири дери* – аёлни эри саклар, пишлокни тери мақоли воситасида келтириб ўтилган.

Ошсиз уй бўлиши мумкин, урушсиз уй бўлмайди деганларидек, ҳар бир хонадонда эр-хотин ўртасида ўзаро жанжаллар, «гап қочишлар» бўлиб туради. Оилани сақлаб қолиш учун эса кимдир ён босиши керак. Бу муҳим вазифа ҳам аёл зиммасига тушади (*Гесэ яғар гўндўз асар, йл дўзгўни; эркек сўйлер кадин сусар, эв дўзгўни* –Кечаси ёғиб кундуз очилиб кетади, табиат қонуни; эр гапирар, хотин жим бўлар оила қонуни). Чунки эркак кишининг феъл-атвори маълум: (*Эркек сел, кадин гўл* – эркак сел, хотин кўл). Аёл киши бироз бардошли бўлса, турмуш мустаҳкамлиги таъминланади. Ҳар икки тараф ҳам ён босмайдиган бўлса (*Бир эвде ики ҳороз олунса сабах гўс олур* – бир уйда икки хўроз бўлса тонг отиши қийин бўлади), фаровон турмуш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Келишмовчиликлар ва жанжаллар асосан «гап-сўзларга» ва одамларнинг тўғри-нотўғри маслаҳатига қулоқ солишдан келиб чиқади (*Эл ағзина бакан, карисини тез бошар* – эл оғзига қараган хотини билан тез ажрашади). Буюк аллома Аҳмад Дониш бу борада шундай фикрларни келтириб ўтади: «Агар келин-куёв бировларнинг гапларига, фиску-фасодларига кирар экан, уларнинг ширин турмушлари бузилади, ораларига совуқлик тушади». Оилавий муаммолар оилада ҳал этилиши ва уйдаги гап ташқарига чиқмаслиги керак. Шундагина, оила бахтиёр яшайди.

Баъзи оилаларда оға-инилар орасида келишмовчиликлар кузатилади. Шундай вазиятлар бўладики, улар бир-биридан юз ўгирадилар, шундай ҳолларда эри ҳақми, ноҳақми, у билан бирга хотини қолади (*Кардеҳ кардеҳи атмиш, яр бағинда тутмуш* – ака укани улоқтирибди, ёри бошида кўтарибди). Эркакларнинг ҳатто туғишганларига ишонмайдиган сирлари ҳам аёлларига айтилади (*Кардеҳтен карин якін* – оға-инидан хотининг якін). Бу борада



Ҳазрат Алишер Навоий шундай дейди: «Хусни бўлса кўнгилга ёқимли бўлур, яхшилиги бўлса жон озиғидир. Ақлли бўлса турмуш интизоми ва рўзгор яроғи тартибли ва сарамжон бўлади. Ана шундай турмуш ўртоғинг бўлса – ғам-кулфатда сирдош ва ҳамдаминг бўлур, махфий ва яширин дард ва машаққатда ҳамнафас ва ҳамроҳинг бўлур. Турмушдан ҳар жафо етса ҳасратдошинг ул ва осмондан ҳар бир бало келса – кўмақдошинг ул. Кўнглинг ғамидин ул ғам чекади»¹. Лекин ҳамма сирлар ҳам уларга айтилавермаслиги кераклигини *Кадини сирдаш эден эсрара теллал арамаз* (Хотинни сирдош қилган сирига даллол қидирмас) мақоли воситасида таъкидланади.

Кадинин ҳамдани альтин олса, мумуну дикесэк эркектир – хотиннинг шамдони тилла бўлса, шамдонга шам қўйгувчи эркекдир мақоли орқали аёл кишининг топгани эркек кишининг топгани билан қўшилсагина баракали бўлиши, турмушнинг асосий юки эркекнинг зиммасида эканлиги таъкидланмоқда.

Оилавий муносабатларда фарзанднинг ролини ақс эттирувчи мақоллар

Турк халқида аёл кишининг мавқеи фарзанд билан ўлчанади *Оғлани кизи олмаян авраттан, эски ҳасир еғдир* – ўғил-қизи бўлмаган хотиндан эски бўйра афзал, *Ҷосуксуз қадин мейвесиз ағач гибидир* – фарзандсиз аёл мевасиз дарахт кабидир. Ўғил фарзанд дунёга келтирган аёлнинг мавқеи бир баробар ошади. Аёллар ҳам асосан қиз фарзанддан кўра кўпроқ ўғил фарзанд дунёга келтиришни хоҳлашган — *Оғлан доғуран өвйинсйн, киз доғуран дөвйинсйн* – ўғил тукқан мақтансин, қиз тукқан «тиззасини мушт-ласин». Чунки жамиятда ўғил фарзандни ҳар аёл ҳам туғавермаслиги, фақатгина «мард» аёлларгина туғиши мумкинлиги қараши бўлганлигини *Оғлани ҳер қарі доғурмаз, эр қарі доғурур* – ўғилни ҳар хотин эмас, эр хотин туғади, мақолидан англашимиз мумкин.

Оилада фарзандларнинг ўрни нечоғлик баланд бўлмасин, турмуш ўртоғининг ўрнини боса олмайди. Кўпроқ бева аёллар *Отуз оғлун оласағина бир отурак қосан олсун* – ўттизта ўғлинг бўлгандан, битта сен билан ўтирадиган эринг бўлсин экан, мақоли орқали фарзандлари унга қарай олмаётганидан ёхуд керакли меҳрни беролмаётганидан эмас, балки эрининг оилада ва аёлнинг ҳаётида ўрни бекиёслигини уқтирмоқда. Турк халқида эрининг нони беминнат эканлигини таъкидловчи қуйидаги мақол икки шаклга эга, яъни *Баба экмеғи зиндан экмеғи, қоса экмеғи мейдан экмеғи* – ота нони зиндон нони, эрининг нони майдон нони, ва *Оғул экмеғи зиндан экмеғи, қоса экмеғи мейдан экмеғи* – ўғил нони зиндон нони, эрининг нони майдон нони. Биринчи мақолда аёлларнинг қизлик уйидаги вояга етган ҳолидаги, ўз уйию ўзини бегонадек ҳис қилиш ҳолати бўлса, иккинчи мақолда ўз ўғли, фарзанди меҳнати эвазига келяптию, ўзини хижолатли ҳис қилиши ифодаланган. Бу мақол ўзбек тилидаги «эримнинг топганини ўйнаб ейман, боламнинг топганини ўйлаб ейман» мақолига тенг келади.

¹ Аёл ҳақида 100 сўз, «Сано-стандарт» нашриёти, Т., 2011, 21-22-бб



Хулоса. Турк халқ мақолларида келтирилган эр-хотин муносабатлари қадимий анъаналарга асосланган бўлиб, оила концептининг ўзагини ташкил қилади. Мақолларда эр ўз оиласида устун, таъминотчи, ғамхўр инсон тимсоли сифатида гавдаланади. Сжундай бўлсада аёл оиланинг асосчиси сифатида қаралган. Аёлга нисбатан айрим мақолларда эрнинг қарамоғидаги ожиза, баъзан эса эрнинг ҳолатидан, ташқи кўриниши, юриш-туришидан келиб чиққан ҳолда ва уй ишларидаги нўноқлиги туфайли салбий баҳо берилган. Фарзандсизлик оиланинг заволи, аёл кишининг мевасиз дарахт сингари қийматсизлигини белгиловчи омил сифатида баҳоланган. Ўғил фарзанд дунёга келтирган аёл мавқеи кўтарилган. Шунингдек, эрнинг уйи аёл учун ота уйидан ва ўз фарзандларидан кўрадиган шафқатдан афзал эканлиги мақолларда ўз аксини топган. Мухтасар қилиб айтганда, турк халқи лисоний манзарасида оила концепти аёл образи орқали гавдаланади.

НАЗРУЛЛАЕВА ГУЛНОЗА

Таянч докторант, ТДШУ

Персонаж нутқидаги фразеологик бирликларни таржимада бериш усуллари

Аннотация. Бадиий асарларда персонаж нутқини ўрганиши азалдан фаннинг муаммоли масалаларидан бўлиб келган. Бу борада фанда, хусусан, ўзбек ва рус таржимашунослигида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган, йирик илмий асарлар яратилган. Таржимада йўл қўйилган айрим хато ва ноаниқликларнинг йўқлиги таржима сифатининг юксаклигидан далолат бера олмаганидек, уларнинг мавжудлиги ҳам таржиманинг сифатсиз, талабга жавоб бера олмайдиган эканини билдирмайди. Бирон таржимани тадқиқ этмоқчи бўлган тадқиқотчининг диққат марказида таржимада оригиналга хос бўлган таъсир кучи, оригиналнинг зоявий ва бадиий қиммати тўла сақланганми ёки йўқми деган масала туриши керак. Фразеологик бирликларни сўзма-сўз таржима қилиши уларнинг таржима қилинаётган тилда мавжуд бўлган муқобилини топишга ёки масалага ижодий ёндашиб, аслиятдаги иборага мувофиқ келадиган ва унинг маъносини тўлиқ ифодалайдиган янги ибора яратишга нисбатан анча енгил. Аммо асл нусхадаги у ёки бу иборанинг аниқ, бадиийлик ва маъно жиҳатдан пишиқ муқобили асар таржима қилинаётган тилда бўлса-ю, таржимон буни эътиборга олмаса, бу камчилик ҳисобланади. Гап ўша иборанинг муқобилини топа билиши ва ўз ўрнида қўллай олишидир. Мақоланинг асосий мақсади фразеологик бирликларни таҳлил этиши, ўрганилаётган тилнинг маданияти, тарихи, фалсафаси ҳамда мифологиясига эътибор қаратиши лозим. Таржимада персонаж нутқидаги фразеологизмларни бериши қиёсий тилишунослик ва таржимашуносликда махсус ўрганилмаган. Бу мазкур мавзунини долзарблигини белгилайди. Ҳиндий ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирликларни антроцентрик жиҳатдан эътибор қаратиши, фразеологизмларнинг миллий колорит ва образли хусусиятларини аниқлаши ҳамда уларни таржимада бериши усуллари белгилаш.

Таянч сўз ва иборалар: фразеология, миллий колорит, лингвомаданӣ, таржима, антропосентрик.



Аннотация. Изучение речи персонажей в художественной литературе давно стало проблемой в науке. В этой области проведено много исследований, особенно в узбекском и русском переводе, созданы крупные научные труды. Как отсутствие некоторых ошибок и неточностей в переводе не означает, что качество перевода высокое, так и их наличие не означает, что перевод некачественный и не соответствует требованиям. Исследователь, который стремится изучить перевод, должен ориентироваться на силу воздействия, заложенную в переводе, и на то, полностью ли сохранена первоначальная идейно-художественная ценность. Дословно перевести фразеологизмы гораздо проще, чем найти им альтернативу в переводимом языке, или творчески подойти к теме и создать новое словосочетание, совпадающее с исходным словосочетанием и полностью выражающее его смысл. Однако если в переводимом языке имеется четкая, художественная и смысловая альтернатива исходной фразе, а переводчик этого не учитывает, то это недостаток. Речь идет о том, чтобы найти альтернативу этой фразе и использовать ее вместо нее. Основная цель статьи – проанализировать фразеологизмы, сосредоточив внимание на культуре, истории, философии и мифологии изучаемого языка. Использование фразеологии в характерной речи в переводе специально не изучалось ни в сравнительной лингвистике, ни в переводоведении. Это определяет актуальность данной темы. Антропоцентрическая направленность фразеологизмов хинди и узбекского языков, выявление национального колорита и образных особенностей фразеологизма и способов их перевода.

Опорные слова и выражения: фразеология, национальный колорит, лингвокультурология, перевод, антропоцентричность.

Abstract. The study of character speech in fiction has long been a problem in science. There has been a lot of research in this area, especially in Uzbek and Russian translation, and major scientific works have been created. Just as the absence of some errors and inaccuracies in the translation does not mean that the quality of the translation is high, their presence does not mean that the translation is of poor quality and does not meet the requirements. The researcher who seeks to study a translation should focus on the power of influence inherent in the translation, and whether the original ideological and artistic value is fully preserved. It is much easier to translate phraseological units literally than to find an alternative to them in the language being translated, or to take a creative approach to the subject and create a new phrase that matches the original phrase and fully expresses its meaning. However, if a clear, artistic, and semantic alternative to the original phrase is in the language being translated, and the translator does not take this into account, it is a shortcoming. It's about finding an alternative to that phrase and using it in its place. The main purpose of the article is to analyze the phraseological units, focusing on the culture, history, philosophy and mythology of the studied language. The use of phraseology in character speech in translation has not been specifically studied in comparative linguistics or translation studies. This determines the relevance of this topic. Anthrocentric focus on phraseological units in Hindi and Uzbek languages, identification of national color and figurative features of phraseology and methods of their translation.

Keywords and expressions: phraseology, national colorit, linguocultural, translation, anthropocentric.

Кириш. Фарзандларимизни мустақил фикрлари, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, мустаҳкам ҳаётий позитсияга эга, чинакам ва-



танпарвар инсонлар сифатида тарбиялаш биз учун долзарб аҳамиятга эга бўлган масала ҳисобланади¹. Асарларнинг ўзбек тилига таржимасини ўрганиш ва таҳлил қилиш мавзуси маънавий бойлигимизни ўсиши учун илм-фан олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳар бир ижодкор ўз асарлари орқали унинг ўзигагина хос бўлган бадиий тафаккурни намоён этади. Ижодкор бадиий тафаккурини таржимада сақлаб қолиш, унинг услуби қонуниятларини англаб етиш, миллий руҳиятини сақлаш ва таржимада персонаж нутқини ўзига хос хусусиятларини беради.

Таржимон томонидан муаллифлик матнига аралаштириш ёки асл нусхани яхши тушунмаслик – кўпинча оригинал тилни яхши билмаслик, асар санъатини ёзувчидек чуқур ўқий билмаслик, унинг ғоявий йўналишини ўйлаб кўрмаслик, асарнинг ўзига хос бадиий хислатини сезмаслик ва таҳлил қила олмаслик натижасида фойдали асарларнинг ғоявий ва сиёсий-ижтимоий йўналишини султлаштириб юборади. Асл нусхани ғоявий мазмунини бериш муаммоси уни ўзига хос бадиий шаклда қайта ишлаш ҳақидаги масала билан боғлиқ. Адабиётда бадиий образлар маълум тил ва стилистик категориялар ёрдамида яратилади, адабиётда ғоялар, образлар ва тил ўртасидаги алоқа ўзаро узвий боғланган. Ҳар қандай бадиий ёдгорлик – фақат бизнинг онгимизгагина таъсир қилиб қолмасдан сезгиларимизга, тасаввуримизга ҳам таъсир қилади. Таржимон бадиий асарни таржима қилиш жараёнида биз учун унинг асл нусхада берилган руҳини уйғота олиши керак. Бадиий таржима устида ишлаганда ёзувчининг тил қурилиши ва услубини, унда миллий тилнинг умум адабиёт нормалари ва муаллифнинг дунёқарашларини ифодаловчи индивидуал услубини фарқ эта билиш керак.

Мақсад ва вазифалар: Мақоланинг мақсади бадиий таржимада персонаж нутқининг қайта яратилиши масалаларини ўрганиш. Ушбу мақсадга эришиш учун таржимада персонаж нутқидаги фразеологик бирликларни бериш усуллари, персонаж нутқидаги қарғиш, дуо, тилак ва ҳақорат сўзларнинг таржимада берилишини, аслиятда қўлланилган мақол, матал ва бошқа турли фразеологик бирликларнинг моҳирона таржима қилинганлигини ёритиш вазифалари қўйилган.

Методлар: Тадқиқотни амалга оширишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, чоғиштириш ва лингвомаданий таҳлил методларидан фойдаланилди. Ҳиндий тилидан ўзбек тилига таржима қилинган бадиий асарлардаги персонаж нутқидаги фразеологик бирликларни бериш усуллари ва персонаж нутқидаги қарғиш, дуо, тилак ва ҳақорат сўзларнинг таржимада берилиши ўрганилди.

Эришилган натижалар: Персонаж нутқига оид тадқиқотларни ўрганиб, уларни қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик нуқтайи назардан тадқиқ қилиш вазифаларини белгилаш, персонажлар нутқининг ўзига хосликлари аниқлаш ва уларни таржимада бериш усуллари белгилаш, шунингдек,

¹ Mirziyoyev Sh. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – Т.: O‘zbekiston, 2017. – В. 157-158.



ҳикоядаги персонажлар нутқидаги фразеологизмларни таржимада берилишини аниқлаш орқали янги назарий билимларга эга бўлиш кабилардир.

Фразеологик бирликларни сўзма-сўз таржима қилиш уларнинг таржима қилинаётган тилда мавжуд бўлган муқобилини топишга ёки масалага ижодий ёндашиб, аслиятдаги иборага мувофиқ келадиган ва унинг маъносини тўлиқ ифодаладиган янги ибора яратишга нисбатан анча енгил. Аммо асл нусхадаги у ёки бу иборанинг аниқ, бадийлик ва маъно жиҳатдан пишиқ муқобили асар таржима қилинаётган тилда бўлса-ю, таржимон буни эътиборга олмаса, бу камчилик ҳисобланади. Гап ўша иборанинг муқобилини топа билиш ва ўз ўрнида қўллаш олишдадир.

Фразеология – тилшуносликнинг муҳим соҳаларидан биридир. Уни кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. У кенг маънода, турғун сўз бирикмаларининг барча турлари, шу жумладан, мақол, матал ва шунга ўхшаш кўчма маъноли бирикмаларни англатади. Шунингдек, фразеология деганда сўзларнинг семантик боғланиши ҳам англашилади. Фразеология тор маънода қаралганда, баъзан унинг қамрови торайтириб юборилади ва фақат идиомалар кўзда тутилади¹.

Персонаж лотинча сўздан олинган бўлиб “шахс”² маъносини беради. Персонаж бу – бадий адабиётда ёзувчи томонидан тасвирланган шахс дегани. Бадий асарда муаллиф персонажларни салбий ва ижобий тасвирлайди. Персонажлар бадий асар воқеаларида иштирок этувчи, воқеа мазмунини очиб берувчи даражасига кўра асосий персонаж, эпизодик персонаж ва ёрдамчи персонажларга бўлинади.

“Асарда персонажнинг мансаби, эгаллаб турган лавозими таърифланар экан, унинг ташқи кўринишига алоҳида урғу берилади. Ёзувчининг сўз танлаш маҳорати унинг портрет яратиш санъатида ҳам намоён бўлади. “Портрет ёзувчининг шахсий услуби, маҳорати ва мақсадига боғлиқ ҳолда турлича даражада берилиши мумкин. Масалан, баъзан шахснинг ташқи қиёфаси ва хатти-ҳаракатини жуда батафсил тасвирланса, баъзан образнинг ё ташқи қиёфасига ёки унинг хатти-ҳаракатига оид муҳим бир детални тасвирлаш орқали ҳам берилиши мумкин” – дейилади адабиётшунослик атамаларининг изоҳли луғатида³. Демак, ана шундай санъатни ўзга тилда қайта яратиш вазифаси таржимон зиммасига масъулият юклайди”⁴.

Ушбу мақолада ҳинд ёзувчиси Кришан Чандарнинг “Дадар кўпригидаги болалар”⁵ ҳикояси таржимаси асосий материал сифатида танланди. Ушбу ҳикоя

¹ Х.Х.Ҳамидов. Турк фразеологияси масалалари./ Монография. – Т.: “BAYOZ”, 2019. – 15 Б.

² <https://uz.wikipedia.org/wiki/Personaj>

³ Ҳотамов Н., Саримсоков Б. “Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати”. – Т., 1983. 252 Б.

⁴ Hamidov X. “Adolat manzili” romanining turkcha tarjimasidagi personajlar portreti. Sharq mash’ali/ TDSHU ilmiy- uslubiy, ma’rifiy jurnali. 2020-yil, 4-soni. 100-B.

⁵ कृष्ण चन्द्रा दादर पुले के बच्चे। नई दिल्ली – 2013। - पृ। 180।



Ўзбек тилига серқирра ва моҳир таржимон Ансориддин Иброҳимов томонидан таржима қилган. Ҳикояда муҳим ўрин тутган фразеологик бирликлар мутаржим томонидан катта маҳорат билан ўзбек тилига ўтирилган. Фразеологизмлар устида олиб борилган илмий иш жараёнида турғун бирикмалар сифатида ҳар қандай фразеологик бирикма, яъни мақол, ҳикматли сўз ёки афоризмларни эмас, фақат фразеологик бирликларни олишга ҳаракат қилдик ва уларнинг аслиятдаги маъноси, шакли, бадий таржимада берилган муқобилларини қиёслаб, уларни уч гуруҳга бўлиб таҳлил қилишга ҳаракат қилдик:

1. Аслият билан таржима вариантидаги шакли ва маъноси бир-бирига тўла мос келадиган фразеологизмлар;

2. Аслият ва таржима матнида шаклан фарқли, лекин маъно жиҳатдан мос келадиган муқобил фразеологизмлар;

3. Аслиятда эркин сўз бирикмаси бўлиб, таржимада ибора ёки мақол шаклида берилган фразеологик бирликлар. Мисолларга мурожаат қиламиз:

“और तुम जो यह जुआ¹ खेल रहे हो ,यह दारू पी रहे हो ,यह मच्छी खा रहे हो ,यह किसकी मेहनत की कमाई है?” यकायक कोली गुस्से से अपने पति की ओर देखकर बोली²।

- Сен бу ерда қимор ўйнаб ўтирибсан, захрингга бўза ичяпсан, балик еяпсан – булар бари кимнинг меҳнатига келган? – бирданига Кўлий жаҳл билан эрига ташланиб қолди-ку³.

Таржимон “Захрингга ичяпсан” фразеологизмини ишлатган. Аслиятда эса “Бу ичимликни ичяпсан” деб оддий гап билан берилган. Таржимон ушбу жумла маъносини кесатиқ йўли билан кучайтириб берган. Аслиятда эса бундай эмас.

कुली ,पानवाले ,फलवाले ,टैक्सीवाले और प्राइवेट गाड़ीवाले सब-के-सब निराश होकर अपना-सा मुँह लेकर रह गए⁴।

Ҳамма - нонфурушлар, мевафурушлар, таксичилар ва киракаш ҳайдовчилар – барчаларининг тарвузлари қўлтиғидан тушиб, мунғайиб қолишди⁵.

Таржимада аслиятдаги निराश होकर (хафа бўлиб) бирикмасини *Тарвузи қўлтиғидан тушиб* ибораси воситасида моҳирона ўгирган. Таржимон аслиятдаги гапнинг бўёқдорлигини оширмақчи бўлган ва ўзбек ўқувчисига ўқиш жараёнида таржима асардан завқ олишлари учун шундай таржима қилган десак тўғри бўлади.

शर्म नहीं आती। मुसटण्डी। जवान-जहान लाढ़ा-सी होकर भीख माँगती है। जा कोई घर कर ले¹।

¹Бархударов А.С., Бескровный В.М. Хинди-Русский словарь. – М.: Энциклопедия, 1972. – С. 615.

²कृश्न चन्द्रा दादर पुले के बच्चे। नई दिल्ली – 2013। - प। 180।

³Кришан Ч. Дадар кўпригидаги болалар. Қисса (хиндий тилидан Ансориддин Иброҳимов таржимаси) // Жаҳон адабиёти. – Т.: Шарқ, 1999. - № 2. – 208 б.

⁴कृश्न चन्द्रा दादर पुले के बच्चे। नई दिल्ली – 2013। - प। 180।

⁵Кришан Ч. Дадар кўпригидаги болалар. Қисса (хиндий тилидан Ансориддин Иброҳимов таржимаси) // Жаҳон адабиёти. – Т.: Шарқ, 1999. - № 2. – 208 б.



- Уялмайсанми! Ярамаc! Тўрт мучаси соппа-соғ, ёш бўла туриб, садақа тиланади-я! Бор, эрга тегиб ол².

जवान-जहान³ लाढ़ा-सी होकर भीख माँगी⁴ है гапини таржимон “Тўрт мучаси соппа-соғ, ёш бўла туриб, садақа тиланади-я!” дея ўзбек тилига ўгирган. Бу ерда таржимон қисқа гапни узунроқ қилиб, ҳамда фраза қўшиб таржима қилган. Таржимон “Тўрт мучаси соппа-соғ” фразасини контекстан келиб чиққан ҳолда ўзидан қўшади. जा कोई घर कर ले (Бор биронта уйга жойлашвол) жумласини таржимон контекстан келиб чиққан ҳолда Бор, эрга тегиб ол дея ўзбек тилига таржима қилган.

आज उसे क्या हो गया ?यकायक लाची के मन में खयाल आया-यह कमबख्त मेरे आने से पहले ही दुकान बन्द करके भाग जाना चाहता है। ठीक हुआ मैंने इस भागने से पहले पकड़ लिया⁵।

Бугун унга нима бўлди экан? Бирдан Лаъчийнинг кўнглига бир гап келди: бу жувонмарг мен келишимдан олдинроқ қуённинг расмини чизиб қолмоқчи бўлган. Ҳа, мендан қочиб қаёққа борардинг, шоввоз⁶!

Бу жумлада Лачи дўконга етиб келганида, Мадхў дўконини беркитмоқда эди. Лачи сал нарида туриб, унинг дўконни беркитишига қараб турди ва шунда у Мадхў қочиб кетяпти деб ўйлади. Таржимон қочиб кетиш саҳнасини “қуённинг расмини чизиб қолмоқчи” фразеологияси билан қўллаган. Аслиятда ҳеч қандай фразеологизм берилмаган. Мутаржим контекстан келиб чиққан ҳолда тўғри фразеология ишлатган десак бўлади. Ушбу гапга таржимон ўзидан “шоввоз” сўзини киритади. Шоввоз дегани ҳар қандай ишни эплай оладиган, қойил қиладиган; азамат инсонга айтилади. Бу ерда таржимон кесатиқ оҳангида қўшган десак бўлади.

Таржимада шундай жиҳатларни ҳам кўриш мумкинки, таржимон эркин бирикмани ибора шаклида, иборани эса, баъзан эркин бирикма ёки сўз шаклида ўгирган, лекин аслиятга путур етмаган. Бадиий таржимада ибораларнинг берилиши муҳим аҳамият касб этади.

Бундай тил бирликларининг таржимада қайта яратилиши таржимашунослик фанининг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келган. Зеро, бир халқнинг тафаккури, маданияти, менталитети ўз ифодасини топган турғун иборалар миллий ўзига хослиги билан таржимани бойитувчи, айни замонда уни қийинлаштирувчи омиллардан саналади.

¹ कृश् चन्द्रा दादर पुले के बच्चे। नई दिल्ली – 2013। - प। 180।

² Кришан Ч. Дадар кўпригидаги болалар. Қисса (ҳиндий тилидан Ансориддин Иброҳимов таржимаси) // Жаҳон адабиёти. – Т.: Шарқ, 1999. - № 2. – 208 б.

³ Бархударов А.С., Бескровный В.М. Хинди-Русский словарь. – М.: Энциклопедия, 1972. – С. 595.

⁴ То же приведение. – С. 303.

⁵ कृश् चन्द्रा दादर पुले के बच्चे। नई दिल्ली – 2013। - प। 180।

⁶ Кришан Ч. Дадар кўпригидаги болалар. Қисса (ҳиндий тилидан Ансориддин Иброҳимов таржимаси) // Жаҳон адабиёти. – Т.: Шарқ, 1999. - № 2. – 208 б.



Бир иборанинг етарсиз талқин қилиниши, бир томондан таржимоннинг камчилиги ҳисобланса, иккинчи томондан, бадий асардаги фикрнинг нотўғри талқин этилишига олиб келади. Таржимоннинг маҳорати айнан унинг керакли сўз ёки бирикмани топиб қўллашида намоён бўлади. Бунинг учун нозик дид, ўткир фаросат талаб қилинади. Ўрнида топиб қўлланган биргина сўз таржиманинг ҳуснини очиб юборса, ўйланмай қўлланган, ўз ўрнига тушмаган сўз, аксинча, маънони бузади, мавҳумлик келтириб чиқаради, матнга ёпишмай турган сўзлар таъбни ҳам хира қилади.

Ҳинд маданиятининг ўзига хос миллий анъаналари, урф-одатлари, либослари, чолғу асбоблари, шу билан бирга тақинчоқлари ҳам мавжуд. Шундай буюм ёки нарса борки, у фақат ҳинд маданиятигагина хосдир. Шулардан бири чури. Чури ҳинд аёлларининг билагини безаб турувчи шода-шоода тақинчоқдир. Чурининг турли хилдаги турлари мавжуд. Ёш қизлар ва ёш жувонлар кийган либосларига мослаб чуриларни саралаб оладилар. Қолаверса, ҳинд жамиятида турмуш қурган аёллар ўзларига алоҳида оро бериб, турли-туман тақинчоқлар билан безаниб оладилар. Мана шу безаклар ичида албатта чурилар ҳам мавжуд. Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, эри вафот этган ҳинд аёли ҳеч қандай пардоз-андоз ҳам қилмайди, тақинчоқлар ҳам тақмайди. Ҳинд маданиятида эри вафот этган аёлнинг тақинчоқларини ечиш маросими ҳам бор. Шу боисдан ҳам ҳиндларда *चूड़ियां तोड़ना* яъни сўзма-сўз талқин қиладиган бўлсак, *чуриларни синдирмоқ*. Мазкур иборанинг шарҳи қуйидагича: *पति के मर जाने पर स्त्री का अपनी चूड़ियां उतारना या तोड़ना* – эрининг ўлими туфайли аёл ўз чуриларини улоқтирди ёки синдирди.

गोविन्द की मृत्यु हो जाने पर उसी स्त्री ने अपनी चूड़ियां तोड़ लीं¹

Говинднинг вафотидан сўнг унинг хотини аза очди².

Мазкур гапнинг таржимасида ҳеч қандай *чури* сўзи мавжуд эмас. Бирок таржимада аслиятдаги маъно тўлиқ ёритиб берилган. Боиси ҳинд жамиятида эри вафот этган аёл аза очса пардоз-андозу, ҳатто севимли тақинчоқ ва чурилардан ҳам воз кечади.

Жамиятда айрим эркаклар ҳам борки, уларнинг қиладиган иши, айтадиган сўзи умуман, феъл-атвори баъзида эриш туюлиб, аёлларга хос хатти-ҳаракатларни эслатади. Мана шундай вазиятда ҳиндлар яна *чури* билан боғлиқ бўлган фразеологик бирликларни қўллайдилар. *चूड़ियां पहनना* яъни сўзма-сўз талқини *чури тақмоқ*. Масалан: *स्त्रियों का काम करना, स्त्री का वेश धारण करना*

जब तुम इतना भी नहीं कर सकते तो चूड़ियां पहन लो³

Бордию шуни ҳам қила олмасанг, чури тақиб ол¹.

¹ Премчанд. गृह-दाह. इलाहाबाद. 1968. 10. पृ.

² Премчанд. Бир келин ҳикояси // Хонадоннинг барбод бўлиши. (Амир Файзулла таржимаси) – Т.: Адабиёт ва санъат, 1973. – Б. 9.

³ Премчанд. बड़े भाई साहब. इलाहाबाद. 1968. 73. पृ.



Ушбу мисолдаги иборани бир ишга қодир бўла олмай, *огзидаги ошини олдириб ўтирадиган* айрим журъатсиз эркакларга нисбатан қўллашади.

यदि इतिफाक से सत्री के मस्तक का सिंदूर धुल गया तब तो उसके लिए संसार ही नष्ट हो गया।

Бордию кутилмаганда аёлнинг манглайдаги синдур ювилса, унинг учун дунё тор бўлиб кўринади.

Мазкур келтирилган мисолда ҳиндуларнинг миллий хос сўзи *сіндур* – синдур иштирокидаги фразеологизм акс этган. Синдур – бу турмушга чиққан ҳинду аёлларининг манглайига суртиладиган кизил упу. Ҳинду аёллари ҳар тонгда эрининг соғ-омон юришини ният қилиб, ўз манглайига синдур кўядилар. Манглайига синдур суриш турмушга чиққан ҳар бир ҳинду аёли амал қилиши зарур бўлган вазифадир. Ушбу фразеологизмнинг мазмуни худди шу хусусида. *сіндур* *धुल जाना* фразеологизми – тул, яъни бева бўлиб қолиш мазмунини ифодалайди. Ушбу ўринда таржима калка усулида амалга оширилган.

Егулик номлари билан боғлиқ фразеологизмлар

Дунёда кўплаб миллат ва элатлар борки, уларни бир-биридан фарқлаб турувчи ташқи кўриниши, тили, либослари, чолғу асбоблари, уй-рўзгор кийимлари, ўлчов бирликлари билан бир қаторда таом номлари ҳам мавжуд. Таржима жараёнида таом номларининг иштирок этиши таржимон учун яна бир ечимини топиши керак бўлган масала ҳисобланади. Аммо таом номларининг фразеологизмларда ифодаланиши эса таржимонни икки қарра машаққат чекишига ундайди.

Ладду – ҳиндларнинг юмалоқ шаклдаги мазали ширинлиги ҳисобланади. Ҳиндлар ҳаётида бирон хурсандчилик, шодиёна ва маросимларда севимли егулик сифатида дастурхонга тортилади. Қолаверса, ҳиндлар кундалик турмушда бирон кўнгилга хуш ёқувчи хушхабарни эшитганда ёки узоқ манзилдан келган ўз яқинларини қарши олаётганларида ҳам бир-бирларини ладду билан сийлашади. Демак, *ладду* бахт, шодлик, қувонч ва саодатнинг рамзий белгисидир.

विवाह का विचार आते ही उसके मन में लड्डू फूटने लगे। बेचारा तरह-तरह की कल्पनाएं करने लगा कि उसके घर में एक प्यारी-सी दुल्हन होगी, जो उसके लिए सुबह-शाम खाना बनाया करेगी।²

Уйланиш фикри кўнглига келдию, қалбида қувонч пайдо бўлди. У ўз уйида бир севимли ёри бўлишини, эртаю кеч лаззатли таомлар тайёрлаб беришини хаёл қила бошлади.

лडдў *фўटना* ибораси миллийликни сақлаган ҳолда таржима қилинмаган. Асосий эътибор мазмунга қаратилган. *मन में लड्डू फूटने लगे* жумласи *қалбида қувонч пайдо бўлди* деб таржима қилинган. Чунки камбағал асар қаҳрамони-

¹ Премчанд. Бир келин ҳикояси // Ўғиллари бор бева. (Амир Файзулла таржимаси) – Т.: Адабиёт ва санъат, 1973. – Б. 77.

² जातक कथाएं. एक रूपये की करामत. नई दिल्ली. 2002. 34 पृ



нинг уйланиш тўғрисидаги ўй фикрлари унга оз бўлса-да қувонч бағишлаб шодлик улашади.

Шодлик ва қувончдан баъзида ўзини билмаган тарзда қўлларини юқорига кўтариб юборган ҳолатда ушбу ибора қўлланилади.

युद्ध में राजपूतों के दोनों हाथों में लड्डू रहते हैं। यदि शत्रुओं को मार भगाया, तो विजय श्री और यश की प्राप्ति हुई, और यदि वैरियों के हाथों मारे गए तो स्वर्ग मिला।¹

Ражпутлар жангдаги ғалабасидан шодланишди. Шатруларни қувиб чиқариб, ғалаба ва буюкликни қўлга киритишди.

Гувоҳи бўлганингиздек, таржимада ҳеч қандай *ладду* сўзи йўқ. दोनों हाथों में लड्डू होना иборасини сўзма-сўз таҳлил қиладиган бўлсак, *икки қўллариди ладду бўлмоқ*. Аммо таржимада ушбу иборанинг мазмунигина акс этган. Чунки ўзбек китобхони учун икки қўлда ладдуларнинг бор ёки ёқ бўлиши бахт ёки шодлик мазмунини ифодаламайди. Тўғри, таржима қилиш жараёнида иборанинг хинд миллий колоритини ифодаловчи ҳеч бир жиҳат сақланиб қолинган эмас, аммо мазмун ва моҳият эътиборга олинган ҳолда компенсациядан фойдаланган, холос.

“Ҳиндийча-ўзбекча, ўзбекча-ҳиндийча иборалар луғати”² да *ладду* миллий реалияси билан *लड्डू मिलना* ҳамда *मन के लड्डू फोड़ना* ибораларини учратишимиз мумкин. Унда *लड्डू मिलना* – фойда келтирмоқ, *मन के लड्डू फोड़ना* – ичидан қувонмоқ, шодланмоқ деб келтирилган. Демак, ладду билан боғлиқ фразеологизмлар шодлик, қувончни англатиб келади.

घर में भूनी भांग नहीं, उसपर इतना घमंड।

Уйда ёйишга ҳеч нарса йўқ, шунга қарамай мағрур .

भूनी भांग नहीं - фразеологизмидаги *भांग* сўзи ичимлик номи бўлиб, у Ҳиндистоннинг ўзига хос ичимлиги саналади. Бу ичимлик кайфни ошириб, маст қиладди. *भांग* паст табақадан тортиб то юқори табақа вакиллари ҳам истеъмом қиладиган ва топилиши осон нарса. Шу боисдан ҳам, уйда хаттоки *भांग* ичимлигининг бўлмаслиги жуда ҳам ночорликни, камбағалликни билдиради.

तुम्हारी व्यंग्यपूर्ण बातें सुनकर उसका दिल कबाब हो गया।

Истеҳзоли гапларингни эшитавериб, уни кўнгли оғриди.

Ҳиндлардаги *कबाब* ўзбекча кабобга жуда ўхшаш. *दिल कबाब होना* фразеологизмида кўнгилни, қалбни худди кабоб сингари қийма-қийма, яъни пора-пора бўлиб кетишини акс эттиради. Таржимон ушбу гапни *кўнгли оғриди* деб ўгирган. Боиси, доимо кимнингдир мазахли, истеҳзоли гапларини эшитавериш одамнинг кўнглини бирмунча қайғуга солиши турган гап.

¹ हरिवंश राय शर्मा. साहित्यिक मुहावरा-लोकोक्ति कोश. दिल्ली. 1981. 177 पृ.

² Ходжайева N. Hindiycha-o‘zbekcha, o‘zbekcha-hindiycha iboralar lug‘ati. T.: ToshDSHI, 2015. – B. 185.



Миллий хусусиятни ўзида мужассамлаштирган фразеологизмларни доимо эквивалент ёки муқобил вариантлари топишнинг имкони йўқ. Шу боис бундай ҳолларда тасвирий ва калка усуллари қўл келади. Таржимон калка ёки тасвирий усулдан фойдаланиб, фразеологизмларнинг маъносини беради.

Хулоса. Фразеологик бирликларни тўғри таржима қилишнинг таржимонлар учун энг мураккаб томонларидан бири шундан иборатки, кўпчилик фразеологизмлар муайян бир халқ урф-одати, маданияти, психологияси, диний қарашлари билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун таржимон бирон асарни таржима қилар экан, ўша халқ ҳаётини, урф-одатларини, миллий маданияти ва аслиятдаги тилнинг фразеологик бойлигининг табиатини яхши ҳис этиши, билиши, кейин ўз тили фразеологик бойлиги билан яхши таниш бўлгани ҳолда, икки тил ибораларини бир-бири билан таққослаши, улар ўртасидаги ўхшаш ва бир-биридан фарқли томонларини яхши ўзлаштириб олиши керак.

ФИЁСОВ БОБУР

Таянч докторант, ТДШУ

Хитой таълим шиорларнинг лексик-услубий хусусиятлари

Аннотация. Шиорлар ижтимоий нутқнинг бир тури сифатида бутун дунёда кенг қўлланиладиган муҳим маданий ҳодисадир. Шиорлар Хитой халқи ҳаёти ва маданиятида жуда муҳим ҳодисадир. Бу хитойларнинг ҳаёти ва тилига шу қадар чуқур таъсир қиладики, уни ўрганиши ва ўзбек тилига таржима қилиши керак. Шиор сўзини ифодалаш учун хитой тилида қуйидаги сўз қўлланилади: (标语口号 биао ю коу ҳао). Хитой тилининг нуфузли изоҳли луғатида «词海- Си Ҳай» (Сўзлар денгизи) қуйидаги талқин мавжуд: «口号 (коу ҳао) — маълум мақсадларга эришиши ва ҳаракатга а ундайдиган қисқа ва аниқ ибора». Шиорларнинг лисоний ва услубий хусусиятлари ҳозиргача кўп тадқиқотчилар эътиборини тортмоқда. Шиорлар тил ёрдамида яратилади, шиорлардаги матнлар эса ўз навбатда тил маҳсулидир. Шиорни лингвистик ва стилистик тадқиқот объекти десак, яратилган кўп тадқиқотчиларнинг маънолиги ўз навбатида шиорларни ўрганилганлик даражасини кўрсатади. Ушбу мақола 1) Хитойда таълим шиорларининг этимологик келиб чиқиши; 2) таълим шиорларнинг лексик-услубий хусусиятлари; 3) уларнинг вазифаси ва мақсадига қўра қандай гуруҳларга ажратилиши? каби масалаларни таҳлил этишига қаратилган.

Таянч сўз ва иборалар: аллюзия, прецит, эмотив, экспрессив, таълим шиорлари, лексик-услубий хусусият.

Аннотация. Лозунги — важный культурный феномен, который широко используется во всем мире как форма социального дискурса. Лозунги — очень важное событие в жизни и культуре китайского народа. Они оказывают такое глубокое влияние на жизнь и язык китайцев, что их необходимо изучить и перевести на узбекский язык. В китайском языке для выражения лозунга используются следующие слова: (标语口号 биао ю коу ҳао). В авторитетном китайском словаре «сi хай — Си Ҳай» (Море слов) дается следующее



толкование: «кǒухào (коу хао) — короткая и четкая фраза, побуждающая к достижению определенных целей и действий». Языковые и стилистические особенности лозунгов до сих пор привлекают внимание многих исследователей. Слоганы создаются с помощью языка, а текст в слоганах является продуктом языка. Если мы говорим, что лозунги являются объектом лингвистического и стилистического исследования, то наличие множества созданных статей, в свою очередь, свидетельствует об уровне изучения лозунгов. В данной статье рассматриваются 1) этимологическое происхождение образовательных лозунгов в Китае; 2) лексико-методические особенности учебных лозунгов; 3) На какие группы они делятся по своей функции и назначению?

Опорные слова и выражения: аллюзия, прецедент, эмотив, экспрессив, воспитательные лозунги, лексико-методические признаки.

Abstract. Slogans are an important cultural phenomenon that is widely used around the world as a form of social discourse. Slogans are a very important event in the life and culture of the Chinese people. It has such a profound effect on the life and language of the Chinese that it needs to be studied and translated into Uzbek. The following word is used in Chinese to express the word slogan: (bǐāoyǔ kǒuhào biao yu kou hao). In the authoritative Chinese dictionary, "cǐ hǎi - Cǐ Hai" (Sea of Words) has the following interpretation: "kǒuhào (kou hao) is a short and clear phrase that encourages the achievement of certain goals and actions." The linguistic and stylistic features of the slogans are still attracting the attention of many researchers. Slogans are created using language, and the text in the slogans is a product of language. If we say that slogans are the object of linguistic and stylistic research, the presence of many created articles, in turn, indicates the level of study of slogans. This article discusses following issues such as: 1) the etymological origins of educational slogans in China; 2) lexical and methodological features of educational slogans; 3) What groups are they divided into according to their function and purpose?

Keywords and expressions: allusion, precision, emotive, expressive, educational slogans, lexical-stylistic feature.

Кириш. Шиорлардан фойдаланиш инсоният тарихининг барча даврларида кенг тарқалган ҳодисадир. Хитой шиорлардан аҳолини умумий ғоя остида бирлаштириш учун жуда кўп фойдаланганлигини тарихий ҳужжатларда акс этган. Хитойда шиорларни деярли ҳамма ерда кўриш мумкин: баланд ракета ташувчи қурилмаларда, ҳаракатланаётган уловларда, кўп қаватли шаҳар биноларининг девор ва зангори ойна юзаларида ва чекка қишлоқлардаги оддий уйларнинг деворларида.

Истисносиз, Хитой тарихидаги барча ҳукмдорлар — биринчи император Тсин Ши Хуандан тортиб, турли даврлардаги деҳқонлар кўзғолонлари раҳбарларигача, Сун Ят- Сендан Мао Дзе-дунгача — шиорларга мурожаат қилишди. Замонавий Хитойда шиорлар ҳамма жойда, катта шаҳарлардан тортиб чекка қишлоқларгача учратиш мумкин ва Хитойни «шиорлар мамлакати» деб аташ муболаға бўлмайди. Хитойдаги шиорлар ўзининг жуда кўплиги, кенг тарқалиши, мураккаб мазмуни, хилма-хил шакллари ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига кириб борганлиги билан ажралиб туради.



XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида Хитойда шиорларни ўрганиш маданий аҳамиятга эга лингвистик ҳодиса сифатида олимлар ва мутахассисларнинг эътиборини ўзига тортмоқда ва Хитой Халқ Республика ҳукумати томонидан ҳам хорижий лингвист олимларини жалб қилиш, уларга кенг шароитлар яратиш сиёсати олиб борилмоқда. Айниқса, ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигидан бошлаб, турли йўналишдаги хитойлик тадқиқотчилар «*шиор феноменига*» катта қизиқиш билдиришди. Ўтган асрнинг сўнгги ўн йилида ушбу муаммога бағишланган юздан ортиқ мақолалар нашр этилди. Уларнинг муаллифлари мос равишда билим, методология ва илмий қизиқишлари бири-биридан фарқ қилади. Умуман олганда, тавсифнинг қуйидаги асосий усуллари-ни ажратиб кўрсатиш мумкин. Британиялик таълимшунос файласуф *И.Шеффлер* таълим тили асосан учта шаклдан иборат деб ҳисоблаган: таълим терминологияси, таълим шиорлари ва таълим метафоралари. Таълим терминологияси академик тил сифатида нисбатан аниқ маъно ва аниқ қоидаларга эга, таълим шиорлари аксинча, тизимли эмас ва уларни ифодалашда қатъий бир қоида ҳам мавжуд эмас. Жамият ҳамжиҳатликда яшаши, сифатли илм олиши, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг аҳамияти ва ёшларнинг бошланғич таълим олиш масаласи ҳар даврда ҳар бир раҳбардан ечим талаб қилади, бу ечим раҳбар халққа тақдим этаётган нутқидаги ўз шиорларида акс топади. Шиорлар фуқарони ҳам, бутун халқни ҳам онглиликка, курашга чақирди. Мамлакатнинг таълим концепцияси, унинг олдига қўйган мақсадлардан таркиб топган, мақсадлар шиорлар билан халққа тақдим этилади. Хитойдаги баъзи олимлар, таълим шиорлари кўпинча ҳукумат ва таълим амалиётчилари томонидан қўлланилаётганлигини эътироф этишади¹.

Таълим шиорлари ҳам «ҳокимият нутқи», ҳам «оммавий нутқ» дир. Шу нуқтаи назардан, ҳукумат ёки уларни ташкил этувчи ҳокимият органи ва иккинчи томондан, таълим фаолияти билан шуғулланувчи ҳар бир шахс ўртасида таълим ва тарбиявий шиорлар худди бир кўприк сифатида хизмат қилади².

Хитойда шиорларининг этимологик келиб чиқиши. Таълим тизимида, шиорларининг учта асосий манбаи мавжуд: миллий ва маҳаллий таълим қонунлари ва қоидалари; таълим бошқаруви органлари ёки нуфузли муассасаларнинг баёноти; бошқарув органларига тегишли раҳбарларнинг баёнотида;

Шиорларнинг лисоний ва услубий хусусиятлари ҳозиргача кўплаб тадқиқотчилар эътиборини тортмоқда. Шиорлар тил ёрдамида яратилади, шиорлардаги матнлар эса ўз навбатда тил маҳсулидир. Шиорни лингвистик ва стилистик тадқиқот объекти десак, яратилган кўплаб мақолаларнинг

¹ 郑金洲: 《教育口号辨析》, 人民大学复印资料《教育学》, 1998年12期, 28页。

Зхенг Жинзхоу: "Диссриминацион анд Аналісис оф Эдусатионал Слоганс", "Педагог", а сопй оф Ренмин Университй, Но.12,1998. П.28.

² 林莉, 浙江大学西溪校区教育系 310028, 上海教育科研 2000年07, 57-59页。

Лин Ли, Депармент оф Эдусатион, Хихи Сампус, Зхежианг Университй 310028, Шангхай Эдусатион анд Ресеарч 07 2000, П.57-59.



мавжудлиги ўз навбатида шиорларни ўрганилганлик даражасини кўрсатади. «Шиорларнинг лингвистик хусусиятлар таҳлили» [Жао Син 2005]; «Қишлоқ шиорлари матнларини жанр, хусусият ва услуб жиҳатидан кўриб чиқиш» [Ло Таифа 2008]; «Қишлоқ шиорлари услуби ҳақида» [Лин Симеи 2010]; «Университетлар худудида шиорларнинг тил хусусиятларини таҳлил қилиш» [Ке Цианбинг, Жу Данфенг 2007]; "Шиорлар тили ҳақида" [Лиу Фенглинг 2004]; «Замонавий Хитой шиорларининг грамматик жиҳатлари» [Жанг Пинг 2006] ва бошқалар. Миллий ва маҳаллий таълим қоидалари ва сиёсати таълим шиорларининг муҳим манбаи ҳисобланади.

Мисол сифатида, Хитой Халқ Таълим Вазирлигининг «*сифатли таълим*» (*Қуалити Эдусатион, 素质教育 сўзхў жиàoйи*) дастурини кўриб чиқсак, бу биринчи 1980 — йиллар охирида пайдо бўлган ва мамлакат бўйлаб кенг тарқалган, 1993 йилдаги «Хитойда ислохот ва таълим ривожлантириш режаси»нинг 7-моддасида ҳукумат томонидан расмий ҳужжатларда қўлланила бошланган, “基础教育是提高民族素质的奠基工程, 必须大力加强。中小学要由应试教育转向全面提高国民素质的轨道, 全面提高学生的思想道德、文化科学、劳动技能和身心素质” [Жтчў жиàoйи шў тígāо мінзў сўзхў де диàнжǐ гōнгчénг, бǐхў дǎли жиàқиàнг. Зхōнг хиàохуэ йào йóу йǐнгшǐ жиàoйи зхуàнхиàнг қуàнмиàн тígāо гуómín сўзхў де гуǐдào, қуàнмиàн тígāо хуэшэнг де сǐхиàнг дàoдé, wénхуà кèхуэ, лàoдòнг жǐнénг хé шēнхǐн сўзхў] “*бошлангич таълим — бу миллат ҳаёти сифатини яхшилаш учун муҳим пойдевор бўлиб, уни мустаҳкамламоқ даркор. Бошлангич ва ўрта мактаблардаги сифатли таълим, ўқувчиларнинг гоаявий-ахлоқий, илмий-маданий, жисмоний ва ақлий фазилятларини ҳар томонлама яхшиламоқлиги керак*”.

Ҳозирга кунда “*сифатли таълим*” дастури орқали Хитойнинг таълим ривожланиши ажойиб ютуқларга эришди, лекин ҳозирги янги инновацион талабларга аудитория жавоб бермаслиги, “*тиқилинч мактаблар*” ҳолати, жойларда сифатли таълим берилмаётганлиги ҳақида гап кетар экан, бу масалаларни ҳал этиш давлат ҳукумати раҳбарининг — 素质教育是时代发展的呼唤 [сўзхў жиàoйи шў шǐдài фāзхǎн де хўхуàн] *Сифатли таълим мамлакат келажакини белгилайди*¹, шиори остида о’з ечимини топмоқда.

¹ 习近平谈教育发展：教育兴则国家兴，教育强则国家强。教育决定着人类的今天，也决定着人类的未来，教育决定着人类的今天，也决定着人类的未来。人类社会需要通过教育不断培养社会需要的人才，需要通过教育来传授已知、更新旧知、开掘新知、探索未知，从而使人们能够更好认识世界和改造世界、更好创造人类的美好未来。2018年09月10日07:42来源：人民网-中国共产党新闻网。

Хи Жинпинг талькес абуот тхе девелопмент оф эдусатион: тхе просперити оф эдусатион вилл маке тхе соунтри проспероус, анд тхе стренгтх оф эдусатион вилл маке тхе соунтри стронг. Эдусатион детерминес тхе пресент оф манкинд анд тхе футуре оф манкинд, Эдусатион детерминес тхе пресент оф хуман беингс анд детерминес тхе футуре оф хуман беингс. Хуман сосиетй неэдс то сонтинуоусли султivate тхе талантс неэдед бй тхе сосиетй тхроугх эдусатион.



Бу дастур ўз олдига тўрт шиорни мақсад қилиб олган:

素质教育是时代发展的呼唤。[sùzхì жиàoйù шì шíдài фāзхāн де хūхуàн].

- *Сифатли таълим замон тараққиётининг талаби.*

素质教育决定着国家的未来。[sùzхì жиàoйù жуéдìнгзхè гуóжйā де wèйлаí].

- *Сифатли таълим мамлакат келажасини белгилайди.*

素质教育关系亿万家庭的幸福。[sùzхì жиàoйù гуāнхì йì wàn жиāтíng де хìнгфú].

- *Сифатли таълим юз миллионлаб оилалар бахти билан боғлиқ.*

素质教育也是教育自身改革发展的需要。[sùzхì жиàoйù йěшì жиàoйù зшēн гāйгé фāзхāн де хūйào].

- *Сифатли таълим бу аввало ўзимизни-ўзимиз ислоҳ қилиш заруратидир.*

Таълим шиорларнинг лексик-услубий хусусиятлари. Хитой шиорларнинг лексик-услубий хусусиятлари ҳақида гапирганда, шиорлар матнида метафора ва аллюзия учратиш мумкин. Мисол учун: 时代发展的呼唤 [шíдài фāзхāн де хūхуàн] - *замон тараққиётининг даъвати, «даъват» со'зи* “呼唤 sùzхì” бу ерда метафора бўлиб, бу *замон талаби* деган маъно юкلامоқда, тушунарлики замон тўғридан-тўғри ўзи даъват этмайди, яъни инсонларга қақирқ бўлиб, илм олишга тарғиб маъносида ишлатилинмоқда.

Шиорлар ёрдамида сарлавҳа, эпиграф, цитата, антономазия, аллюзия амалга оширилади, шу ўринда айтиш жоизки, аллюзия ҳолати ҳам шиорларда кўп учраб туради. Бир томондан аллюзия прецит материал сифатида маълум бир билим тузилмасига кўрсатма беради, иккинчи томондан шиорда аллюзия кўпроқ эмотив ва экспрессив ҳақида маълумот беради. Бу имплицит маълумотни юзага чиқариш учун асосий маълум бир билим тузилмаларига эга бўлишидир. Шиор матнида аллюзиянинг ўзига хос сиёсий матнга кўрсатма бўлиши мумкин: 1) қўллаб-қувватлаш рекуррентлик даражаси;

2) турли хизматларда реинтерпреталлашуви яъни қайта талқинлана олиши даражаси;

Хитой бош раисининг таълим шиорлари матнида биз аллюзия ҳолатини учратишимиз мумкин:

素质教育是时代发展的呼唤 [sùzхì жиàoйù шì шíдài фāзхāн де хūхуàн]

- *Сифатли таълим замон тараққиётининг талаби.*

Бунда, «Сифатли таълим» бу тарихий дастур бўлиб, олдинги раислар ҳам таълимни ривожлантиришда шу дастурдан фойдаланишган, бу дастур хитойликларга яхши таниш бўлиб, жамият онгида маълум бир билим шакланган ва ҳозирги раис шу ҳодисага урғу берган ҳолда ўз матнида аллюзия ҳодисасини ифода этиб, қўллади.

Ит неэдс то теач тхе кноун, упдате тхе олд кноуледге, диг неу кноуледге, анд эхплоре тхе ункноун тхроутх эдусатион, со тхат неопле сан беттер ундерстанд тхе ворлд анд трансформ тхе ворлд, анд беттер сreate а беттер футуре фор манкинд. Септембер 10, 2018 07:42 Соурсэ: Пеоплеэс Даилй Онлине — Чинесе Соммунист Партий Невс Нетворк.



Таълим шиорларининг вазифаси. Таълимга оид шиорларини таҳлил қилиб, уларнинг вазифаси ва мақсадига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин деган хулосага келинди: 1) Ахборот бериш вазифаси; 2) Ҳаракат уйғотиш вазифаси; 3) Огоҳлантириш вазифаси; 4) Ишонтириш вазифаси; 5) Ҳиссий (эмоционал) вазифаси;

素质教育是时代发展的呼唤 [cùzhì jiàoyù shì shídài fāzhǎn de hūhuàn]. <i>Сифатли таълим замон тараққиётининг талаби.</i>	Ахборот бериш вазифаси мавжуд	Ҳаракат уйғотиш вазифаси мавжуд	Огоҳлантириш вазифаси мавжуд	Ишонтириш вазифаси мавжуд	Ҳиссий вазифаси мавжуд
素质教育也是教育自身改革发展的需要 [cùzhì jiàoyù yìshì jiàoyù zìshēn gǎigé fāzhǎn de hūhuàn]. <i>Сифатли таълим бу аввало ўзимизни-ўзимиз ислоҳ қилиш заруратидир.</i>	Ахборот бериш вазифаси мавжуддир	Ҳаракат уйғотиш вазифаси мавжуд	Огоҳлантириш вазифаси мавжуд	Ишонтириш вазифаси мавжуд	Ҳиссий вазифаси мавжуд
教育兴则国家兴，教育强则国家强 [Jiàoyù xīng zé guójiā xīng, jiàoyù qiáng zé guójiā qiáng] <i>Таълим обод бўлса, юрт обод, таълим кучли бўлса, мамлакат кучли бўлади.</i>	Ахборот бериш вазифаси мавжуддир	Ҳаракат уйғотиш вазифаси мавжуд	Огоҳлантириш вазифаси мавжуд	Ишонтириш вазифаси мавжуд	Ҳиссий вазифаси мавжуд
素质教育关系亿万家庭的幸福 [cùzhì jiàoyù guānxi yì wàn jiātīng de xìngfú]. <i>Сифатли таълим юз миллионлаб оилалар бахти билан боғлиқ.</i>	Ахборот бериш вазифаси мавжуддир	Ҳаракат уйғотиш вазифаси мавжуд	Огоҳлантириш вазифаси мавжуд	Ишонтириш вазифаси мавжуд	Ҳиссий вазифаси мавжуд
素质教育决定着国家的未来 [cùzhì jiàoyù juédingzhe guójiā de wèilái]. <i>Сифатли таълим мамлакат келажagini белгилайди.</i>	Ахборот бериш вазифаси мавжуддир	Ҳаракат уйғотиш вазифаси мавжуд	Огоҳлантириш вазифаси мавжуд	Ишонтириш вазифаси мавжуд	Ҳиссий вазифаси мавжуд

Шиорларни таҳлил қилиб, шундай хулосага келинди, шиорларнинг лингвистик воситалар (*метафоралар, идиомалар, прецедент ҳодисалар*) ёрдамида таъсир кўрсатиш имкониятлари кўрсатилиб, оғзаки матн ва визуал



таълимнинг уйғунлашуви хитойликларнинг воқеликни ўзига хос тушунишига хизмат қилган.

Таълим тили асосан учта шаклдан иборат деб ҳисоблаган: таълим терминологияси, таълим шиорлари ва таълим метафоралари. Таълим терминологияси академик тил сифатида нисбатан аниқ маъно ва аниқ қоидаларга эга, таълим шиорлари аксинча, тизимли эмас ва уларни ифодалашда қатъий бир қоида ҳам мавжуд эмас. Миллий ва маҳаллий таълим қоидалари ва сиёсати таълим шиорларининг муҳим манбаи ҳисобланади.

Таълимга оид шиорларини таҳлил қилиб, уларнинг вазифаси ва мақсадига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин деган хулосага келинди: 1) Ахборот бериш вазифаси; 2) Ҳаракат уйғотиш вазифаси; 3) Огоҳлантириш вазифаси; 4) Ишонтириш вазифаси; 5) Ҳиссий (эмоционал) вазифаси.

ТУРСУНБАЕВА ЗУХРА

тадқиқотчи, ТДШУ

Бадий таржимада миллийликни акс эттириш муаммолари

Аннотация. Таржима жараёнида тугиладиган энг муҳим қийинчиликлардан бири оригинал асарнинг миллий руҳини бошқа муҳитга кўчиришидир.

Миллий хос сўзлар бадий асарнинг тарихий ва миллий хусусиятини белгилайдиган асосий воситалардан ҳисобланади. Бундай сўзларни таржимада айнан ўзидек талқин қилиши асл нусха миллий хусусиятини ўзга тилда қайта тиклашдек мураккаб муаммонинг энг масъулиятли ва мушуқул масалаларидан ҳисобланади.

Ушбу мақола миллийликни ифодловчи реалиялар жумладан, таом номлари ва маиший турмуш тушунчаларини англатувчи сўзлар ҳамда уланинг ҳиндий тилида қандай акс этгани ҳақида. Унда Одил Ёқубовнинг “Улғбек хазинаси” *उलूबेक की धरोहर* ва Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” *बाबूर* романларининг ҳиндий тилидаги таржимасида миллийликни англатувчи сўзларнинг берилиши ўрганилди. Яна алоҳида эътибор мазкур хос сўзларнинг таржимон томонидан қандай, қай усулларни қўллаган ҳолда таржима қилганига қаратилган ва таҳлилга тортилган. Мақолада кабоб, ош, шўрва, патир, тўқач ва бошқа турли егулик номлари шунингдек, маиший турмуш тушунчаларини англатувчи кўрпача, хонтахта, дастурхон, обреза, қумғон, сандал каби сўзларнинг таржимада қандай акс этгани ҳақида сўз юритилади.

Шунингдек мақолада “Улғбек хазинаси” ва “Юлдузли тунлар” асарларининг ҳиндий тилига таржимасида таржимон кўпроқ қайси сўзлардан таржиманинг қайси усулларидан фойдаланганлиги ҳақида батафсил маълумот берилиб, тарихий асарларда миллий хос сўзлар таржимасида нималарга эътибор бериши кераклиги ҳақида бир қанча олимларнинг фикр ва мулоҳазалари ҳам келтириб ўтилган.

Ушбу илмий мақола учун адабий манба сифатида атоқли ўзбек ёзувчиси Одил Ёқубовнинг “Улғбек хазинаси” *उलूबेक की धरोहर* ва Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” *बाबूर* асарлари ҳамда уларнинг моҳир таржимон Судҳир Кумар Матхур



томонидан ҳинд тилига қилинган таржимаси танлаб олинди ва таҳлил қилинди. Таржима асардаги ютуқ ва камчиликлар батафсил келтириб ўтилди.

Таянч сўз ва иборалар: Таржима, ҳиндий тили, транслитерация, аслият, эквивалентлик, экзотизм, миллий колорит, реалия.

Аннотация. Одна из важнейших задач в процессе перевода – это передача национального духа оригинального произведения на другом языке.

Реалии - одно из основных средств определения исторического и национального характера художественного произведения. Толкование таких слов в переводе - один из самых ответственных и сложных вопросов сложной проблемы, как восстановление первоначального национального характера на другом языке.

В данной статье также рассматриваются реалии национальной идентичности, в том числе названия блюд и концепции повседневной жизни, а также то, как эта связь выражается на хинди. В статье исследуются вопросы использования слов, обозначающих национальность, в переводе на хинди произведений Адыла Якубова «Сокровищница Улугбека» и Пиримкула Кадырова «Звездные ночи». Особое внимание уделяется анализу того, как эти слова переводятся переводчиком. В статье рассматриваются вопросы перевода номинаций таких блюд как шашлык, суп, плов, лепешки и других, а также таких понятий как одеяло, скатерть, украшения в повседневной жизни.

В статье также подробно описывается, какие слова переводчик чаще всего использовал в переводе на хинди романов «Сокровищница Улугбека» Адыла Якубова и «Звездные ночи» Пиримкула Кадырова и какие методы перевода они использовали. В статье также представлены мнения ряда ученых о том, на что следует обращать внимание при переводе реалий.

Литературными источниками для данной научной статьи являются произведения известного узбекского писателя Адыла Якубова «Сокровищница Улугбека» и Пиримкула Кадырова «Звездные ночи» и их перевод на хинди опытным переводчиком Судхиром Кумаром Матуром. Подробно описаны успехи и неудачи переведенных произведений.

Опорные слова и выражения: Перевод, хинди, транслитерация, оригинальность, эквивалентность, экзотика, национальный колорит, реалия.

Abstract. One of the most important challenges in the translation process is to transfer the national spirit of the original work to another environment.

National words are one of the main means of determining the historical and national character of a work of art. Interpreting such words in translation is one of the most responsible and difficult issues of such a complex problem as the restoration of the original national character in another language.

Our article also deals with the realities of national identity, including the names of food and the concepts of everyday life, and how the link is expressed in Hindi. The article examines the use of words denoting nationality in the Hindi translation of Odil Yakubov's "Treasure of Ulugbek" and Pirimkul Kadyrov's "Starry Nights". Particular attention is paid to the analysis of how these words are translated by the translator. The article discusses how the names of kebabs, soups, stews, patties, pastries and other similar foods, as well as words such as blankets, tablecloths, trimmings, sandals, sandals, which reflect the concepts of everyday life, are reflected in the translation.

The article also details which words the translator used most often in the Hindi translation of Odil Yakubov's "Treasure of Ulugbek" and Pirimkul Kadyrov's "Starry Nights"



and what methods of translation he used. The article also contains the views of a number of scholars on what to look for in the translation of national words in historical works.

The literary sources for this scientific article are the works of the famous Uzbek writer Odil Yakubov's "The Treasure of Ulugbek" and Pirmqul Kadyrov's "Starry Nights" and their translation into Hindi by a skilled translator Sudhir Kumar Mathur. The successes and failures of the translated work were detailed.

Keywords and expressions: Translation, Hindi, transliteration, originality, equivalence, exoticism, national color, reality.

Кириш. Миллийлик у ёки бу миллатнинг маънавий фаолияти ва моддий ҳаётидаги ўзига хосликдир. Маънавий фаолият кишиларнинг характери, тафаккур тарзи, рухияти, интилишлари, қилиқлари, юмор хусусиятлари ва бошқаларни ўз ичига олади. Моддий ҳаёт эса урф-одат, расм-русм, маросимлар, кийимлар, уй рўзгор буюмлари, чолғу асбоблари, пазандачилик, исмлар ва ҳ.к. Бадиий асарда акс этган ана шундай миллий хусусиятлар йиғиндиси адабиётшуносликда миллий колорит дейилади. Миллий колорит билан боғлиқ бўлган сўз атамалар реалаялар, бошқача қилиб айтганда миллий хос сўзлар дейилади. Реалаялар асар тилининг ажралмас қисми бўлиб, улар ёрдамида муаллиф қаҳрамон образини яратади, халқнинг миллий хусусиятини тасвирлаб беради.

Қудрат Мусаев халқлар турмуш тушунчаларини англатадиган тушунчалар хос сўзлар деб атайди. У муайян бир халқ, миллат ва элатга хос тушунча, нарса ва ҳодисаларни акс эттирадиган сўзлар бадиий асарнинг миллий хусусиятини белгилайдиган асосий воситалардан бири¹ деб ҳисоблайди.

Реалаяларга миллий таомлар, кийим-кечаклар, миллий чолғу асбоблари, рўзгор анжомлари, номлар, тахаллуслар, лақаблар, шаҳар, қишлоқ хусусиятлари, меъморчилик, географик номлар, даража, унвон, табақа ва ҳ.к. бўлинишларни ифодаловчи сўзлар, муассаса, ташкилот, диний маросимлар ва бошқа этнографик белгиларни билдирувчи сўз ва иборалар киради.

“Таом номларини талқин этиш ҳам таржимондан катта масъулият талаб қилади. Ҳар бир халқнинг бобомерос миллий таомлари бошқа халқларникидан нафақат тайёрланиш усули, балки мазаси ҳамда кўриниши билан ҳам фарқ қиладики, таржима жараёнида аслиятда тилга олинган таом номини таржима тили соҳиблари истемол қиладиган таом номлари билан алмаштириб қўйиш ҳам, уни бирор тасвирий воситасиз транслитерация қилиш ҳам китобхонга аслият соҳиби таоми ҳақида аниқ тасаввур беришига ожизлик қилади”².

Мақсад ва вазифалари. Ушбу мақолани ёзишдан асосий мақсад Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” ва Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романларининг ҳиндий тилидаги таржимасида миллий колоритнинг

¹Musayev Q. Tarjima nazariyasi asoslari. – Toshkent: Fan, 2005. – B.89. [Musayev K. Fundamentals of the theory of translation. - Tashkent: Subject, 2005]

²Musayev Q. Tarjima nazariyasi asoslari. – Toshkent: Fan, 2005. – B.101. [Musayev K. Fundamentals of the theory of translation. - Tashkent: Subject, 2005]



акс этиши ва миллий таом номларининг, маиший турмуш тушунчаларига оид сўзларнинг берилишини ўрганишдир. Бу мақсадни амалга ошириш куйидаги вазифаларни ўз ичига олади

- Миллий хос сўзлар таржимасида услубий меъёр даражасини тадқиқ этиш.
- Миллий таом номларининг таржимада акс этиш йўл ва усулларини текшириш.
- Маиший турмуш тушунчаларига оид сўзларнинг таржимада акс этишини кўриш

Усуллари. Мавзуни ёритишда асосан тавсифлаш, қиёслаш, таснифлаш ва статистик методларидан фойдаланилди.

Натижалар ва мулоҳаза. Таржималарни қиёсий ўрганиш жараёнида шунга амин бўлдики, асарларда акс этган тарихий воқеа ҳодисалар таржимонга ҳаммиша ҳам тушунарли бўлган эмас. Шу каби ҳолларда мутаржим айрим миллий хос сўзларни изоҳсиз ташлаб кетган ёки умуман таржимасиз қолдирган. Бу сўзларни айримлари ҳиндий тилида мавжуд бўлиб, таржимон ушбу сўзларнинг муқобилини топиши, қолганларини транслитерация усули орқали таржима қилиши мумкин эди деб ҳисоблаймиз. Чунки бу сўзлар тарихий-миллий сўзлар ҳисобланиб, айна тарихий асарлар таржимасида бундай сўзларнинг акс этиши асосий аҳамият касб этади.

Маълум халққа нарса-предмет, тушунча ва ҳодисаларни ифодаладиган сўзлар муаллифга тасвирланаётган персонажларнинг моддий-маънавий ҳаётини ҳаққоний, миллий шаклда баён қилиш имкониятини беради. Бошқача қилиб айтганда, бу сўзлар бадий асарнинг тарихий ва миллий хусусиятини белгиладиган асосий воситалардан ҳисобланади. Бундай сўзларни таржимада айнан ўзидек талқин қилиш асл нусха миллий хусусиятини ўзга тилда қайта тиклашдек мураккаб муаммонинг энг масъулиятли ва мушкул масалаларидан ҳисобланади. Чунки бундай ҳолларда таржимон олдида ўз халқи учун нотаниш, бинобарин, номлари ҳам тилида мавжуд бўлмаган нарса, тушунча ва ҳодисаларни китобхонга тўла-тўқис етказиб бериш вазифаси туради.

Биз Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” ва Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романларининг ҳиндий тилига қилинган таржималари мисолида ўзбек халқининг миллий ўзига хосликлари тўла акс этган сўз ва тушунчаларни таржимада берилишини кўриб ўтамиз. Аввало, таом номларининг таржимасига эътиборни қаратамиз.

Бақалок бақовулнинг кетидан жазиллаб турган қабоб билан аллақандай хушбўй ҳид таратган таомлар тўла барқашларни кўтариб ёрдамчилари кириб келишади.¹

¹Yoqubov O. Ulug‘bek hazinasi. – Toshkent: G‘.G‘ulom nomidagi adabiyot va san‘at nashriyoti, 1994. –B.13 (Keyingii iqtiboslarda “Ulug‘bek hazinasi”romani quyidagi qisqartma bilan keltiriladi.[U,X.] [Yakubov O. Ulugbek's treasure. - Tashkent: Publishing house of literature and art "G.Gulom", 1994]



बावरची चांदी का थाल थामे था, जिसमें बारीक काम की छेटी-छोटी सुराहियां और बिलकुल प्याज़ के छिलकों-सी पतली प्यालियां रखी थी। इसके बाद वैसे ही चांदी के थाल लिये बावरची के सहायक आये। हर थाल में भाप छोड़ते गरम-गरम सीक-कबाब रखे थे, जिसकी सौंधी गंध से नाक गुदगुदी हो रही थी।¹ [उलूग बेक की धरोहर , प १८]

Бу пайтда нонвойлар нон ёпишга, ҳолвафурушлар ҳолва, сомсапазлар сомса, кабобпазлар кабоб пиширишга киришар, ҳаво иссиқ нон ва сомса, пиёз ва кабобнинг тутун аралаш аччиқ ва хушбўй ҳидига тўларди [У.Х.:36].

नानबाई आटा गूंधना शुरू कर देते थे, हलवाई हलवा बनाने की तैयारी में लग जाते थे, सीक-कबाबवाले अंगीठियाँ सुलगाना शुरू कर देते थे, और कुछ ही देर में नीनों व सीक-कबाबों, समरक्रन्द के स्वादिष्ट समोसा व तले हुए प्याज़, मसालों व मिठाइयों की सौंधी मनमोहक गंध की लपटें राहगीर पर टूट-सी पड़ती थीं, उसके मन में इन्द्रधनुषी सपने जगाने लगती थीं। [उलूग बेक की धरोहर , प ५०]

Хонага мадраса талабасига ўхшаган ёш маҳрам кириб, ўртага дастурхон ёзди, кумуш баркашларда иссиқ нон, сомса, пиёз пўстидай нозик чинни ликопчаларда асал, бодом, майиз олиб келиб қўйди [У.Х.:38].

नान गरम और ताज़ा थीं, समोसा मुंह में घुल रहे थे, चीनी मिट्टी के सुन्दर प्यालों में रखे शहद, बादाम और किशमिश को देखकर मिठाइयों के हर जानकार और शौक्रीन का दिल खुश हो जाता, पर बातचीत किसी भी तरह एक दुसरे की तबीयत पूछने से आगे नहीं बढ़ पा रही थी। [उलूग बेक की धरोहर , प ५२]

Зираворлар солиниб, Али Қушчи суйган қора мурч сепилган иссиқ паловнинг хушбўй ҳиди тор хужрани тўлдириб юборди [У.Х.:188].

कमरे में थोड़ी काली मिर्च व अन्य मसाले बुरके पुलाव की सौंधी गंध व्याप्त हो रही थी। [उलूग बेक की धरोहर , प २१६]

Ҳиротнинг машҳур бақовуллари барра қўзилардан кабоб қилишар, доривор ўтлар солинган хушбўй шўрвалар пиширишар эди [У.Х.:299].

हिरात के मशहूर बावरची मेमने के गोश्त के सीक-कबाब और सुखद सुगंधित व स्वास्थ्यवर्द्धक मसाले पड़े सौंधा शोरबा बनाने में अपना हुनर दिखाते थे। [उलूग बेक की धरोहर , प ३३५]

Юқорида келтирилган жумлалардаги “кабоб”, “сомса”, “шўрва”, “палов” каби таом номлари таржимада кабоб-सीक-कबाब(सिक़-काबाब), шўрва-शोरबा (शूर-बा), сомса-समोसा (समूसा), палов-पुलाव (पुलाव) тарзида ифодаланилган. Ушбу сўзлар ҳиндий тилига форс тилидан ўзлашган бўлиб, эгзотизмга айланиб кетган. Экзотизм-бу тилдаги шундай лексемалар-ки, улар бирон бир миллатга, мамлакатга ёки худудгагина тегишли бўлиб уларнинг турмуш ёки ижтимоий ҳаётида ишлатиладиган сўзларга айтилади. “Миллий тушунчаларни ифода этадиган хос сўзларнинг айримлари аслиятга мансуб бўлган тилдан ташқари, яна қатор халқларда ҳам учраши, шунингдек, таржима қилинган тилнинг ҳам таркибий қисми ҳисобланиши мумкин. Бундай сўзлар худуд, турмуш-шароит жиҳатларидан бир бирларига яқин, доимий муносабат ва мулоқотда бўлиб турадиган халқларда кўпроқ учрайди”².

¹ Sudhir Kumar Mathur. Ulug‘bek ki Dhara’hr. Raduga Prakashn. Tashknd. 1983. –B.18 (Keyingii iqtiboslarda ushbu asar quyidagicha keltiriladi. उलूग बेक की धरोहर, प १८).

² Musayev Q. Tarjima nazariyasi asoslari. – Toshkent: Fan, 2005. – B.91. [Musayev K. Fundamentals of the theory of translation. - Tashkent: Subject, 2005]



Баковулнинг қўлидаги оғир баркашда қип-қизил пишган иккита патир, бир товоқ ош ва бир чойнак чой бор эди [У.Х.: 95]. Л.,

खानसामां चांदी की भारी तश्तरी में शोरबे का प्याला, केतली और दो गुलाबी नान लेकर आया था [उलूग बेक की धरोहर ,प १११]

Хонанинг тўридаги хонтахтада кумуш баркашларга солинган кабоб ва патирлар, нозик мунаққаш пиёлаларга қуйилган бода қандай бўлса, шундай турарди [У.Х.: 21].

इस समय कोने में छोटी-सी मेज़ पर तश्तरियां, थाल और नाना प्रकार के व्यंजन: सीक-कबाब, मसाले नान , शराब-सब ज्यों का त्यों रखे हुए थे [उलूग बेक की धरोहर ,प २८]

Қуйидаги икки жумлада “патир” сўзи икки хил тарзда таржима қилинган. Мутаржим биринчи жумлада патир сўзини гулабнана, яъни “кичкина”, “пушти” “енгил нон”, иккинчи жумлада эса мсаленан, яъни “зираворли нон” тарзида таржима қилган. Фикримизча, гулабнана мсаленан ҳам “патир” сўзини ифодалаёлмайди. Чунки “Патир кўпинча ёғ аралаштирилган оширилмаган хамирдан чекиклар тайёрланганидан юқароқ нон”¹. “Патир” ҳам миллий егулик тури ҳисобланиб асосан Ўрта Осиё аҳолиси вакиллари орасида истеъмол қилинади ва бу нон тури бошқа халқларда учрамайди. Шунинг учун “патир” сўзини транслитерация қилиб, матн остида उज़беккۆ کا देशी नान тарзида изоҳ бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Биринчи жумладаги “ош” сўзи таржимада शोरबा, яъни “шўрва” тарзида берилган. Ош сўзига ўзбек тилининг изоҳли луғатида “ёвғон, шўрва, хўрда, иссиқ овқат, таом”² деб изоҳ берилган. Шунинг учун शोरबा “ош” сўзини изоҳлай олган, деб ҳисоблаймиз.

Аравакаш йигит икки коса тўла қатиқли ош ичгандан кейин отларига қараш учун ҳовлига чиқиб кетди.³

नौजवान गाड़ीवान दही पड़े मस्तावा पर टूट पड़ा और उसकी पूरी दो रक्कबियां चट कर गया। उसके बाद वह अहाते घेड़े को संभालने चला गया⁴ [बाबूर,प. १५]

Бу жумладаги “қатиқли ош” сўзи дҳи пड़े мस्ताва -қатиқ солинган мастава тарзида ифодаланилган. Қизиғи шундаки, аслиятда “мастава” сўзи қўлланилмаган. Ҳиндий тилида ҳам мस्ताва(мастава)сўзи мавжуд эмас. Юқоридаги жумлаларда “ош” сўзининг शोरबा тарзида таржима қилинганига гувоҳ бўлдик. Шунинг учун бу ерда ҳам “қатиқли ош” сўзини दही पड़े शोरबा тарзида ифодалаш мумкин эди. Чунки ушбу жумлада мस्ताва сўзи ҳинд китобхони учун тушунарсиз бўлиб

¹ O‘zbek tilining izohli lug‘ati. 5 jildlik 3-jild.– Toshkent: O‘zb.Mil.Ens, 2006. –B.253. [Annotated dictionary of the Uzbek language. 5 volumes. volume 3. – Tashkent: Uzbek Mil.En., 2006]

² O‘zbek tilining izohli lug‘ati. 5 jildlik 4-jild.– Toshkent: O‘zb.Mil.Ens, 2006. –B.17. [Annotated dictionary of the Uzbek language. 5 volumes. volume 4. – Tashkent: Uzbek Mil.En., 2006]

³ Qodirov P. Yulduzli tunlar. – Toshkent: Sharq, 2009. – B.11.(Keyingii iqtiboslarda “Yulduzli tunlar”-romani quyidagi qisqartma bilan keltiriladi.[Y.T.] [Kadyrov P. Starry Nights. - Tashkent: East, 2009.]

⁴ Sudhir Kumar Mathur. Babur. Raduga Prakashn. Maskov. 1988. –B.17 (Keyingi iqtiboslarda ushbu asar quyidagicha keltiriladi. बाबूर,प. १५).



қолган. мастава (мастава) сўзини ҳинд китобхони учун चावल का शोर्बा(гуручли шўрва) тарзида ифодалаш мумкин. Аммо аслиятда “мастава” сўзининг ўзи мавжуд эмас. Мутаржим ушбу сўзни нима асосда танлагани бизга номаълум.

Таҳлил жараёнида егулик номлари қуюқ овқат: кабоб, ош, суюқ овқат: шўрва, қатикли ош, қатикли гўжа, ва нон турлари патир, тўқач каби турларга бўлиб ўрганилди.

Бадий асарнинг миллийлигини белгилайдиган асосий воситалардан яна бири маиший-турмуш тушунчаларини англатадиган сўзлардир. Шулардан кўрпача, хонтахта, дастурхон, обрез, қумғон, сандал каби сўзларнинг таржимада ифодаланиши кўриб ўтамиз.

Кошонанинг иккинчи ошёнидаги олди айвон ҳайҳотдай хонага шамлар ёқилиб кўрпачалар ёзилган, ўртадаги хонтахта мева-чевага тўла эди [У.Х.:127].

उसने दूसरी मंज़िल पर स्थित बरामदेदार कमरा तैयार किया, उसमें मोमबत्तियां जलाई, बिस्तर बिछाया और चौकी पर गोशत के व्यंजन व फलादि सजा दिये। दी [उलूग बेक की धरोहर ,प १५१]

Мулла Фазлиддин савдар билан пастга тушиб, ҳужрага ярашадиган гилам ва зарбоф кўрпачаларни ўзи танлади [Й.Т.:73].

पहले से भेजे गये शाही कारिन्दों के साथ वास्तुकार ने नीचे आकर स्वयं उपयुक्त कालीन व तोशक वगैरह चुने। [बाबूर, प ८३]

Хонада гиламу бир-иккита кўрпача. Ўртадаги хонтахтада совиб қолган кабоб ва мева-чева. Бежирим чинни кўзачада-бода [У.Х.:94].

दीवारों से निकलनेवाली ठण्ड को कालीन कुछ कम कर देते थे। कैदी को, हालाँकि उन्हें इस नाम से नहीं बुलाया जाता था, एक जोड़ी कम्बल की दे गयी थी। खानों की कोई कमी न थी: उधर चौकी पर ठण्डे पड़े सैंक-कबाब, रोटी, फल और चीनी-मिठ्टी के बारीक प्याले में शराब रखे थे। [उलूग बेक की धरोहर ,प १०८]

Юкорида келтирилган учта жумлада “кўрпача” сўзи уч хил тарзда ифодаланилган. Биринчи жумлада биستر-ўрин, иккинчи жумлада тошак-матрас, учинчи жумлада камбл-кўрпа. Фикримизча таржимада учала сўз ҳам “кўрпача” сўзини ифодалай олмаган. “Кўрпача ўтириш учун остга тўшаладиган, узун ғилоф ичига пахта солиб қавиладиган қалин ва юмшоқ тўшак”¹. Агар жумлада кўрпачанинг ётиш учун хизмат қилиши назарда тутилганда эди тошак (тўшак) “кўрпача” сўзига муқобил бўлиши мумкин эди. Ҳидий тилида биҳўна сўзи ҳам мавжуд. биҳўна – “остга ўтириш учун тўшаладиган юпқа тўшак”² маъносини ифодалайди ва кўрпача сўзига муқобил вариант бўла олади.

Мирзо Улуғбек ёқут кўзли олтин узук тақилган ўрта бармоғи билан нақшинкор хонтахтани чертганча яна сукутга толди [У.Х.:12].

¹О‘zbek tilining izohli lug‘ati. 5 jildlik 2-jild.– Toshkent: O‘zb.Mil.Ens, 2006. –B.29. [Annotated dictionary of the Uzbek language. 5 volumes. volume 2. – Tashkent: Uzbek Mil.En., 2006]

²Hindi-russkiy slovar. V dvux tomax, 2-tomВ двух. / A.S Barxudarov, V.M Beskrovniy i dr. Pod red. V.M Beskrovniy. – M.: Sovetskaya ensiklopediya, 1972. – S.250. [Hindi-Russian dictionary. volume 1. / A.S Barxudarov, V.Beskrovniy et al. Pod red. V.M Beskrovniy. - M .: Soviet encyclopedya, 1972.]



उलूग बेक बिना आराम-कुरसी की पीठ का सहारा लिय किंचित झुक्कर बैठे हुए थे। वह खानतख्ते पर सोने की अंगूठी में जड़े हीरे से खटखटा रहे थे। [उलूग बेक की धरोहर ,प १६]

Хонанинг тўридаги хонтахтада кумуш баркашларга солинган кабоб ва патирлар, нозик мунаққаш пиёлаларга қуйилган бода қандай бўлса, шундай турарди [У.Х.: 21].

इस समय कोने में छोटी-सी मेज़ पर तश्तियाँ, थाल और नाना प्रकार के व्यंजन: सैंक-कबाब, मसालू, नान , शराब-सब ज्यों का त्यों रखे हुए थे। [उलूग बेक की धरोहर ,प २८]

“Хонтахта” сўзи “Улуғбек хазиnasi” романининг ўзида бир неча шаклда таржима қилинган. Масалан, “хонтахта” сўзи таржиманинг баъзи ўринларида меж(мез), चौकी(чўки) тарзида ифодаланган бўлса, баъзи жумлаларда хантатхте тарзида транслитерация қилинган. Аммо матн остида “хонтахта” сўзига изоҳ берилмаган. Меж ва चौकी сўзлари хиндий тилида “стол” маъносини англатади. Бироқ бу сўзлар “хонтахта” сўзининг маъносини тўлиқ изоҳлай олмайди. Чунки “стол” деганда турли шаклдаги узун оёқли, калта оёқли мебел турини тушуниш мумкин. Бундан ташқари, стол деганда кўз ўнгимизда уйда, идорада, турли хил ташкилотларда [ёзиш], овқатланиш ва бошқа мақсадларда қўлланиладиган жиҳоз тури назарда тутилади. “Хонтахта эса ўтириб овқатланиш учун хизмат қиладиган, оёқлари калта йўғон столдир”¹. Меж ва चौकी сўзлари бажариш вазифасига кўра “хонтахта” сўзига эквивалент бўлиши мумкин. Аммо миллийлик хусусиятига кўра эквивалент бўла олмайди. Шунинг учун баъзи ўринларда “хонтахта” сўзини таржима қилишда транслитерация усулидан фойдаланиб тўғри қилган, лекин матн остида изоҳ бериб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ойиша бегим азбаройи тортинганидан дастурхоннинг Бобурдан энг узок четида ўтирди[Й.Т.:184].

आयशा बेगम लजाती हुई बाबर से दूर दस्तखान के बिलकुल किनारे पर बैठ गयी। [बाबूर,प १८२]

Мирам Чалабийга айтиб, танчанинг қўрини янгилатиб, кампирга жой солиб берди. Сўнг, учовлон танча атрофида ўтириб, дастурхонни очишди. [У.Х.:188]

उन्होंने मिरम चलाबी को चूल्हा जलाने के लिये कहा था, और मां को आराम से बैठने देने के लिये स्वयं गद्दा बिछाया था। फिर वे दोनों सन्नाल के इर्द-गिर्द बैठ गये और दस्तखान लगा लिया। [उलूग बेक की धरोहर ,प २१६]

Бу икки жумлада берилган “дастурхон” сўзи дастурхан (дастурхон) тарзида ифодаланилган. Бу сўз хинд ва ўзбек тилларига форс тилидан ўзлашган бўлиб, “дастурхон” деган маънони англатади (овқат қўйиладиган мато, унга қўйилган таом). дастурхан дастурхон сўзига эквивалентдир. “Муайян халқ турмуш тушунчаларини англатадиган кўпчилик хос сўзларнинг маънолари

¹ O‘zbek tilining izohli lug‘ati. 5 jildlik 4-jild.– Toshkent: O‘zb.Mil.Ens, 2006. –B.438. [Annotated dictionary of the Uzbek language. 5 volumes. volume 4. – Tashkent: Uzbek Mil.En., 2006]



ва ўтайдиган вазифалари мамлакатларнинг ўзаро маданий, маърифий, иқтисодий, сиёсий алоқалари натижасида қатор халқлар вакилларига, шу жумладан таржима тили соҳибларига ҳам таниш бўлиб қолади-ки, таржимон бундай сўзларга ўз тилларида муқобил лисоний воситалар қидириб юрмасдан, уларни транслитерация йўли билан талқин этаверадилар”¹.

Энди “танча” сўзига эътиборингизни қаратмоқчимиз. Танча таржимада *सन्दल* тарзида транслитерация қилиниб, матн остида қуйидагича изоҳ берилган:

सन्दाल-एक प्रकार की अंगीठी, जिसमें गरम राख डालकर ऊपर से बड़ा कम्बल ढंक दिया जाता है। सर्दियों में लोग इसके चारों ओर कम्बल में अपने पै रखकर बैठे रहते हैं और इस प्रकार उन्हें गर्म रखते हैं।

Сўзма сўз таржима. Сандал шундай иситиш қурилмасики, унга иссиқ чўғ солиб, юқори қисмига катта кўрпа ўраб қўйилади. Қишда одамлар унинг тўрт томонидан кўрпага оёқларини солиб ўтиришади ва шу тариқа исинишади.

Энди “Юлдузли тунлар” романи таржимасида “сандал” сўзининг ифодаланилишига эътибор қаратамиз.

Улар бахмал кўрпа ёпилган иссиқ сандалнинг икки четида ўтириб кечки таомни бирга емоқда эдилар [Й.Т.:127].

वे मखमली रजाई से ढके सन्दल पर बैठे शाम का खाना खा रहे थे। [बाबूर[.प १४६]

Ушбу жумладаги сандал сўзи *सन्दल* шаклида транслитерация қилиниб, матн остида қуйидагича изоҳ келтирилган.

सन्दल एक प्रकार की चौकी जिसे गरम अंगीठी या फर्श में बने जलते कोयलेवाले दड़ढे पर रखकर मोटे रजाई से ढक दिया जाता है। सर्दी में उसके चारों ओर रजाई से पै ढककर लोग बैठते या सोते हैं।

Сўзма сўз таржима: Сандал шундай иситиш қурилмасики, унга иссиқ чўғ солиб, юқори қисмига катта кўрпа ўраб қўйилади. Қишда одамлар унинг тўрт томонидан кўрпага оёқларини солиб ўтиришади ва шу тариқа исинишади.

Маълумки *танча* яъни, *сандал хонанинг чеккароқ ерига қурилган чуқурча, унга қўйиладиган пастак курси ва устига ёпиладиган кўрпа, маҳаллий иситиш қурилмасидир. (қиш совуғида сандал оёқ-қўл иситиши учун хизмат қилади, айни пайтда ундан емак столи сифатида фойдаланилади)*. Иккала романдаги сандал ўзига берилган изоҳлар бир бирига яқин бўлиб, ўринли қўлланилган ва “сандал” сўзини изоҳлай олган.

Шахзода махфий хонага ўтди ва мармар *обрез* ёнига чўнқайиб таҳорат олди, кейин худди жанг-жадал пайтидагидай зарбоф тўнини қибла томонидаги бурчакка ёзиб, саждага бош қўйди [У.Х.:160].

¹ Isoqova Sh. Badiiy tarjima milliylik va tarixiylikning aks ettirilishi. (Oybekning “Navoiy romanining fransuzcha tarjimas imisolida): Filol. fan. nomz. ... diss. – T., 2004.– B.88. [Isokova Sh. Literary translation is a reflection of nationality and historicity. (On the example of the French translation of Oybek's novel "Navoi"): Diss. - T., 2004]



उस कमरे में जाकर शाहजादे ने संगमरमर की फ़र्शवाले आबरेज़ के पास उकड़ बैठकर वजू किया। फिर अपना चोगा उतारा, और जैसा कि युद्ध के आरम्भ होने से पूर्व किया करता था, उसे कोने में बिछाकर मक्का की ओर मुंह करके उस ज़री के जानमाज पर घुटनों के बल बैठ गया। [उलूग बेक की धरोहर, प १७४]

“Обрез-уйнинг пойгаги ёки даҳлизга ювиниш, юз-қўл ювиш учун махсус ясалган усти берк ўра, хандак”¹. Мутаржим таржимада “обрез” сўзини транслитерация қилиб, матн остида қуйидагича изоҳ берган. *आबरेज़-वजू व गुस्ल के लिये गड़वानुमा खास जगह*. Сўзма сўз таржима. Обрез ювиниш ва ғусл қилиш учун ажратилган махсус жой. Изоҳ ўринли ва тўғри келтирилган. “Юлдузли тунлар” таржимасида *обрез сўзининг*- набадан тарзида ўғирилганига ҳам ғувоҳ бўлдик.

Устозлари Темур бобога аталган совға-саломларни қўлтиқлашиб, оға-ини Қалқонбек ва Босқонбек кириб келишар, шундай пайтларда ўчоқда қора қумғон биқирлаб, суҳбат қизир, доруссалтанатдаги барча янгиликлар ўртага ташланар эди [У.Х.: 170].

क्रलक्रान बेक बसक्रान बेक दोनों भाई रूखा-सूखा लेकर मिलने आते, और तब ऐसा लगता मानो आग पर रखे काले कुमान में पानी बहुत जोर से खौल रहा है और उनके साथ ही बातचीत में भी जान आ जाती 1 [उलूग बेक की धरोहर, प १९२]

Қумғон-чой қайнатиш учун кўпинча мисдан ясалган кўзача шаклидаги идиш, катта чой идишидир². Таржимада қумғон сўзи транслитерация қилиб, матн остида қуйидагича изоҳ берилган:

कुमान-चाय का पानी रखने और अलाव में उबालने का काम आनेवाला पात्र।

Сўзма сўз таржима. Чой сув солиниб, оловда қайнатиладиган идиш. Матн остида қумғон сўзига берилган изоҳ тўғри ва аниқ.

“Транслитерация қўлланилиши таржима тилида реалияларга тўғри эквивалентларнинг йўқлиги билан шарҳланади. Бу ҳол, биринчидан, икки халқнинг тараққиёт йўллари ва ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари турлича бўлганлиги, иккинчидан, реалияларнинг кўп ишлатилиши таржима тили уларни ҳазм қила олмаслиги ва ўқувчи учун реалиялар ажиб тушунмовчиликлар келтириши билан тушунилади”³.

Хулоса. Юқорида биз “Юлдузли тунлар” ва “Улуғбек хазинаси” романлари мисолида миллий хос сўзларнинг ҳиндий тилида ифодаланишини таҳлил қилиб ўтдик ва қуйидаги хулосага келдик.

1. Миллий сўзларни таржима қилишда таржимон асосан транслитерация усулидан фойдаланган. Транслитерация халқлар турмуш тарзида мавжуд тушунчаларини акс эттирадиган хос сўзларни таржимада ифодалашнинг энг қулай усулидир.

¹ O‘zbek tilining izohli lug‘ati. 5 jildlik 3-jild.– Toshkent: O‘zb.Mil.Ens, 2006. –B.79. [Annotated dictionary of the Uzbek language. 5 volumes. volume 3. – Tashkent: Uzbek Mil.En., 2006]

² O‘zbek tilining izohli lug‘ati. 5 jildlik 4-jild.– Toshkent: O‘zb.Mil.Ens, 2006. –B.438. [Annotated dictionary of the Uzbek language. 5 volumes. volume 4. – Tashkent: Uzbek Mil.En., 2006]

³ Hamroyev H. Milliy xos so‘zlar-realiyalar va badiiy tarjima. // Tarjima madaniyati. – T., 1982. – B.158. [Khamroev H. Folk words-realities and literary translation. // Translation culture. - T., 1982.]



2.Баъзи ўринларда айрим миллий хос сўзлар транслитерация қилиниб, матн остида изоҳ бериб ўтилмаган. Натижада, ўзбек халқига оид бир қанча хос сўзлар ҳинд китобхони учун тушунарсиз бўлиб қолган.

3.Мутаржим баъзи реалияларга оид сўз ва тушунчаларни таржима тилидаги муқобилини топиб таржима қилишга ҳаракат қилган. Баъзи миллий сўзларни бажарган вазифаси жиҳатидан ўша реалияга яқин сўз ёрдамида таржима қилган.

4.Таржима қилишда таржимон асосан араб ва форс тилларидан ҳиндий тилига ўзлашган сўзлардан фойдаланганлиги маълум бўлди.

5.Таом номларига оид 8 та, маиший турмуш тушунчаларига оид 6 та сўз қиёсий таҳлил қилинди.

6.Таржимон кўп ўринларда айрим сўзларни таржима қилишда инглиз тилидан ўзлашган сўзлардан фойдаланган. Асарда XV-XVI асрларда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар тасвирланган. Ҳиндий тилига эса ушбу сўзлар тахминан XIX асрда инглизлар забт этгандан сўнг ўзлашган. Шу сабабдан тарихий асарлар таржимасида ўша даврга хос бўлмаган сўзларни қўллаш ноўриндир.

7.Таржималарни қиёсий ўрганиш жараёнида шунга амин бўлдики, асарларда акс этган тарихий воқеа – ҳодисалар таржимонга ҳамиша ҳам тушунарли бўлган эмас. Шу каби ҳолларда мутаржим айрим сўзларни изоҳ-сиз ташлаб кетган ёки умуман таржима қилмаган.

ИСОМИДДИНОВА ТУРСУНОЙ

тадқиқотчи, ТДШУ

Соматик фразеологизмларни ўрганилиш масалаларига оид мулоҳазалар

Аннотация. Мазкур мақолада дунё тилишунослик назариясида соматик отлардан таркиб топган фразеологизмлар атрофлича ўрганилган. Хусусан, уларнинг турли хил тилларда келиши ва қўлланилиши усуллари кўрсатилган. Соматик фразеологизмларда ҳар бир миллатнинг ўзига хос менталитети, урф-одатлари, ирим-сиримлари, меҳнаткашлик ва дангасалик, маданияти, дини, инсоннинг характери, яши ва ёмон, рост ва ёлгон, адолат ва зулм, миннатдорлик ва ношукурлик, меҳмондўстлик ва хасислик, манманлик ва камтарлик, таълим ва тарбия, ҳурматлаш ва кўзга илмаслик, донолик ва нодонлик, айёрлик ва ҳиссиёт каби бир қанча тушунчалар акс эттирилган. Улар асосан соматик компонентли сўзлардан ташиқил топганлиги кўриб чиқилди. Замонавий ҳиндий тилида соматик фразеологизмлар ўзаро фарқлари ёки бир хилликни ифодалаш ва улар асосан инсоннинг ҳолати ёки кечинмалари билан ифодаланиши ҳақида сўз боради. Шу билан бирга, соматик фразеологизмлар стилистик жиҳатдан лўнда ва равон бўлишига хизмат қилувчи қўшимчалар ўрганилди. Ҳинд тилишунослигида соматик фразеологизмлар ҳали мукамал ўрганилмаганлиги сабабли 10 дан ортиқ тана аъзолари мисол тариқасида таҳлилга тортилди. Бунда фақат киши тана



аъзолари билан боғлиқ эмас балки инсон ҳаёти, турмуш тарзи ва хулқ-атворини назарда тутди. Соматик фразеологизмлар асрлар оша тилдан-тилга ўтиб халқ ичига синган ва инсонлар характериға мослашиб кетган. Ҳозирги ҳиндий тилида соматик фразеологизмларни тўғри қўллаш ва муқобил вариантларини таржима қилиши ишинг асосий қисмидир.

Мақолада ўндан ортиқ тилишунос олимларнинг фикр ва мулоҳазалари тортилди.

Таянч сўз ва иборалар: Соматик, фразеологизм, маъно, семантик таҳлил, иборалар таснифи, фразеологик бирлик.

Аннотация. В данной статье подробно рассмотрены фразеологизмы, составленные из соматических существительных в теории мирового языкознания. В частности, указываются способы их появления и применения на разных языках. В соматических фразеологизмах у каждого народа свой менталитет, традиции, обычаи, трудолюбие и лень, культура, религия, характер человека, добро и зло, правда и ложь, справедливость и тирания, благодарность и неблагодарность, гостеприимство и жадность, воздержание и смирение, образование и воспитание, уважение и презрение, которые отражают несколько концепций, таких как мудрость и невежество, хитрость и чувство. Считалось, что они состоят в основном из слов соматического компонента. В современном языке хинди говорят о том, что соматические фразеологизмы выражают различия или однотипность между собой и выражаются они в основном состоянием или переживаниями человека. При этом изучались суффиксы, служащие для того, чтобы соматические фразеологизмы были стилистически лаконичными и беглыми.

В связи с тем, что соматические фразеологизмы в индийской лингвистике еще не до конца изучены, в качестве примера к анализу было привлечено более 10 органов тела. При этом человек относится не только к органам тела, но и к жизни, образу жизни и поведению человека. Соматические фразеологизмы веками передавались из языка в язык, изменялись в народе и приспосабливались к характеру людей. Основной частью работы являются правильное употребление соматических фразеологизмов в современном хинди и перевод их альтернативных вариантов.

В статье были собраны мнения и мнения более десятка ученых-лингвистов.

Опорные слова и выражения: Соматика, фразеологизм, значение, семантический анализ, классификация словосочетаний, фразеологизм.

Abstract. In this article, phraseologisms consisting of somatic nouns in the world linguistics theory are studied in detail. In particular, the methods of their arrival and application in different languages are indicated. In somatic phraseologisms, a number of concepts such as the specific mentality of each nation, customs, superstitions, diligence and laziness, culture, religion, character of man, good and evil, truth and falsehood, justice and injustice, gratitude and cruelty, hospitality and prejudice, selfishness and humility, education and upbringing, respect and inconspicuity, wisdom and ignorance, cunning and emotion are reflected. It was considered that they consist mainly of words with a somatic component. In the modern Indian language, somatic phraseologisms refer to the expression of mutual differences or uniformity, and they are expressed mainly by the state or affinity of a person. At the same time, somatic phraseologisms have been studied with additions that serve to be stylistically laconic and fluent.

Since somatic phraseologisms in Indian linguistics have not yet been studied perfectly, more than 10 body members were drawn to the analysis as an example. It has been referred



not only to a person's body organs, but also to a person's life, lifestyle and behavior. Somatic phraseologisms have been broken down into people over the centuries, passing from language to language, and adapted to the character of people. The correct application of somatic phraseologisms and translation of alternative variants in the current Indian language is the main part of the work.

More than a dozen linguists were drawn to the article.

Keywords and expressions: somatic, phraseologism, meaning, semantic analysis, classification of expressions, phraseological unit.

Тилшунослик назариясида соматик фразеологизмларнинг ўрганилишига доир назарий қараешлар. Ҳозирда дунё тилшунос олимлари соматик фразеологизмларнинг турли хил хусусиятларини илмий асослаб, илм аҳлига тилнинг янада серқирра томонларини кўрсатиб бермоқдалар. Бунинг учун бир нечта қардош ва қардош бўлмаган тиллардаги соматик фразеологизмларнинг ўрганилганлик даражасини таҳлил қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Қардош тиллардаги соматик фразеологизмларнинг таҳлили ҳақидаги илмий ишларга А. В. Егоров, Л. Чилкова, Т. А. Смирнова, Н. Якимова, Н. Раҳмоноваларнинг тадқиқот ишларини кўрсатиш мумкин. Ушбу илмий ишлар турли хил ёндашувларда ўрганилган бўлиб, улар тузилиши ва маъно, типологик, лингвوماданий йўналишларни ўз ичига олади.

Иккинчи гуруҳга қардош бўлмаган тиллардаги соматик фразеологизмлар ҳақидаги мавжуд илмий ишлар кўриб чиқилди, бу тадқиқот ишлари тузилиш-маъно, типологик, лингвوماданий йўналишларни ўз ичига олади. Ушбу ёндашувлар Л.Н. Бердиева, С.М. Шин, Э.Н. Эмирусейнова, Ч. Гуантзе, С.Л. Савиловаларнинг тадқиқот ишларида ўз исботини топган. Жумладан, Л.Н. Бердиева рус, татар ва инглиз тилларидаги “тил” билан боғлиқ соматик фразеологизмларни “дивергенсия” ва “конвергенсия”га ажратган. Тузилиш жиҳатдан феъл, сифат, равиш сўз туркумларига оидларини таснифлаштирган¹.

А. Маматов изланишларидан А.Исаевнинг фикрини иқтибос келтиради: “А. Исаевнинг фикрича ўзбек тилида “кўз”, “оғиз”, “қўл”, “юррак” компонентлари энг маҳсулдор ҳисобланади. Ўзбек тилидаги фразеологизмларнинг кўпчилик қисмини соматик фразеологизмлар ташкил этади.”²

Б. Йўлдошев ҳам ушбу олимнинг назариясини ўрганиб чиқиб ўз мулоҳазаларини келтиради. А. Исаевнинг “Ўзбек тилида соматик фразеологизмлар” номли номзодлик диссертацияси (Тошкент, 1976) кишининг тана аъзолари номи (соматизм) билан боғлиқ ибораларни диахрон ва синхрон аспектларда ўрганишга бағишланганлиги билан диққатга сазовордир. Ишда соматик фразеологизмларнинг энг қадимий, умумтуркий қатламини аниқлашга ҳаракат қилинган. Олимнинг таъкидлашича, “Қадимий туркий луғат” (Л.1969) ва “Девону луғатит турк” асарида 2330 дан ортиқ умумтуркий иборалар

¹ Хожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. –Т.: Уқитувчи, 2002. – Б. 3-6.

² Абдуғафур Маматов, Барно Болтаева Фразеологик бирликларнинг лингвوماданий ва семантик-прагматик тадқиқи. – Т., 2018. – Б. 112.



мавжуд, шундан 249 тасида лекцик соматизм иштирок этган. Бу соматик иборалардан 54 таси эса ҳозирги туркий тилларда, жумладан ўзбек тили фразеологик системасида сақланиб қолган. 132 қадимий, умумтуркий соматик ибора ҳозирги туркий тилларда структурал ва семантик жиҳатдан у ёки бу даражада ўзгаришларга учраган, 63 соматик ибора ҳозирги туркий тилларда умуман қўлланилмайди.¹

А. Исаевнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳозирги ўзбек тилидаги 98 та лекцик соматизмдан фақат 87 таси ибора ҳосил қилиш имкониятига эга. “Болдир”, “бўкса”, “думғаза”, “жун”, “ошиқ”, “сон”, “умуртқа”, “қизил ўнгач”, “қўймич”, “қаншар” сингари соматик сўзлар иборалар таркибида учрамайди.²

Юқорида фикрларни кўриб чиққан Б. Йўлдошев ушбу назарияга ўзининг изланишлари маҳсулидан келиб чиққан хулосасини киритади: “Бизнингча, ибора ҳосил қилувчи лексик соматизмлар рўйхати янада тўлдирилишини талаб қилади. Масалан, А. Исаев тадқиқотида мавжуд рўйхатдан “илик” соматизми тушиб қолган. Бу сўз “суяк ичидаги ёғсимон модда” маъносини билдиради, “илиги тўқ”, “илиги қуримоқ”, “илиги пуччаймоқ”, “илигини ўйнатмоқ” каби иборалар худди ана шу лекцик соматизмлардан ҳосил бўлган. Шунингдек, А. Исаевнинг ишида “қора кўзлар”, “жоду кўзлар” цингари бирикмалар ҳам иборалар таркибига киритилганки, буни маъқуллаш қийин.” дея ўзининг танқидий фикрини билдиради. Иккала олимнинг қарашларини таҳлил қилган ҳолда айтиш мумкинки, Б. Йўлдошевнинг фикрига қўшилиш мумкин, агар “илик” сўзи соматизмга кирган бўлса. Ш. Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг этимологик луғати” да “Илик – “суяк ичидаги ёғсимон модда” Иликка пиширилган паловнинг мазаси тамоман бошқача бўлади. Бу от асли қадимги туркий тилда “қимирла” – “жил” – маъносини англатган йил – феълидан - (и)к қўшимчаси билан ясалган бўлса керак (Девон, 1, 102); кейинчалик сўз бошланишидаги Й ундоши талаффуз қилинмай қўйган (Девон, 1, 102): йил+ик=илик”³ деган хулосага тўхтаган. Лекин А. Мадвалиев таҳрири остида чоп этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да эса “Болдир суяги, оёқнинг тиззадан тўпикқача бўлган қисми. Яна бу оёқ ё илигидан, ё тиззасидан қирқилган бўлса ҳам майли эди. С. Зуннунова, Кўк чироқлар.”⁴ Бу олимнинг назарияси бўйича эса илик оёқнинг ичидаги мойсимон модда дейилган. Оёқ эса соматик отдир.

М.И. Исаев осетин тилидаги фразеологизмларни ўрганиб, шуни таъкидлайдики, тўғри (эркин) ва кўчма маънода келадиган фразеологизмлар кўп қисми бир нечта таянч сўзлар билан ишлатилади: “юррак”, “бош”, “қўл”, “қўз”, “жон”, “қон” ва бошқалар.⁵ Бундай хулоса шундай тил ҳодисасини

¹ Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик birlikларнинг функционал услубий хусусиятлари., . – Т., 1993. – Б. 15.

² Ўша асар. – Б. 16.

³ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Т., 1966. – Б. 112.

⁴ Мадлиев А. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т., 1988. – Б. 15.

⁵ Исаев М. И. Очерки по фразеологии осетинского языка Орджоникидзе. – М., 1964. – С. 75.



исботики, деярли барча тилларда соматик сўзларнинг бир гуруҳи фразеологизмлар тузишда фаол қатнашади. Масалан, инглиз тилида – ҳеад 1) бош; 2) бошлиқ; “Head of the school¹ – мактаб директори”, 3) қобилият; 4) ақл; “He has a good head for mathematics – унинг математикага яхши қобилияти бор”. Немис тилида “Seinem Herzen Zuft Machen”² [Зайнем ҳертсен зуфт махн] – юрагидаги алам дардларини тўкиб солмоқ.

А.Ғаниев ҳам М.И. Исаевнинг фикрига қўшилган ҳолда таъкидлайдики, соматик сўзларнинг фразеологизмларда ишлатилиши барча шарқий-эрон тилларда, хусусан, пуштуда кенг қўлланилади ва бу ҳодиса шуни билдирадики, қадимги замонда аждодларимизнинг фикрлашлари, ўйлашлари ва фикрларининг умумийлигини билдиради.³

1998 йилда Ш.Усмонова “Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар” мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қилди. Бу иш икки бобдан иборат бўлиб, иш охирига ўзбекча-туркча муқобил соматик фразеологизмлар луғати илова қилинган.⁴

Ишнинг дастлабки бобида ўзбек ва турк тилларида бирикмага тенг соматик фразеологизмлар (бош оғриғи, кўз билан қош орасида, кўзини олиб қочмоқ, бош ирғитмоқ, қўл остида кабилар) функционал-семантик жиҳатдан таҳлил қилинган. Унинг иккинчи бобида эса ўзбек ва турк тилларида гапга тенг соматик фразеологизмлар (бошимиз осмонга етди, бош омон бўлса дўппи топилади кабилар) семантик ва грамматик жиҳатдан ёритилган⁵. Кўриниб турибдики, келтирилган соматик фразеологизмларнинг кўпчилиги феълли фразеологизмлардир.

Абдуғафур Маматов ўзбек фразеологияси учун энг долзарб муаммолардан фразеологик шаклланиш масалаларини тадқиқ этиш билан шуғулланиши шу мавзуга оид “Кўл” соматизми асосида шаклланган фраземалар ва уларнинг луғатларда ифодаланиши” (1997) мавзусида докторлик ишини ҳимоя қилди. Бу эса ўзбек фразеологиясининг илмий доирасини янада кенгайтиришга хизмат қилади.⁶

Британия ва АҚШ компаниялари рекламаларида қўлланишидаги маданий жиҳатдан ўзига хосликларни таҳлил қилган Э.Н.Танаси ўзининг мақола-сида “қўл” ва “оёқ” иштирок этган ибораларнинг реклама матнлари “қўл” ва “оёқ” соматизмлари қатнашган ибораларда янги ўзига хосликларни кашф қилади [Танаси, 2014].⁷

¹ English-russian dictionary. М. Русский язык 1981. 343 p.

² Умархужаев М.И., Назаров К.Н. Немисча-русча-ўзбекча фразеологик луғат. – Т., 1994. – Б. 62.

³ Ганиев А.Г. Очерки по глагольной фразеологии литературного пушту. – Т.: фан. 1985. – С. 37.

⁴ Усмонова Ш.Р. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар. НДА. – Т., 1998. – Б. 20.

⁵ Ўша асар. – Б. 8-12.

⁶ Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. ДДА. – Т. 2000. – Б. 50.

⁷ Шабанова С. Соматизмлар иштирок этган ибораларнинг замонавий тилшуносликда ўрганиш масалалари. XXI аср: фан ва таълим масалалари. Илмий электрон журнали. №4, 2018. – Б. 41.



Л.Манерконинг ўз мақоласида “идрок” ва “тана” орасидаги алоқанинг инглиз ибораларида ўз аксини топиш масаласи кўриб чиқилган. Экстралингвистик таъсир натижасида пайдо бўладиган ибораларда соматизмлар иштирокининг ўзига хосликлари ва бунинг сабаблари ишнинг асосий қисмини ташкил этади [Манерко, 2014].¹

Хитой олими Чжен Гуансзе ўз диссертациясида рус тилида соматик ибораларни хитой маданияти вакили кўзи билан таҳлил қилиш масаласига бағишлаган “қўл” ва “оёқ” лексемалари иштирок этган ибораларга алоҳида тўхталади [Чжэн Гуансзе, 2013].²

Турк тилларининг соматик фразеологиясини ўрганган олимлар ибора яшашда “бош” сўзини энг фаол сома, деб кўрсатишади. Масалан, Т.Акташ ўзининг диссертация ишида иборалар ва уларнинг майдонлари ҳақида маълумот берар экан С.Некий Исенбетнинг “Татар Теленен Фразеологик Сузлеге” номли асарида “бош” ва бош”га тегишли 18 та орган номлари билан ифодаланган 2468 та ибораларни аниқлаган. Бу иборалар лотин алифбоси асосида жадвалга солинган.³

Биринчи устунда татар тилидаги иборалар лотин ҳарфлари билан транскрипция қилинган.

Иккинчи устунда бу иборалар туркчасида изоҳли ҳолда келтирилган. Учинчи бўлимда эса татар тилидан турк тилига таржима қилинган иборалар жой олган. [Акташ, 2013].⁴

Туркий тилларда ибора таркибидаги соматик сўзларнинг ўхшашлиги, бу халқларнинг қадимдан бир-бирига яқинлиги, амалий мулоқотнинг интенсивлигидан дарак беради. Ҳамма туркий тилларида ибора таркибидаги “кўз”, “бош”, “юррак” каби соматик сўзларнинг фаоллиги кузатилади.

Абдуғафур Маматов ва Барно Болтаеваларнинг илмий изланишларига қараганда туркий тиллардаги айрим ибораларнинг бир компоненти алмаш қўлланиши, ўзгариши мумкин. Масалан, ўзбек тилидаги “*кўзга ташланмоқ*” фразеологизми татар тилида “*кузга ташлан*”, қозоқ тилида “*козге тус*”, қирғиз тилида “*козго корун*” каби ифодаланади. Бунда феъл компонентнинг алмаш қўлланилганлиги кузатилади.

Барча туркий тилларнинг форс тили билан амалий мулоқоти асосида айрим форс сўзларининг фразеологизмлар таркибида фаол қўлланишини таъкидлаш керак. Барча туркий тилларида “*йурек*” ҳозирги “*юррак*”, форсча “*дил*” соматизми билан параллел қўлланилади. Масалан, “*дили сиёҳ*” ёки “*юраги сиёҳ*”.

¹ Ўша мақола., ўша бет.

² Ўша мақола., ўша бет.

³ Ўша мақола., ўша бет.

⁴ Шабанова Садаф Джумалиевна ТошДШИ магистранти. Соматизмлар иштирок этган ибораларнинг замонавий тилшуносликда ўрганиш масалалари. XXI аср: фан ва таълим масалалари. Илмий электрон журнали. №4, 2018. – Б. 42.



Туркий тилларини тарихий, тарихий-қийёсий илмий таҳлил этишда шу тилларнинг қадимги ёзма ёдгорликларидан то ҳозирги давргача тараққиёт жараёнини, турғун бирикмаларнинг тузилиш табиатини ва уларнинг шу вақтгача семантик ва структурал ўзгариш ҳолатини ҳисобга олиш зарур.¹

Юқоридаги олимлар соматик фразеологизмларни ўрганишга бўлган ўз ҳиссаларини сезиларли даражада ўз изланишларида акс эттирганлар.

Сўз исботи билан қуйида соматик компонентли фразеологик бирликлар келтирилди.

Соматик фразеологизмлар. Бунда фразеологизмнинг том маъноли компоненти инсон тана аъзоларидан бирининг номини ифодалайди. А.Исаевнинг фикрича ўзбек тилида “кўз”, “оғиз”, “қўл”, “юрак” компонентлари энг маҳсулдор ҳисобланади. Тадқиқот ишимизда ҳам биз ҳиндий тилида йиғган мисоллар ичида энг маҳсулдорлари, булар: **आँख (аанкх) – кўз**, **काँन (каан) – қулоқ**, **कलेजा (калежа) – жигар**, **юрак**, **गर्दन (гардан) – томоқ**, **छती (чхати) – кўкрак**, **दाँत (даант) – тиш**, **नाक (наак) – бурун**; Тадқиқот жараёнида биз ана шу компонентли сўзларни қанчалик ҳиндий тилида маҳсулдорлиги аниқлашимиз учун В.М. Бескровныйнинг “Хинди-русский словарь” номли 2 томли луғатининг фақатгина биринчи томида келтирилган деярли барча соматик сўзларни таҳлилга тортдик. Ва уларни ҳиндий тилида қанчалик қўлланилишига масаласини ўргандик.

Ўзбек тилидаги фразеологизмларнинг кўпчилики қисмини соматик фразеологизмлар ташкил этади. Мисоллар келтирамиз: “*афти совуқ*”, “*бағри тош*”, “*бағри қон*”, “*юраги қон*”, “*боши ғовламоқ*”, “*боши шилайди*”, “*бошида ёнғоқ чақмоқ*”, “*бош тортмоқ*”, “*бош-қош бўлмоқ*”, “*бош эгмоқ*”, “*бош қашигани қўл тегмайди*”, “*боши оққан томонга*”, “*бир ёқадан бош чиқармоқ*”, “*кўзи тушмоқ*”, “*кўзини бўяммоқ*”, “*кўз тегмоқ*”, “*кўзи очиқ*”, “*кўз тикмоқ*”, “*белига тепмоқ*”, “*белига солмоқ*”, “*юзига солмоқ*”, “*бети очилиб кетди*”, “*бети чидайди*”, “*бети чидамайди*”, “*бети шувут бўлди*”, “*беш бармогини оғзига тикмоқ*”, “*икки қўлини оғзига тикмоқ*”, “*беш қўлини оғзига тикмоқ*”, “*бир бошини иккита қилмоқ*”, “*бир жон бир тан бўлмоқ*”, “*бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда*”, “*бир қулогидан кириб, иккинчи қулогидан чиқиб кетмоқ*”, “*қўлдан бермоқ*”, “*бошига урадимми?*”, “*бошига қилич келганда ҳам*”, “*қўл урмоқ*”, “*кўзи очилмоқ*”, “*оғзи катта*”, “*бўйнига олмоқ*”, “*кўзи тинди*”, “*юраги шув этиб кетди*”, “*юрагини олдириб қўймоқ*”, “*оғзи очилиб қолмоқ*”, “*ичаги узилди*”, “*қўли узун*”, “*оғизга тушмоқ*”, “*оғзига урмоқ*”, “*оғзига сўқ солмоқ*”, “*оғзидан бол томади*”, “*тепа сочи тикка бўлди*”, “*терисига сизмайди*”, “*терисига сомон тикмоқ*”, “*тилга кирмоқ*”, “*тилга олмоқ*”, “*тили бир қарич*”, “*тилини тишламоқ*”, “*тилини узун қилмоқ*”, “*тилини қисик қилмоқ*”, “*тилини қичитмоқ*”, “*тил теккизмоқ*”, “*тирноқ орасидан кир изламоқ*”, “*тишини тишига босмоқ*”, “*тиши ўтмайди*”, “*тўрт оғиз*”, “*эти суюзига*”

¹ Маматов А., Болтаева Б. Фразеологик бирликларнинг лингвомаданий ва семантик-прагматик тадқиқи. – Т. 2018. – Б. 17.



ётишиган”, “эт-этидан ўтиб кетмоқ”, “эшигига бош қўймоқ”, “юзига оёқ тирамоқ”, “юзига оёқ қўймоқ”, “юзидан ўта олмаслик”, “юзи ёруғ”, “юз ўгирмоқ”, “юраги ачиди”, “юраги бетламади”, “юраги ёрилди”, “юрагини ёзмоқ”, “юрагини сиқмоқ”, “юрагини қон қилмоқ”, “юраги орқасига уриб кетди”, “юраги соф”, “юраги қора”, “ўтакаси ёрилди”, “қаттиқ қўл”, “қулоқ бермоқ”, “қулоқ солмоқ”, “қулогига етмоқ”, “қўйнига қўл солмоқ”, “қўл бермоқ”, “қўлга олмоқ”, “қўлга тушмоқ”, “қўлдан кетмоқ”, “қўли баланд келди”, “қўли калта бўлмоқ”, “қўлини ювиб, қўлтиққа урмоқ”, “қўли очиқ” ва бошқалар.¹ Ушбу мисолларни Абдуғафур Маматов, Барно Болтаеваларнинг қилган тадқиқот ишларидан намуна сифатида келтирилди.

Иборанинг маъноси таркибидаги лексемаларга хос маъноларнинг оддий йиғиндиси бўлмаслиги, шулар устига қурилган янги бир маъно бўлиши сабабли, ибораларда ифода плани билан мазмун режаси орасидаги боғланиш шартлилик кашф этади. Бу ерда биттадан ортиқ сўз яхлитлигича маълум бир образ асосида, кўчириш йўли билан семантик тараққиётни бошдан кечиради. Маълум бир образ асосида юзага келган ана шундай устама кўчма маънога фразеологик маъно дейилади. Масалан, *тил тегизмоқ* ибораси “*шаънига номуносиб, ноҳақ гап айтмоқ*” маъносини англатади. Бу маъно тўғридан тўғри ибора таркибидаги лексемаларнинг маъносидан келиб чиқмайди. Масалан, *батареяга тил тегизсам, ҳеч токи йўқ* экан гапида эркин бирикма ишлатилган. Бундай ишлатишда тил ва тегизмоқ сўзлари маъно мустақиллигини сақлаб боғланади, маънода яхлитланиш юз бермайди. *Кечаги мажлисда менга ҳам тил тегизибди* гапи таркибида юқоридаги эркин бирикма эмас, балки ибора қатнашмоқда. Бу ерда тил ва тегизмоқ сўзларидан эмас, балки тил тегизмоқ иборасидан фойдаланилган. Энди тил ва тегизмоқ сўзларига хос маъноларнинг оддий йиғиндиси ҳақида эмас, балки устама кўчма маъно ҳақида гапириш лозим. Бундай маъно образга суяниб юзага келади: тегизиш ҳаракатидан келиб чиқсак, тил деганда физиологик органни тушуниш керак, аммо бу ўринда тил сўзининг бошқа маъноси (нутқ) қатнашади, тегизмоқ феълининг маъноси шу “нутқ” маъносини “гап, сўз” маъноси даражасига конкретлаштиради (тегизиш ҳаракати узоқ давом этмайди). Айни вақтда бирор сўз, гапни беғараз айтиш эмас, “тегизиб” айтиш кўзда тутилади, шундан айтиладиган сўз-гапнинг “номақбул” бўлиши келиб чиқади. Юқоридагича образли тасаввурлар оқибати сифатида айрим сўзларнинг маъноси иккинчи планга ўтиб, бирикмадан яхлитлигича янги бир маъно англашилади. Ана шундай маъно фразеологик маъно бўлади².

1. Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мақолада ҳинд тилшунослигида фразеологик бирликларни ўрганишга бағишланган ишларга мурожаат этар эканмиз, бу борада кўплаб изланишларнинг борлигига гувоҳ бўламиз. Умуман ибораларни ўрганиш хусусида турли қарашлар мавжудлиги кузатилди.

¹ Маматов А., Болтаева Б. Фразеологик бирликларнинг лингвомаданий ва семантик-прагматик тадқиқи. – Т. 2018. – Б. 23.

² Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик изоҳли луғати – Т., Ўқитувчи, 1978. – Б. 3-4.



Баъзи ўзбек олимларининг фикрига кўра ўзбек тилида “кўз”, “оғиз”, “кўл”, “юррак” компонентлари энг маҳсулдор ҳисобланади Фразеологик бирликларнинг аксариятини соматик фразеологизмлар ташкил этади ва шу ўринда кўпгина олимлар ушбу таснифни турлича ўрганиб кўпгина хулосаларга келишган. Таҳлиллар натижасида ҳиндий тилида “кўз” сўзи билан келадиган соматик фразеологизмлар кўплиги аниқланди.

МУХАМЕДЖАНОВА ШАХНОЗА

ўқитувчи, ТДШУ

Интернет-коммуникацияларда неологизмларнинг ифодаланиши

Аннотация. Мақола хитой тилида Интернет-коммуникацияларда кенг қўлланиладиган неологизмларни ўрганишга бағишланган. Ўрганилаётган мавзу бўйича янги материални умумлаштириб, хитой интернет-дискурсини ўрганиш жараёнида танлаб олинган лексик бирликлари ўрганилди. Мақолада хитой тилидаги интернет неологизмларининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар кўриб чиқилиб, уларнинг бир қатор лексик-семантик гуруҳлари аниқланди. Тил маконининг глобаллашуви шароитида интернет-муҳити таъсирида хитой тилининг сўз ясаши тизимидаги ўзгаришларнинг муқаррарлиги ҳақида хулоса қилинади.

Таянч сўз ва иборалар: хитой тили, неологизмлар, интернет-коммуникация (мулоқот), интернет тили, аббревиатура.

Аннотация. Статья посвящена изучению неологизмов, широко используемых в китайской Интернет-коммуникации. Обобщая новый материал по изучаемой теме, были изучены лексические единицы, выбранные в процессе изучения китайского интернет-дискурса. В статье исследуются факторы, влияющие на формирование интернет-неологизмов в китайском языке, и выделяется ряд лексико-семантических групп. В условиях глобализации языкового пространства делается вывод о неизбежности изменения словообразовательной системы китайского языка под влиянием интернет-среды.

Опорные слова и выражения: китайский; неологизмы; Интернет-коммуникация; Интернет-язык; сокращение.

Abstract. The article is devoted to the study of neologisms widely used in Internet communication in Chinese. Summarizing the new material on the subject under study, the lexical units selected in the process of studying Chinese internet discourse were studied. The article examines the factors influencing the formation of Internet neologisms in Chinese and identifies a number of lexical-semantic groups. In the context of the globalization of the language space, it is concluded that changes in the word-formation system of the Chinese language under the influence of the Internet environment are inevitable.

Keywords and expressions: Chinese, neologisms, Internet communication, internet language, abbreviation.

Қириш. Ҳозирги пайтда инженерлик лингвистикаси, ҳисоблаш лингвистикаси, математик лингвистика ва “электрон - таржимон”, компьютер линг-



вистикаси юзасидан бир қатор янги муаммолар ўртага ташланмоқда. Дарҳақиқат, замонавий компьютер жуда улкан имкониятларга эгаки, унинг учун шахмат ўйнашдан тортиб, тиббий ташхис қўйиш, корхоналарни бошқариш, қадимги халқларнинг сирли хатларини “ўқиб”, мазмунини сўзлаб бериш, шеър ёзиш, куйлар ижро этиш, катта ҳажмдаги китобларга аннотациялар ёзиш, лойиҳалар тархини чизиш каби юзлаб меҳнат фаолияти турларининг барчасида, албатта, замонавий компьютер технологиялари ҳам ишчи кучи, ҳам вақт жиҳатидан жуда яқин ёрдамчи саналади. Бунда одам + машина + одам ҳамда одам + матн + машина + одам тизимлари асосида улкан ҳажмдаги операция (иш)лар бажарилади.

Бундай илмий тадқиқотлар сирасига мураккаблиги, долзарблиги билан характерланувчи компьютер лингвистикаси фани ҳам киради. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз олий ўқув юр்தларининг филология факултетларида ўтиладиган “Компютер лингвистикаси” фанидир.¹ XX асрнинг 70-йиллар охирида Хитойда “ислоҳот ва очиқлик сиёсати” амалга оширилиши, хитой тилида ижтимоий-иқтисодий соҳада кўплаб янги тушунчалар ва ҳодисаларнинг пайдо бўлиши билан катта ўзгаришлар бошланди ва, айниқса, кейинги ўн йилликлар давомида кучайди. Бу ўзгаришлар, энг аввало, неологизмлар (хитой тилшунослигида 新词语 xīncíyǔ)нинг олдинги даврларга нисбатан кескин кўпайганлигида намоён бўлди. Масалан, биргина ўн йил ичида (1993 йилдан 2003 йилгача) Хитойда неологизмларнинг 15та луғати нашр этилди, олимларнинг фикрига кўра, хитой тилида йилига пайдо бўлган янги сўзларнинг сони мингдан ошган эди. А. А. Галцеева таъкидлаганидек, “янги тушунчаларни ҳосил қилиш ва уларнинг барқарорлашиши учун ҳар қандай тил янги лексик бирликлар яратишга мажбур бўлади. Кўпинча уларнинг вужудга келиши воқеликни бошқача идрок этиш, пайдо бўлган воқеликни белгилаш зарурати натижасидир”².

Хитой тилидаги Интернет-коммуникацияда интра ва экстралингвистик омиллар таъсирида, хусусан, компьютерлаштириш ва глобаллашув каби ўзгаришларни акс эттирувчи неологизмларни ўрганиш ушбу тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди. Янги лексик ҳосилаларнинг узлуксиз пайдо бўлиш жараёни назарий жиҳатдан тушуниш, неологик материални тизимлаштириш, янги бирликлар шаклланишининг асосий қонуниятларини аниқлаш, ҳосил бўлишнинг маҳсулдор усуллари тизимлаштириш, неологизмларнинг шаклланиши жараёнида, шу жумладан, Интернет-дискурсида ҳам туб лингвистик ва ижтимоий-маданий омилларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш каби масалаларнинг ечими Хитойдаги замонавий тил маконининг умумий манзарасини тўлиқроқ акс эттиришга имкон яратади.

¹ [elziyo.uz: KOMPYUTER LINGVISTIKASI \(elziyouz.blogspot.com\)](http://elziyo.uz:KOMPYUTER_LINGVISTIKASI(elziyouz.blogspot.com))

² Гальцева А. А. Неологизмы XXI века [Электронный ресурс]. URL: <https://cyberleninka.ru/article/v/neologizmy-xxiveka>



Мазкур мақоланинг мақсади Интернет-коммуникацияларда хитой неологизмларининг фаоллик хусусиятларини аниқлаш ҳамда Хитой интернет неологизмларининг сўз ясаиш имкониятларини очиб беришдан иборат.

Хитой тилидаги *неологизм* тушунчаси хитой тилида илгари мавжуд бўлмаган мутлако янги сўзларни, шу жумладан бошқа тиллардан (асосан инглиз тилидан) олинган сўзларни ўз ичига олади ва тилшунослигида улар одатда *лексик неологизмлар* деб аталади. Бундан ташқари, хитой тилида илгари мавжуд бўлган, аммо вақт ўтиши билан янги маънога эга бўлган сўзларнинг катта гуруҳи мавжуд бўлиб, улар *семантик неологизмлар* номи билан юритилади. А. А. Хаматова уларни “*неосемантизм*”лар деб атайди¹.

Пайдо бўлиш жойига кўра хитой тадқиқотчилари Го Хунцзе ва Чжоу Цинцин неологизмларнинг куйидаги гуруҳларини ажратадилар: Хитой қитъасида пайдо бўлган, Гонконг, Макао ва Тайвандан кириб келган, энг кенг тарқалган шевалар (пекин сўзлашуви, кантон шеваси ва У шеваси)дан замонавий хитой тилига ўзлаштирилган сўзлар; Интернет-муҳитда пайдо бўлган ва фаол муомалада айланаётган сўзлар².

Ушбу маълумотлар Хитойда Интернет-майдони турли хил алоқа мақсадларига эришиш учун энг динамик ривожланаётган муҳитга айланганлигини кўрсатади. Бутун дунёда бўлгани каби, Хитойда ҳам “бугунги кунда Интернет электрон хабарларни узатиш воситасидан одамлар ва ғояларга тўла учрашув жойига айланди, “масофа” тушунчаси мавжуд бўлмаган кибермаконга, мулоқот, ахборот ва кўнгилочар дунёга айланди³. Е. Н. Галичкина хитой Интернетни ҳақиқатларини акс эттирувчи компьютер алоқасининг куйидаги хусусиятларини ажратади: 1) электрон муҳит мулоқот канали сифатида хизмат қилиши; 2) виртуаллик, яъни аниқланмаган жамоа билан, кўпинча номаълум суҳбатдошлар билан амалга ошириладиган алоқа; 3) масофавийлик, яъни макон ва вақтдаги узоклашиш ва бир вақтнинг ўзида синхронлик; 4) билвоситалик (мулоқот техник воситалар ёрдамида амалга оширилганлиги сабабли); 5) очикликнинг юқори даражаси, чунки ҳар қандай шахс компьютер алоқасининг иштирокчиси бўлиши мумкин; 6) гиперматнинг мавжудлиги; 7) устунлик бўйича тармоқдаги иштирокчиларнинг мақом тенглиги; 8) ҳис-туйғулар, юз ифодаларини график тасвирлар, “смайликлар” ёрдамида узатиш; 9) жаргон, қисқартмалар, ўзлашти-

¹ Хаматова А. А. Тенденции развития лексики китайского языка в начале XXI в. // Вестник Иркутского государственного лингвистического университета. 2012. № 4. – С.10.

² 郭鸿杰, 周芹芹. 现代汉语新词语的构词特点 (Го Хунцзе, Чжоу Цинцин. Особенности словообразования неологизмов в современном китайском языке) [Электронный ресурс] // 解放军外国语学院学报. Journal of PLA University of Foreign Languages. 2003. Vol. 26. № 4. July (Вестник Института иностранных языков НОАК. 2003. Т. 26. № 4. Июль). URL:

<https://wenku.baidu.com/view/afbf37f9c9d376eeaeaad1f34693daef5ef713de.html?from=search>

³ Акопов Г. Л. Глобальные проблемы и опасности сетевой политики [Электронный ресурс]. URL: <http://problem.politnet.ru/oglavlen.html>



рилган сўзлардан фойдаланишга имкон берувчи алоқанинг ўзига хос компьютер одоб-ахлоқ қоидалари¹.

Ахборот технологиялари асрида вужудга келган Интернет тили ҳодисаси, унинг лингвистик ва лингво-маданий хусусиятлари катта илмий қизиқиш уйғотиб, кўплаб тадқиқотлар объектига айланиб бормоқда. Охирги йилларда илмий муомалага интернет нутқи, виртуал лингвистик шахс, виртуал мулоқот, виртуал тил муҳити, электрон мулоқот ёки интернет-коммуникация каби тушунчалар киритилди.

Интернет-коммуникация (мулоқот) ижтимоий ўзаро таъсирнинг махсус модели бўлиб, унинг иштирокчилари Интернет-ҳамжамиятларида бирлашган ҳолда маълум бир мулоқот тилидан фойдаланадилар. Бундан ташқари, тадқиқотчилар Интернет тилини “мулоқотнинг ҳақиқий учинчи воситаси” сифатида тан олишади (оғзаки ва ёзма нутқ шаклларида ташқари).² Бу тилда ҳар жойда ёзма нутқ қонунлари (ташкилий, тузилмавий, услубий равшанлик ва бошқалар)нинг бузилиши кузатилади, оғзаки нутқ Интернет матнида оғзаки ва ёзма нутқ шаклини олиб, “қандай гапирсам, шундай ёзаман” тамойилига таянади. Виртуаллик – интернет-мулоқотнинг асосий хусусиятларидан бири сифатида ёши, моддий аҳволи, ижтимоий мавқеи, миллати, жисмоний ва ташқи маълумотлари каби шахсий фазилатларнинг ўчиб кетишига ва ўз аҳамиятини йўқотишига олиб келади. Шунингдек, Интернет-мулоқотида ҳар бир инсон тенг, online-мулоқот иштирокчилари орасидаги психологик масофа қисқаради, мулоқот тили асосан норасмий шаклга эга бўлади. Интернет-мулоқот тилининг юқорида санаб ўтилган хусусиятларини универсал деб ҳисоблаш мумкин, чунки улар бутунжаҳон тармоқда фаол бўлган ҳар қандай тилнинг ривожланиш йўналиш (тенденция)ларини акс эттиради.

Хитой аҳолисининг глобал тармоқ билан тўлиқ қамраб олинishi шароитида хитой тилидаги ўзгаришлар биринчи навбатда тилнинг энг жонли қисми бўлган, барча соҳаларда содир бўлаётган воқеаларга дарҳол муносабат билдирувчи лексика (луғат) даражасида кузатилади. Замонавий хитой тилида кўп миқдорда неологизмларнинг пайдо бўлиши сўнгги ўн йилликларда Хитой жамиятида ижтимоий-маданий парадигмаларнинг ўзгариш жараёнини акс эттиради, айниқса, буни Интернет-коммуникация (мулоқот)да яққол кўриш мумкин. XXРнинг Тил сиёсати ва ислоҳоти давлат қўмитаси ҳисоботида таъкидланишича, хитой тилидаги неологизмларнинг 1/6 қисми интернетда пайдо бўлади, кейин эса, асосан, оммавий ахборот воситалари орқали кундалик луғатга қиради. Шундай қилиб, Интернет Хитойда неологизмларнинг шаклланиши ва тарқалиши жараёнини сезиларли даражада тезлаштиради.

¹ Галичкина Е. Н. Специфика компьютерного дискурса на английском и русском языках (на материале жанра компьютерных конференций): Автореф. дисс. ... к. филол. н. – Волгоград, 2001. – 8 с.

² Иванова Т. С. Речевое поведение интернет-общения [Электронный ресурс]. URL: <https://cyberleninka.ru/article/v/rechevoe-povedenie-internet-obscheniya>.



Ушбу тадқиқот учун чатлар, форумлар, хитойлик фойдаланувчиларининг блоглари каби Интернет-ресурслари танлаб олинди. Таъкидлаш жоизки, ушбу ресурсларда тақдим этилган Интернет-коммуникация энг катта ўзига хослик билан ажралиб туради, у нутқий фаолиятнинг махсус шакллари билан тавсифланади. Чат, форум, блоглар Интернет-мулоқот иштирокчиларига ўзини намоён қилиш учун кенг имкониятларни тақдим этади, чунки улар виртуал шахслар ниқоблари остида яшириниб, ўзаро психологик тўсиқлардан холи бўлишади ва ўз ижодларини эркин ифода этишлари мумкин. Ўз навбатида, ижодкорлик янги лингвистик ҳодисаларни яратишга олиб келади, бу эса муайян коммуникатив вазибаларини ҳал қилишга имкон беради.

Замонавий хитой тилидаги интернет-ресурсларининг лексик таркибини таҳлил қилиш асосида бир нечта лексик-семантик гуруҳларни шартли равишда ажратиш мумкин:

1) глобал тармоқдан фойдаланишнинг техник томони билан боғлиқ махсус лексика (луғат).

Масалан:

服务器 fúwùqì – «сервер»;

主机 zhǔjī – «тизимли блок», «интерфейс»;

桌面 zhuōmiàn – «иш столи»;

首页 shǒuyè – «бош саҳифа»;

菜单 càidān – «компьютердаги меню»;

2) мулоқотда воситачи сифатида Интернет имкониятларидан бевосита фойдаланиш билан боғлиқ лексика (луғат). Масалан:

网用户 wǎng yònghù – «интернет-фойдаланувчи»;

身份界定 shēnfèn jièdìng – «ID – фойдаланувчининг исмини аниқлаш»;

用户群 yònghùqún – «фойдаланувчилар гуруҳи»;

网站 wǎngzhàn – «сайт»;

平台 píngtái (сўзма-сўз. «майдон, минбар, том») – сайт, форум;

3) кундалик ҳаётдан олинган лексика, бизнес мулоқот, жумладан исмлар, ҳаракатлар, одамлар ўртасидаги муносабатлар, ҳис-туйғуларнинг ифодаси ва ҳ.к.:

顶 dǐng (сўзма-сўз. «бошда кўтариб юрмоқ, олдинга итармоқ») – «қўллаб қувватламоқ, қойил қолмоқ»;

汗 hàn (сўзма-сўз: «тер, терлаш») – «хижолат бўлмоқ, уялмоқ»;

雷 léi (сўзма-сўз: «момақалди роқ, ҳайратда қолдирмоқ») – «қўрқиб кетмоқ»;

潜水 qiánshuǐ (сўзма-сўз: «сувга шўнғимоқ, сув остида сузиш») – «тармоқда яширин бўлмоқ»;

灌水 guǎnshuǐ (сўзма-сўз: «суғормоқ, сув бермоқ») – «спам (кўп одамларга номувофиқ хабарларни юбориш)»;

网恋 wǎngliàn – «Интернетдаги севги муносабатлари»;

网友 wǎngyǒu – «Интернетдаги дўст»;



菜鸟 cǎiniǎo (сўзма-сўз: «ёш (ҳали пати ўсмаган) кўш») – «Интернетда янги бошлаётган одам»;

大虾 dà xiā (сўзма-сўз: «қирол қисқичбақаси») ёки 大侠 dàxiá (сўзма-сўз: «катта қисқичбақа») – «илғор Интернет фойдаланувчиси»;

恐龙 kǒnglóng (сўзма-сўз: «динозавр») – «хунук қиз»;

青蛙 qīngwā (сўзма-сўз: «қурбақа») – «хунук йигит»;

啃老族 kěnlǎozú – «ота-она ҳисобидан яшайдиган»;

富二代 fùèrdài – «иккинчи авлоддаги бой одам», «олтин ёшлар»;

东东 dōngdong – «кичик (оз) нарса»;

老铁 lǎotiě – «эски дўст»;

嘿嘿 hēihēi – товушга тақлид қилиш орқали: «қаҳқаҳа уриб кулмоқ (қаттиқ кулмоқ)»;

哈哈 hāhā – товушга тақлид қилиш орқали: «қаҳқаҳлаб укулмоқ»;

呵呵 hēhē – товушга тақлид қилиш орқали: «кулмоқ, қиқиллаб (ҳингиллаб) кулмоқ».

Тилда неологизмларнинг пайдо бўлиши тилнинг ривожланиш жараёнини акс эттиради, бу кўп жиҳатдан унинг сўз ясалиш тизимининг ривожланиши, янги сўз ясалиш моделларининг шаклланиши, мавжуд сўзларнинг ўзгариши, сўз ясалиши маҳсулдорлигининг кўпайиши ёки камайиши ва бошқа омиллар билан боғлиқдир. Замонавий хитой тилининг бир қатор дериватив усулларини ажратиб кўрсатиш лозим, чунки улар ёрдамида жуда кўп сонли Интернет неологизмлари шаклланади. Улар қуйидагилар:

1) ҳамоҳанглик усули. Масалан:

“модератор”: дастлабки 版主 bǎnzhǔ бўлган, интернет-коммуникацияда ҳамоҳанг сўзлар – 斑竹 bānzhú (сўзма-сўз: “Бориан баргли бошоғи – бамбукнинг бир тури”), 班主 bānzhǔ (сўзма-сўз: “антрепренёр, театр соҳиби, эгаси”) билан, шунингдек, ҳамоҳанг, лекин муайян маънога эга бўлмаган сўз – 版猪 bǎnzhū, 版竹 bǎnzhú билан алмаштирилади;

“сенга бахт тилайман”: дастлабки 祝你快乐 zhù nǐ kuàilè шаклида, ҳамоҳанг 猪你快乐 zhū nǐ kuàilè шаклга алмаштирилади ;

«чиройли йигит/эркак, келишган, ёқимтой»: дастлабки 俊男 jùnnán шаклида бўлган, 菌男 jūnnán билан алмаштирилади (菌 jūn иероглифи «моғор, замбуруғ, микроб, бацилла» маъноларини билдиради);

«чиройли қиз, гўзал»: дастлабки 美女 měinǚ бўлган, 霉女 méinǚ билан алмаштирилади (霉 méi иероглифи «замбуруғ, ифлос кулранг, қора» маъноларига эга);

2) хорижий (асосан инглиз) сўзлар билан ҳамоҳанглик усули, инглиз тилидан ўзлашган сўзлар:



“e-mail” – 伊妹儿 yīmèir (комп. электрон почта, электрон почта орқали хабар жўнатмоқ, юбормоқ);

“Windows” – 瘟都死 wēndōusǐ (комп. Майкрософт корпорацияси график операцион тизими);

“Windows 98” – 瘟酒吧 wēnjiǔbā (комп. 1998 йилда Майкрософт корпорацияси томонидан чиқарилган график операцион тизими);

“MP3” – 马屁山 mǎpìshān (техн. аудио маълумотларни сақлаш учун файл формати);

“Homepage” – 烘焙鸡 hōngbèijī (комп. «уй саҳифаси», браузернинг бош саҳифаси);

“modem” – 猫 māo (техн. алоқа тизимларида фойдаланиладиган қурилма);

“Internet” – 因特网 yīntèwǎng (Интернет);

“hacker” – 黑客 hēikè (компьютер хавфсизлик тизимларини қасдан четлаб ўтадиган дастурчи, хакер);

“cool” – 酷 kù (сўзлаш. зўр, жуда зўр, ажойиб);

“show” – 秀 xiù (шоу, кўнгилочар характерга эга намойин, тадбир);

“talk show” – 脱口秀 tuōkǒuxiù (ток-шоу, вид телепередачи, в ходе которой идет обсуждение какой-либо темы);

“shopping” – 血拼 xuèpīn (харидлар қилиш, шоппинг);

“fan” – 粉丝 fēnsī (мухлис);

3) аралаш шакллардан фойдаланиш – лотин графикаси ва иероглифларда кўшма ёзув («сўзлар-кентавлар»):

4G 电话 diànhuà (电话 diànhuà «телефон») – техн. 4Гни қўллаб-қувватлайдиган телефон;

IP 地址 dìzhǐ (地址 dìzhǐ «адрес») – IP адреси (комп. Интернетдаги компьютернинг адреси (манзили));

TCP/IP 协议 xiéyì (协议 xiéyì «протокол») – TCP/IP протоколи (комп. тармоқлараро протокол);

4) хитойча бўғинларни ёзиш учун транскрипциядан фойдаланиш (пиньинь):

AI – «севмоқ», «севги» (爱 ài иер.);

TA – «у (эркак)», «у (аёл)» (他, 她 иер.);

QIE – разг. «бемаънилик», «сафсата» (切 qiè иер.);

D – эгалик юкламаси (的 de);

5) бўғинларнинг транскрипциясида бош ҳарфлардан фойдаланган ҳолда қисқартириш (аббревиатура):

O – o «O!» ундови, одатда, хайрат, ажабланиш, завқни ифодалайди (噢, 哦 иер.);

lg – lǎogōng «эр» (老公);

lp – lǎopo «хотин» (老婆);

GG – gēge «ака» (哥哥);



JJ – jiějie «опа» (姐姐);

DD – didi «ука» (弟弟);

mp – pāimǎpì «хушомад қилмоқ», «лаганбардорлик қилмоқ» (拍马屁);

б) инглизча сўзлар ва сўз бирикмаларнинг қисқартмаси (аббревиатура):

GF – ингл. girlfriend (дугона, қиз ўртоқ, қиз);

BF – ингл. boyfriend (дўст, йигит);

Re – ингл. replay (қайта ўйнамоқ);

BTW – ингл. by the way (дарвоқе, айни);

ASAP – ингл. as soon as possible (имкон қадар тезроқ);

7) инглиз алифбосининг ҳарфларини, хитойча бўғинларнинг транскрипциясини ёки рақамларни ўз ичига олган қисқартма (аббревиатура). Мисол учун, “Lu1314” қисқартмаси, бу «爱你一生一世» ài nǐ yī shēng yī shì («Мен сени бир умр севаман») иборасининг аббревиатураси бўлиб, унда:

– “Lu” инглиз тилидаги (“love you” – «сени севаман») иборасининг қисқартмаси, иероглифларда – 爱你 ài nǐ кўринишига эга;

– рақамлар 1314 – бу «一生一世 yī shēng yī shì» («бутун умр») иборасининг аббревиатураси ҳисобланиб, ундаги «一» yī иероглифи «бир» маъносини англатади. Кейинги ўринда «3» ва «4» рақамли ишлатилган, чунки «生» “shēng” иероглифининг лотинча транскрипциясида ҳамда «3» “sān” рақамида биринчи ҳарф бу – “s”, худди шундай «4» “sì” рақамининг транскрипцияси ва «世» “shì” иероглифида ҳам биринчи ҳарф – “s”.

Эътироф этиш (тан олиш) даражасига кўра, замонавий хитой тилининг неологизмларини қуйидаги тоифаларга бўлиш мумкин:

– замонавий хитой тили луғатларига киритилган сўзлар;

– замонавий хитой тили неологизмлари луғатларига киритилган сўзлар;

– умумий истеъмолдаги лексика (луғат) рўйхатига киритилган сўзлар (ҳар йили ХХРнинг тил ва ислохотлар Давлат кўмитаси томонидан тузилади);

– юқорида кўрсатилган луғатлар ва рўйхатга киритилмаган, аммо оммавий ахборот воситаларида тез-тез ишлатиб келинаётган сўзлар;

– фақат интернет-муҳитда тарқалган сўзлар.

Кўриб турибдики, Интернетда хитой тилининг лексик таркибини кенгайтириш манбалари жуда хилма-хилдир. Бундан ташқари, хитой тилида интернет неологизмларининг пайдо бўлиш жараёнлари бошқа тиллардаги, хусусан, ўзбек тилидаги айрим сўз ясаиш жараёнларига тўғри келади. Жумладан, инглиз тилидан ўзлашмаларинг кенг қўлланилиши, қисқартмалар, инглизча сўзларнинг қисқартмалари, аралаш шаклларнинг қўлланилиши¹.

Шундай қилиб, хитой тилининг ривожланиши ва фаол бўлишида интернет-муҳитининг таъсири муҳим аҳамиятга эга. Бу борада тадқиқотчилар

¹ Ефремов В. Русский язык в Интернете [Электронный ресурс] // Журнальный зал. 2013. Октябрь. № 5. URL: <http://magazines.russ.ru/october/2013/5/e15.html>



А. В. Кислов ва Э. Н. Колпачковаларнинг “тилда энг сезиларли ўзгаришлар хитой ижтимоий тармоқлари ва блоглар соҳасида рўй бермоқда” деган эътирофи ўринлидир¹.

Айнан шу Интернет-сегменти (чатлар, блоглар, форумлар)да замонавий хитой тилининг энг фаол жараёнлари – янги мулоқот шакллари, янги нутқ жанрларининг пайдо бўлиши ва, биринчи навбатда, янги сўзларнинг ҳосил бўлишини кўриш мумкин. Ижтимоий ўзаро таъсирнинг махсус модели сифатида Интернет-мулоқотда неологизмларнинг пайдо бўлишига, Хитой жамиятида содир бўлаётган ижтимоий-маданий ўзгаришлардан ташқари, ёрдам берадиган омиллар орасида, қуйидаги омилларни белгилаш лозим:

– инглиз тилининг таъсири ва инглиз тилида мулоқот қилиш маданияти, айнан хитойликлар томонидан Интернет-мулоқотда қўлланиладиган инглиз сўзларининг кўп сонли қисқартмалари ва аббревиатураси бундан далолат беради;

– фойдаланувчиларнинг ижтимоий-лингвистик хусусиятлари, уларнинг мулоқот эҳтиёжлари (мулоқот, кўнгилочар сайтлар, маълумот қидириш, блог юритиш, тренинглар ва бошқа.) Интернет-неологизмларининг турли лексик ва семантик гуруҳларининг пайдо бўлишига олиб келади;

– Тармоқ фойдаланувчиларининг норасмий мулоқоти ва бунинг натижасида жаргонлар ва интернет-сленгларнинг пайдо бўлиши.

Шу билан бир қаторда, замонавий хитой тилининг сўз ясаиш тизими интернетнинг “зарбалари” остида янги сўз ясаиш моделларининг пайдо бўлиши, шунингдек, мавжуд бўлган сўз ясаиш моделлар унумдорлигининг ортиши ёки камайиши каби ўзгаришларга дуч келмоқда. И. М. Некипелованинг фикрига кўра, бундай ўзгаришлар яққол кўриниб туради: «Тил доимо ривожланиши, ўзини амалга оширишнинг янги шакллари келтириб чиқариши керак. Тил тизимининг ривожланмаслиги унинг ўлимига олиб келади»². Шуни кўшимча қилиш керакки, замонавий хитой интернет-тилининг ривожланишига лингвистик глобаллашув жараёни ҳам таъсир кўрсатмоқда, инглиз тилидан кўп миқдордаги ўзлашган сўзлар ва қисқартмалар бунинг яққол исботидир. Бу жараён ҳам муқаррар, чунки у хитой тилининг мавжудлигини ва рақобатбардошлигини таъминлашга ёрдам беради.

¹ Кислов А. В., Колпачкова Е. Н. Влияние Интернета на современный китайский язык [Электронный ресурс] // Компьютерная лингвистика и вычислительные онтологии. 2017. Вып. 1. С. 73.

² Некипелова И. М. Глобализация языка: неизбежность или необходимость? [Электронный ресурс]. URL: <https://cyberleninka.ru/article/v/globalizatsiya-yazyka-neizbezhnost-ili-neobhodimost>



МАНБАШУНОСЛИК ВА МАТНШУНОСЛИК //
 ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ И ТЕКСТОЛОГИЯ //
 SOURCE STUDY AND TEXTOLOGY

ИСҲОҚОВ МИРСОДИҚ

Тарих фанлари доктори, профессор, ТДШУ

ЖУМАЕВ ҒАЙРАТЖОН

магистрант, ТДШУ

**«Ҳабиб ус-сияр» ва «Матла ус-саъдайн»
 асарларида дипломатик ва элчилик
 муносабатларнинг акс эттирилиши**

Аннотация. Ушбу мақолада Темурийлар империясининг Буюк Соҳибқирон Амир Темурдан кейинги қудратли ҳукмдори Шохруҳ Мирзо даврида (1377-1447) давлатнинг ташқи сиёсий ҳаёти, фаолияти ва дипломатик муносабатлар ҳақида маълумотлар мавжуд. Шохруҳ Мирзо Кичик Осиё, Яқин Шарқ, Миср, Араб ва Форс диёри билан элчилик муносабатларни жуда ҳам яхши йўлга қўйган ва бу диёрдаги барча воқеаларни синчиковлик билан кузиб борган ҳамда бу жараёнларда ўзи ҳам давлати манфаатлари йўлида аралашиб турган. Унинг даврида мамлакатда савдо-иқтисодий, маданий, диний, ҳарбий соҳаларда юксалиш кузатилди. Шохруҳ Мирзонинг минтақада ҳукмронликни ўз қўлига олиш учун олиб борган ташқи сиёсати ва элчилик муносабатлари ёритилган. Хусусан, Шохруҳ Мирзо томонидан Ардашир, Ғиёсиддин Наққош, Мухаммад Хуший, Султон Аҳмадлар бошлиқ элчилар гуруҳи Хитой давлатига юборилгани, улар Хитой ҳукмдорига Шохруҳ Мирзо томонидан юборилган мактублар, совға-саломларни олиб боргани манбалардан маълум. Элчилик хусусиятларидан бири ҳисобланган ва алоҳида рамзий маъно ифодаловчи совғаларни ҳукмдорлар бир-бирига юборганлар. Масалан, Шохруҳ Мирзо томонидан Хитой ҳукмдорига хитойликлар учун ноёб ҳисобланган учқур айғир отлар жўнатилган бўлса, Хитой подшоҳи томонидан ов лочинлари, қирғий, бургут ва шу каби ноёб қушлар юборилган.

Бу даврда яна бир дипломатик муносабатлар яхши йўлга қўйилган мамлакат бу Миср эди. Манбаларда Миср ҳукмдори Чақмоқбекнинг Шохруҳ Мирзога нисбатан эътиמודи кучли бўлгани маълумдир. Миср элчиси Чечактуқо Ҳиротга келиб, Шохруҳ Мирзо номига ёзилган Чақмоқбекнинг мактубини топширади. Шохруҳ Мирзо элчилар шарафига тўй-базмлар уюштирган. Миср ҳукмдори элчилар орқали Мирзо кутубхонасида мавжуд бўлган қуйидаги мўътабар китобларни сўраттирган: “Шайх Абу Мансур Мотуридий, Аллома Розийнинг «Тафсири кабир»и, Хожа Масъуд Бухорий асарининг шарҳи, Мавлоно Аълоуддиннинг «Шарҳи Кашиоф»и ва шофевийлар мазҳабидаги равзалардир. Бу китоблар мажмуаси ҳумоюн кутубхонасида мавжуд бўлганлиги боис хоқони саид буйруқ бердики, ҳар беш китобни чиройли хат билан ёзиб, жадвал тортиб, Чичактуқога топширдилар. Чичактуқо қайтишига ижозат сўраганда, унга атаб



қайтадан зиёфат берди ва Султон Чақмоқ учун подшоҳона табриклар ва хусравона ҳадялар тайин этилган.

Таянч сўз ва иборалар: садр, тавочи, кўкалдои, ясовул, парвоначи, баковул, арза-хат, каъбапўи, жома.

Аннотация. В данной статье содержится информация о внешней политике, деятельности и дипломатических отношениях государства в период правления Шахруха Мирзы (1377-1447), великого правителя Империи Тимуридов после Амира Темура Великого. Шахрух-мирза имел очень хорошие дипломатические отношения с Малой Азией, Ближним Востоком, Египтом, Аравией и Персией и внимательно следил за всеми событиями на этой земле, и сам в эти процессы вмешивался в интересах государства.

В это время в стране наблюдался рост в торгово-экономической, культурной, религиозной и военной сферах. Освещены внешняя политика и отношения посольства Шахруха Мирзы с целью установления контроля над регионом. В частности, из источников известно, что группа послов во главе с Шахрухом Мирзой с участием Ардашера, Гиёсиддина Наккаша, Мухаммада Хоши, Султана Ахмада отправляла письма и подарки китайскому правителю Шахрухом Мирзой. Одной из особенностей посольства было то, что правители посылали друг другу подарки, которые представляли собой особый символический смысл. Например, в то время как Шахрух Мирза посылал китайскому правителю скаковых лошадей, которые для китайцев редки, китайский царь посылал охотничьих соколов, ястребов, орлов и подобных редких птиц. Другой страной, с которой в этот период были хорошо налажены дипломатические отношения, был Египет. В источниках известно, что египетский правитель Чакмакбек доверял Шахруху Мирзе. Посол Египта Чечактуко прибыл в Герат и передал письмо Чакмакбека, адресованное Шахруху Мирзе. Посол Египта Чечактуко прибыл в Герат и передал письмо Чакмакбека, адресованное Шахруху Мирзе. Шахрух Мирза организовал свадьбы в честь послов. Через послов правитель Египта запросил из библиотеки Мирзы следующие книги: Шейха Абу Мансура Мотуриди, «Тафсири Кабир» Аламы Рази, «Комментарий к труду Ходжи Масуда Бухари», «Комментарий к Кашиофу» Мавланы Алоуддина и равза в секте шафиитов. Так как этот набор книг имелся в библиотеке Шахрукха, Шахрух Мирза приказал, чтобы все пять книг были написаны красивым письмом, нарисованы на столе и переданы Чичактуко. Когда Чичактуко попросил разрешения вернуться, он устроил ему еще один пир от своего имени, а султану Чакмаку были вручены королевские поздравления и дары хусравана.

Опорные слова и выражения: садр, тавочи, кокалдои, ясовул, парвоначи, баковул, арза-хат.

Abstract. This article contains information about the foreign policy, activities, and diplomatic relations of the state during the reign of Shahrukh Mirza (1377-1447), the strong ruler of the Timurid Empire after Amir Temur the Great. Shahrukh Mirza had very good diplomatic relations with Asia Minor, the Middle East, Egypt, Arabia, and Persia, and closely followed all the events in this land, and in these processes, he intervened in the interests of the state. During his time, the country has seen growth in trade, economic, cultural, religious, and military spheres. Shahrukh Mirza's foreign policy and embassy relations to take control of the region are covered. In particular, it is known from the sources that a group of ambassadors led by Shahrukh Mirza, led by Ardasher, Ghiyosiddin Naqqash, Muhammad



Khushi, and Sultan Ahmad, sent letters and gifts to the Chinese ruler by Shahrukh Mirza. One of the features of the embassy was that the rulers sent each other gifts that represented a special symbolic meaning. For example, while Shah Rukh Mirza sent racehorses to the Chinese ruler, which are rare for the Chinese, the Chinese king sent hunting falcons, hawks, eagles, and similar rare birds.

Another country with which diplomatic relations were well established during this period was Egypt. It is known in the sources that the Egyptian ruler Chakmakbek had a strong faith in Shah Rukh Mirza. The Egyptian ambassador, Chechaktuqo, arrived in Herat and handed over a letter from Chakmakbek addressed to Shahrukh Mirza. The Egyptian ambassador, Chechaktuqo, arrived in Herat and handed over a letter from Chakmakbek addressed to Shahrukh Mirza. Shahrukh Mirza organized weddings in honor of the ambassadors. Through the ambassadors, the ruler of Egypt requested the following books from the Mirza Library: Sheikh Abu Mansur Moturidi, "Tafsir Kabir" by Allama Razi, Commentary on the work of Khoja Mas'ud Bukhari, Mawlana Alouddin's "Commentary on Kashshof", and the ravzas in the sect of the Shafi'is.

Since this set of books was available in the library of Shahrukh, Shahrukh Mirza ordered that all five books be written in a beautiful letter, drawn on a table, and handed over to Chichaktuko. When Chichaktuko asked permission to return, he gave him another feast in his name, and royal congratulations and khusrawan gifts were bestowed on Sultan Chakmak.

Keywords and expressions: *sadr, tavochi, kokaldosh, yasovul, parvonachi, bakovul, arzakhat.*

Соҳибқирон Амир Темур ҳаётлик пайтида Хуросон ҳукуматини Шоҳрух Мирзога топширган эди. У эса Хуросонда ҳижрий 807 йил рамазон ойида (1405 йил 3 мартдан 2 апрелгача) давлат жиловини қўлга олиб, амирлар исёнларни бостириб, мамлакатни бирлаштиришни бошлади. “Ҳижрий 809 йилда (милодий 1407 йилда) Мозандаронни фатҳ этди. 811 йилда (милодий 1409 йилда) Мовароуннаҳрни фатҳ этишга киришди. Амир Худайдод, Амир Шайх Нуриддин исёнларини бостириб, Мовароуннаҳрни Мирзо Улуғбек ва Амир Шоҳ Маликка топширди. 817 йилда (милодий 1414 йилда) Форс мамлакатини ҳазрат ҳукумати доирасига киритди. 819 йилда (милодий 1416 йил 1 мартдан 1417 йил 18 февралгача) Кирмон вилоятини олий шонли подшоҳ фатҳ этди. 823 йилда (милодий 1420 йил 17 январдан 1421 йил 6 январгача) туркман Қора Юсуф Қора қуюнли вафот этиб, Озарбайжон фатҳи амалга оширилди. Мазкур йилнинг ражаб ойи охирларида Шоҳрух Мирзо ва Қора Юсуфнинг ўғли Искандар ўртасида ҳарбий тўқнашув юз берди. Искандар ибн Юсуф мағлубиятга учради. Шоҳрух Мирзо ғалабага эришди.¹ Ҳижрий 830 йил раби ул-охирининг йигирма учинчиси (милодий 1427 йил 21 февраль) жума куни Аҳмад Лури Бадбахт деган киши Ҳиротнинг Жоме масжидида Шоҳрух Мирзонинг баданига пичоқ санчади, Аҳмад эса ўша заҳоти ўлдирилади. Ул ҳазратни ҳаким Али Аъло Талоқ пичоқ зарбидан сақлаб қолади. Ҳижрий 832 йилда (милодий 1428 йил 11 октябрдан 1429 йил

¹ Ҳазраткулов.Ж., Бекжонов.И., Хондамир. Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар, Тошкент, Ўзбекистон.2013. 316-бет.



30 сентябргача) Искандар ибн Юсуф яна бир марта Ироқ ва Озарбайжонга хужум қилди. Шоҳруҳ Мирзо ул томонга шошилиб, Салмос саҳросида Искандарни яна мағлуб қилди. Шундан сўнг Хуросон, Балх, Бадахшон, Мовароуннаҳр, Туркистон, Зобулистон, Сейистон, Журжон, Мозандарон, Ироқ, Форс, Озарбайжон мамлакатлари Шоҳруҳ Мирзо тасарруфига киритилди. Хоқони саид (Шоҳруҳ Мирзо) қирқ уч йил мустақил равишда салтанат ва давлатни бошқариш тожини қийди ва Рай вилоятида 850 йили зулҳижжа ойида (1447 йил 17 февралдан 19 мартгача) вафот этди. У етмиш икки ёшда эди.”¹

Шоҳруҳ Мирзо Амир Темур яратган империяни қўл остида қайтадан бирлаштира олди. Шоҳруҳ Мирзо даврида давлатни бошқариш амирлар, шаҳзодалар ва маҳаллий ҳокимлар орқали амалга оширилди. У ички ва ташқи сиёсатда анчайин моҳир, кечиримли, улуғвор, тақводор, олийжаноб ва сахий ҳукмдор эди. Шоҳруҳ Мирзо даврида темурийлар давлатининг ташқи ва ички сиёсатда ўзига хос тизим ва жараёнлар содир бўлганини кузатамиз. Айниқса, давлатнинг элчилик муносабатларида фаоллик ва ўзига хос тизим алоҳида ажралиб туради. Ички сиёсий жараёнлардалар Шоҳруҳ Мирзо ва шаҳзодалар, амирзодалар ўртасида дипломатик вазифаларини ҳукмдорнинг яқинлари амалга оширгани маълум. Барлос, қавчин, арлот, дўғлот, найман каби туркий уруғлардан бўлган амирлардан, нўёнлардан, тархон амирлардан, диний уламо-лардан (саййидлар, шайхлар) чиққан эътиборли шахслар ушбу вазифаларни амалга оширди. Шунингдек ушбу элчилик вазифасини бажарган дипломатларни марказий ҳокимият тизимида (девонда) маълум вазифадаги амалдорлардан бўлганини кузатишимиз мумкин. Жумладан, садр, тавочи, кўкалдош, қози, парвоначи, баковул, ясовул ва бошқа мансаб эгалари келтириб ўтишимиз мумкин. Масалан, Туркистон вилоятлари ҳокими Амир Худайдод Хусайний ва Халил Султонни Самарқанд яқинидаги Шероз қишлоғидаги жангда Халил Султонни мағлубиятга учратиб Мовароуннаҳрнинг барча худудини ўз тасарруфига киритганда: «Ҳижрий 811 йилда зулкаъданинг 13 да Халил Султон Худайдоднинг қўлига асир тушди. Бу пайтда Самарқандда бўлган Шайх Нуриддин Бодғис яйловида бўлган Шоҳруҳ Мирзо билан бирлашиш учун Бухоро томон юрди Шоҳруҳ Мирзо Амударёдан ўтганда, Мирак Аҳмад Мирзо ва Сайди Аҳмад Мирзолар ҳам ўз қўшини билан Ҳисори Шодмондан Хузорга унинг мулозаматига етиб келади. Шунда Амир Худойдод Халил Султонни хибс олиб Мўғулистон томон қочади. Шоҳруҳ Мирзо Самарқандни эгаллагандан сўнг Ладино («Матла ус-саъдайн»да Ладунё деб берилган) Тархонни Амир Худайдод олдига насиҳат ва мулозаматига келтириш учун юборади.»² Яна шундай ҳолат Амир Шайх Нуриддин исён кўтарган пайтда Шоҳруҳ Мирзо Мавлоно Қутбиддин ва Тўкал Қарқарани Шайх Нуриддин олдига юборишида кузатамиз.

Шоҳруҳ Мирзо шунингдек, шаҳзодалар ва амирлар ўртасидаги муносабатлардан ҳам доимо огоҳ бўлиб турганини тарихий манбаларда шундай

¹ Ўша асар. 317-бет.

² Ўша асар. 357-360-бетлар.



баён этишган: “Мирзо Улуғбекнинг навқари Малик ясовул келиб, Мирзо Улуғбек билан амир Шоҳмалик орасида бир кудурат мавжуд эканлигини арзга етказди. Онҳазрат мўғулларнинг қайтиб кетганлиги ва Малик ясовулнинг хабари жиҳатидан Мовароуннаҳрга юриш борасида иккиланиб бир неча кун Жижикту майсазорида тўхтаб турди ва амир Саййид Али тархонни хабарларни текшириб аниқлаш учун Самарқандга жўнатди. Амир Саййид Али аҳволни суриштириб кўриб билдики, онҳазрат амир Шоҳмаликка иноят кўрсатиб Мовароуннаҳр мулкларига соҳиб ихтиёр қилиб тайинлаганидан бери (амир Шоҳмалик) барча ишларни кўпчилик раъйига мувофиқ тўғри фикр ва ўткир назар билан тартибга солган, Мирзо Улуғбекка нисбатан эса панд-насихат қилиш ва давлатхоҳлик кўрсатиш мақомида экан. Аммо кўпчилик табиатига, хусусан подшоҳларга, насихат аччиқ туюлади, чунки улар ҳамма вақт тириклик таъмини ўзлари учун ширин ва мазали бўлишини истайдилар ва бутун оламни ўзларидан паст деб биладилар. Агар амир (Шоҳмалик) бирор маслаҳатга биноан шаҳзоданинг раъйига хилоф иш қилгудек бўлса, ғаразли кишилар уни бетартиблик ва бемулоҳазаликка йўйиб, бошқа бир суратда кўрсатадилар.”¹

Шоҳруҳ Мирзонинг ташқи сиёсатда ҳам фаол бўлганини ўз давлати хавфсизлиги учун ва минтақада ҳукмронликни ўз қўлига олиш учун олиб борган ташқи элчилик алоқаларида, Олтин Ўрда, Хитой, Ҳиндистон, Миср сингари давлатлар билан бўлган элчилик муносабатларида кўришимиз мумкин.

Хуршид Файзиёвнинг «ХВ аср биринчи ярмида Темурийларнинг Кўк ва Оқ Ўрда билан сиёсий алоқаларига доир» номли мақоласида қуйидаги маълумотлар келтирилган: “Шоҳруҳ Мирзо (1377-1447) мамлакат бирлигини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш учун Дашти Қипчоқдаги давлатларнинг сиёсий ҳаётига бевосита ва билвосита аралашишга мажбур бўлди. Мовароуннаҳрда нисбатан мустаҳкам ҳокимиятни барпо этган Шоҳруҳ Мирзонинг Хоразм масаласидаги кейинги фаолияти амир Идику билан олиб бориладиган музокаралар, сиёсий мавқени мустаҳкамлаш билан боғлиқ турли ҳаракатлар орқали характерланади.

1409 йилда Олтин Ўрда ҳукмдори бўлган Фўладхон ва амир Идику томонидан кескинлашаётган вазиятни тартибга солиш ва муносабатларни шакллантиришда ташаббусни қўлга олиш мақсадида Шоҳруҳ Мирзо хузурига элчилар келган. Воқеаларнинг бундай ривожидан манфаатдор бўлган Шоҳруҳ Мирзо элчиларни яхши кутиб олган. Шоҳруҳ Мирзо Кўк Ўрдага Фўладхон ва амир Идикунинг элчиларига кўшиб амир Ҳасан бошчилигида ўз элчиларини юборган. Мазкур элчилик орқали ўз ўғли Муҳаммад Жўки Мирзога амир Идикунинг қизини сўратган. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, мазкур сўров ижобий ҳал бўлган ёки йўқ масаласи шу пайтгача тадқиқотларда ўз аксини топмаган.”²

¹ Ҳазраткулов.Ж., Бекжонов.И., Хондамир. Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар, Тошкент, Ўзбекистон.2013. 380-бет.

² Файзиёв.Х, ХВ аср биринчи ярмида Темурийларнинг Кўк ва Оқ Ўрда билан сиёсий алоқаларига доир Тошкент, 2020 1-8-бетлар.



Темурийлар ва Олтин Ўрда муносабатларига оид хабарларни Абдураззоқ Самарқандий «Матла ус-саъдайн» асарида баён қилишича: «Ўзбек вилоятига, амир Идику хузурига кетган Абон тавочи қайтиб келиб, «амир Идику (хоқони саид)нинг кадр-қимматини улуғлаш ва амр-фармонини ҳурматлаш борасида бирор дақиқани ҳам риоясиз ўтказмади, мактуб етиб борганлиги муносабати билан ифтихор бошини фалакка кўтарди», — деб арз қилди. Амир Идику амир Абоннинг чечан тили билан қайтарган жавоб сўзлар ва унинг ширин адосига ҳавола қилган ҳикоятлардан хайрихоҳликлар иси содиқлик димоғига етиб келди мазмуни шундай: «Мен онҳазратнинг кули ва хизматкориман, ҳар нимаики буюрсалар фармонни адо этувчиман; онҳазратнинг илтифотларидан илтимос шуки, шу тариқа (бизга) риоя қилиб, иттифоқсизлик пардасини кўтариш ва дўстлик эшигини очиш борасида мухлислар учун юпанч бўлган элчилар алмашиниш ва мактублар ёзишиш йўлини очиқ ва серқатнов тутсинлар, ғаразгўйларнинг сўзларига илтифот қилмасинлар ва лойиқ хизматларни бажаришга ишорат қилишдан бизни дариг тутмасинлар, чунки биз хизматни адо этишда давлатхоҳлик асарларини зоҳир қилурмиз»¹

Бундан ташқари Темурийлар ва Хитой ўртасидаги дипломатик муносабатларга оид маълумотлар «Ҳабиб ус-сиярда» асарида келтирилишича: «Ҳижрий 815 йил муҳаррамнинг жума кунида (1412 йил 15 апрель) ҳумоюннинг ҳумо соябони етиб келиб «Боғи Зоғон» узра ўз сояси билан уни баҳраманд қилди. Шунга яқин пайтда Хитой хони Вой Манг хоннинг элчилари келиб, у олийжаноб подшоҳнинг турли саналарда ёзилган мактубини топширди. У мактуб салом ва табрик сўзларидан ташқари Халил Султон Мирзонинг мақтовга молик қилмиши ва ишларидан иборат эди. Ҳазрат хоқони саид элчиларга шоҳона иззат ва ҳурмат кўрсатиб, «Олий мартабали шаҳзодалар ва амирлар уларга тўй қилиб берсин!» деб буюрди. Хитой элчилари ишларини ҳам етарли даражада тезлаштириб, Шайх Муҳаммад Хўшийни уларга ҳамроҳ қилиб, ул томонга жўнатди. Ва яна – ҳижрий 822 йил рамазон ойида (1419 йил 21 сентябрь - 20 октябрь оралиғи) Ардашер тавочи Мочиннинг Дой Манг хонлиги элчилари ҳамроҳлигида олампаҳо даргоҳига қайтди. У 820 йилда Хитойга кетган эди. У подшоҳона совға-саломлар келтириш билан бирга, Дой Манг Хоннинг меҳру муҳаббат ва яқдилликка тўла мактубини ҳам етказди. Ҳазрат Саид эса Чиннинг Би То ва Мочин хони элчиларини иззат-ҳурмат билан қабул қилди ва уларга жуда кўп инъомлар берди. Элчиларнинг баъзилари Мирзо Иброҳим Султоннинг олдига — Шерозга кетдилар, бир гуруҳи эса Амир Ғиёсиддин Шоҳ Малик билан учрашиш учун Хоразмга қараб йўлга тушдилар. 823 йилда (1420-1421 йиллар) ҳаммалари биргалашиб Самарқандга келдилар. Мирзо Улуғбек Кўрагон уларга катта тўйдек базм уюштирди ва Хитойга кузатиб қўйди.»²

¹ Ўринбоев.А Абдураззоқ Самарқандий, Матла ус-саъдайн Тошкент,Ўзбекистон. 2008, 144-148-бетлар.

² Ҳазраткулов.Ж., Бекжонов.И., Хондамир. Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар, Тошкент, Ўзбекистон.2013. 400-бет



Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матла ус-саъдайн» асарида бу воқеа шундай баён этилган — “ Шу орада Хитой вилоятидан, у мамлакатларнинг Чину Мочин ва бошқа ерлари подшоҳи Дой-Минг хон тарафидан элчилар етиб келди. (Хоқони саид томонидан): «Шаҳар ва бозорларга зийнат берилсин, ҳар бир санъат эгаси ўз ҳунарини тўла зоҳир қилиб дўконини безатсин», — деган ҳумоюн фармон содир бўлди. Амирлар истиқбол расми бўйича (шаҳардан) ташқари чиқиб элчиларнинг ҳаммасини иззат-хурмат билан шаҳарга олиб кирдилар. (Бу) худди ёшлик чоғидек шодликни орттирувчи бир замон ва висол кечасидек ғамни тарқатувчи бир он эди. Ҳазрат хоқони саиднинг (Шоҳруҳ Мирзонинг) фармони бўйича Боғи Зоғонга худди жаннат боғидек оро бериб, Баҳром савлат, шер ҳайбат ясовулар ҳар кимнинг (ўзига хос) жой ва макон тайин қилдилар. Ҳазрат хоқони саид баландлик авжидаги офтоб сингари хуршид чехра билан салтанат тахтига кўтарилди. Улуғ амирлар элчиларни қўл ўпиш шарафига етказиб, тортиқларни қўйдилар ва уларнинг сўзларини арз қилдилар. Хитой подшоҳининг мактуби қуйидаги мазмунда эди. Хитой подшоҳи мактубининг сурати: «Дой-Минг, подшоҳи муаззам, Самарқанд диёрига Шоҳруҳ баҳодир учун нома юбормоқда! Биз фикр қиламизки, худованди таоло ер билан осмон ўртасидаги жами халойикни уларнинг ҳар бири роҳат ва фароғатда яшасин деб яратган. Биз худойи таолонинг мадақкорлигида илоҳий ҳукмга бўйсуниб жаҳондорлик қилиб келмоқдамиз. Шу сабабли биз яқину йироқ орасида фарқ қилмаймиз, ҳаммани бир текис, баробар биламиз. Бундан илгари эшитган эдикки, сен оқил ва камолотга етган кишисан ва бошқалардан улуғроқсан, худованди таолонинг амрига итоат қилиб келмоқдасан, раият ва аскарларни парвариш қилиб, уларнинг ҳаммасига эҳсону яхшиликлар кўрсатибсан; шу сабабли биз беҳад шод бўлдик. Алалхусус, кимхоб ва тарқу кийимларни етказсин учун, элчи юбордик; элчи у ерга етиб боргач, сен бизнинг сўзларимизга хурмат билан қараб марҳаматимизни яхши юзага чиқарибсан, катта-кичик ҳамма шодмон бўлибдилар ва сен ҳам дарҳол элчи юборибсан; элчилар сенинг саломингни, отлар ҳам у диёр матоларидан иборат тухфаларингни етказдилар. Сенинг дўстлик йўлида эканлигингни кўрдим: сен мақтов ва навозишга сазовор экансан. Илгарироқ мўғуллар даври охирига етган эди. Сенинг отанг Темур фумо худованди таолонинг амрига итоат қилиб, бизнинг улуғ подшоҳимиз Той-Зуйга нисбатан яхши дўст бўлиб, элчилар ва тухфаларни қатъ қилмаган. Шу сабабли (Той-Зуй) у диёрнинг (Хитойдаги) одамларига омон бериб, ҳаммасини давлатмандликка етказган. Биз ҳам кўрдикки, сен отангнинг ҳиммат ва равишига яхши мутобиат қилибсан. Энди Су- Жўнинг Касой ҳазораси одамларидан Ду-Жихун-Бойни ва Сун-Қунг-Жи садаси(дан) Донг-Чингни бир гуруҳ кишилар билан қўшиб, садоқат зоҳир бўлсин учун табрикнома, кимхоб кийим ва тарғулар билан юбордик. Бундан кейин ҳам одамларни юборамиз, токи улар борди-келди қилсинлар ва йўллар кесилиб қолмасин;



улар ўз истакларича тижорат ва касб қилсинлар. Халил Султон сенинг биродарзоданг; ўз туғишганлик ҳаққингни бажо келтирмоғинг учун сен уни яхши тарбият қилишинг керак. Сен бизнинг садоқату раъйимизга ҳамкорлик қилишинг лозим. Билдириб қўймоқчи бўлганимиз ана шу». Бу мактубга қўшиб яна бир мактубни юборган эдилар, унда жўнатилган совға-туҳфалар муфассал тарзда битилган эди. Яна бир (мактуб) йўл хати қабилида бўлиб, у элчилар учун эди. Уч мактубнинг ҳар бири форс хати билан форс тилида ёзилган ва худди ўша мактубда сўз мазмуни мўғул хати билан туркий тилида ёзилган, яна ўша мактубда ўша мазмунни хитой хати билан ўз (хитой) тилида ёзган.¹ Ҳокони саид ҳазратлари мактубни (ўқиттириб) эшитиб, унинг нозик мазмунини ўткир фикр билан мулоҳаза қилди ва мақсадларини тўла тушуниб олгач, ҳаммани иштирок этишга чақириб, «Амирлар элчилар шарафига тўй берсинлар», — деган фармон содир бўлди. Хитой элчиларининг муҳим ишлари тўла битганидан кейин, уларга ижозат берилиб, қайтиб кетдилар. Шайх Муҳаммад Бахший элчилик расми бўйича улар билан бирга равона бўлди. Хитой подшоҳи то шу вақтгача ислом динини қабул қилмаганлиги ва шариат талаби бўйича иш тутмаётганлиги сабабли ҳазрат хокони саид дўстлик юзасидан: «Зораки у ҳидоят нури туфайли имонга мушарраф бўлса», — деган умидда араб ва форс тилларида ёзилган икки насихатномани юборди.»²

Хитой билан элчилик алоқаларининг ўзига хос хусусиятлари шундаки, Хитой ҳукмдори ўз элчисига учта мактуб ёздириб бериб юборади. Булардан биринчиси Шохруҳ Мирзога аталган бўлиб, ўзининг асл мақсади баён қилинган мактубдир. Иккинчиси эса Хитой ҳукмдори юборган совға-саломлар рўйхатидир. Учинчиси эса элчиларнинг ўзига йўл харитаси тарзидадир. Унда эҳтимол элчилар юрган йўллар ва шаҳарлар аҳволи ҳақида ёзиб олиб келиш (разведка маълумотлари) буюрилган бўлиши мумкин. Элчилик мактублари форс, туркий ва хитой тилларида ёзилган эътиборга молик. Худди шундай Шохруҳ Мирзо ҳам элчилик мактубларида ўша давр хусусиятига хос иш юритганлиги маълум, унинг мактуби форс тилида ёзилганлиги манбаларда аниқ келтирилган ва яна эҳтимол туркий, хитой тилларда ва мўғулчада ҳам ёзилган бўлиши ҳам мумкин. у ҳам юқоридаги учталиқ мактуб анъанасида мактуб жўнатган. Элчилар хатларнинг хавфсизлиги ва махфийлигига қаттиқ эътиборда бўлишган. Шохруҳ Мирзо мактубининг яна бир хусусияти эса Хитой ҳукмдорини ислом динига ўтишга чорлаб насихатнома ёзишидадир.

Асарда яна — Хитой подшоҳи Дой-Минг хон яна элчилар юбориб, улар (шу 820 йили) рабиъ ал-аввал ойида (18 апрель — 17 май, 1417) (Ҳиротга)

¹ Ўринбоев.А Абдураззоқ Самарқандий, Матла ус-саъдайн Тошкент,Ўзбекистон. 2008, 144-222-бетлар.

² Ўринбоев.А Абдураззоқ Самарқандий, Матла ус-саъдайн Тошкент,Ўзбекистон. 2008, 325-327-бетлар.



етиб келдилар. Уларнинг бошлиқлари Би-Бочин, Ту-Бочин, Жот-Бочин ва Татқ-Бочинлар уч юз отлик билан бирга совға-саломлар, шунқорлар, атлас ва кимхоблар, тарғу, чинни асбоблар ва бошқалардан иборат кўп ҳадяларни келтирдилар; шахзодалар ва оғолар учун эса алоҳида подшоҳона ҳадялар келтирган эдилар. Шунингдек, ўтмишдаги алоқаларни (якунловчи) безак бўладиган ва келажакдаги ўзаро хайрхоҳлик учун асос бўладиган сўзларни ўз ичига олган бир мактубни ҳам келтирдилар. Мазмуни шундай: «Ҳар икки томондан ҳам ғайрилиқ ва бегоналиқ пардаси даф қилинмоғи, мувофиқатчилик, бирдамлик эшиги очилмоғи лозимдир, токи раиятлар ва савдогарлар ўз истак-ихтиёрлари билан бориб келсинлар, йўллар беҳавотир бўлсин». Биринчи марта (Хитой) элчилари келиб, яна қайтиб кетаётган вақтларида (355) амир Саййид Аҳмад тархон подшоҳга атаб бир тўриқ отни юборган эди. У от подшоҳ назарида ғоят таҳсинга сазовор кўринган ва подшоҳ от эвазига амир Саййид Аҳмадга кўп ҳадялар жўнатган ва ўша отнинг жиловини икки тарафдан икки ахточи тутиб турган ҳолдаги (Хитой) наққошлари чизган расмини ҳам юборишган эди. Элчиларни меҳмон қилиб, керак-яроқларини ҳозирлаб, юқорида айтилганидек, қайтариб юбордилар. Онҳазрат Ардашер тавочини элчиларга ҳамроҳ қилиб Хитой томон жўнатди. (саккиз юз) йигирманчи (1417) йил ойлари (воқеалари орасида) Хитой подшоҳи Дон-Минг хон ҳумоюн даргоҳга элчилар юборганлиги ва ҳазрат хоқони саид Ардашер тавочини элчиларга ҳамроҳ қилиб жўнатганлиги ҳақида айтиб ўтилган эди. Шу кунларда Ардашер қайтиб келиб, у вилоят аҳволи ва (яна) элчилар келганлигини арзга етказди. Рамазон ойининг охирида (21 сентябрь — 20 октябрь, 1419) элчилар: Пи-Мочин ва Хон-Мочин Ҳиротга келдилар ва совға-тортиқлар ва мактуб тақдим қилдилар. Хитой подшоҳининг мактуби (қуйида) уларнинг қондаси бўйича нақл қилинади. Саккиз юз) йигирма иккинчи (1419) йил воқеалари орасида ҳазрат хоқони саид Шодихожа бошчилигидаги элчиларни Хитой мамлакатига боришга тайин қилганлиги ҳақида эслатиб ўтилган эди. Мирзо Бойсунғур (ўз номидан) Султон Аҳмад билан Ғиёсуддин наққошни (элчиларга қўшиб) юборар экан, Хожа Ғиёсуддинга доруссалтана Ҳиротдан чиқиш кунидан то қайтиб келиш кунигача ҳар бир шаҳар ва вилоятда йўлларнинг қандайлиги, вилоят ва иморатларнинг сифати, шаҳарларнинг қонун-қоидалари, подшоҳларнинг куч-қудрати ва уларнинг давлатни бошқариш ҳам сиёсат услуги, у шаҳар ва диёрларнинг ажойиботлари ва номдор маликларнинг феъл-атворида оид нимаики кўриб билса, ҳаммасини рўзнома тарзида кунма-кун ёзиб бориши лозимлигини ғоят таъкидлаган эди. Бу йил, яъни (саккиз юз) йигирма бешинчи йили, ўн биринчи рамазонда (29 август, 1422) элчилар Ҳиротга қайтиб келдилар ва Хитой подшоҳининг совға-тортиқларини арзга етказдилар.¹

¹ Ўринбоев.А Абдураззоқ Самарқандий, Матла ус-саъдайн Тошкент, Ўзбекистон. 2008, 344-347-бетлар.



Шоҳруҳ Мирзонинг Кичик Осиё, Яқин Шарқ, Миср, Араб ва Форс диёри билан элчилик муносабатлари жуда ҳам яхши йўлга қўйилган бўлган ва бу диёрдаги барча воқеаларни синчковлик билан кузатиб борган ва бу жараёнларга ўзи ҳам давлати манфаатлари йўлида аралашиб турган. Мисол учун — “Ҳижрий 817 йилда (1414 йил) Шоҳруҳ Мирзо Форс мулкини Иброҳим Султонга топширгандан сўнг у ерда ибодат маскани Яздга йўл олади. Кўхистон орқали Ҳиротга кириб келганда Саййид Абдулатифнинг акаси Саййид Абдулмалик Маккайи муборакдан қайтишда ул муқаддас макбаранинг волийсидан муҳаббат ва самимиятга тўла мактуб олиб келади.

Кичик Осиёдан эса — Ҳазрат хокони саид Муҳаммад Қаромоннинг Рум совға-саломларини келтирган элчиси, Малик Кутбуддин Сейистоний ва Пиракнинг Гармсердан келган элчиси каби атроф (мамлакатлар) элчиларининг барча илтимосларини бажо келтириб ва инъом-икромлар билан тақдирлаб қайтиб кетишларига ижозат берди.”¹

1429 йилда Шоҳруҳ Мирзо Озарбайжонга Қорақуюнли туркман Қора Юсуфнинг ўғли Искандарга қарши иккинчи марта юруш қилинганда, бундан воқиф бўлган Искандар Озарбайжонни ташлаб қочиб чиқиб кетади. Шоҳруҳ Мирзо эса ўғли Муҳаммад Жўқи Мирзони Искандар ортидан илғор юборади. Муҳаммад Жўқи Мирзо эса Искандар ортидан Диёрбакргача боради. 1435 йилда Шоҳруҳ Мирзо Қорабоғда бўлиб турганда, Шайх Нуриддин Муҳаммад ибн Шайх Муршидидин Жунайд Козерунийни элчи сифатида Румга жўнатади ва ул диёр подшоҳи Султон Мурад ИИ (1421-1444; 1446-1451)га , Қора Юсуфнинг ўғли Искандар доимо Шоҳруҳ Мирзо қўшини билан Ҳиротга қайтган пайтда Озарбайжон ерларига ҳамла қилади. Шоҳруҳ Мирзо уни даф қилиш учун келса қочиб кетади. Агар ул мамлакатга илтижо қилиб, бошпана сўраса, Озарбайжон халқи унинг фисқи фасодидан омон бўлиши учун у ва унинг мулозимларини ушлаб, махбус этиб, менинг даргоҳимга юборсалар яхши бўлур эди – деган мазмунда хабар юборади.

Шу қаторда Мўғулистон хонлари билан ҳам элчилик алоқалари анчайин ривожланган бўлган. Масалан: “Шайх Нуриддин исёни пайтида Мўғулистон хони Муҳаммадхондан Амир Шоҳмалик хузурига Ҳофизхон исмли элчи келгани ва уларнинг орасида хусумат йўқлиги Шайх Нуриддинни ҳимоя қилмаслигин баён этади. Амир Шоҳмалик элчига эътибор бериб, хушвақт қилиб қайтарди ва Наврўз Бахшийни шоҳона совға-саломлар билан Муҳаммадхон хузурига жўнатди. Икки тарафдан содиқлик қоидалари таъкид топди.”²

Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асарида шундай баён қилинади — Шоҳруҳ Мирзо Исфаҳонни қамал қилишга қасд қилган вақтида Абдуллоҳ

¹ Ҳазраткулов.Ж., Бекжонов.И., Хондамир. Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар, Тошкент, Ўзбекистон.2013. 380-бет.

² Ҳазраткулов.Ж., Бекжонов.И., Хондамир. Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар, Тошкент, Ўзбекистон.2013. 358-бет.



парвоначи ва Али Дарвешларни Кошон тарафга юборган эди, улар раиятни эл қилиб вилоятни бўйсундирдилар ва улардан арза-хат келди.

Ҳазрат хоқони саиднинг подшоҳона раҳм-шафқати ва хусравона марҳамати мирзо Искандарга панд-насиҳат қилиб уни хайрли йўлга чорлаш учун баҳона талаб қилар ҳамда шу туфайли мирзо Искандар ғафлат уйқусидан уйғониб, бундан сўнг уруш олови аланга олмаса ва у тарафда зарурат юзасидан турган қадим хизматкорлар (бу алангада) куйиб кетмаса, деган умидида эди. Шунга биноан художўй донишманд мавлоно Гиёсуддин Симнонийни Исфаҳонга киритиб, у орқали мирзо Искандарга «Мамлакат хароб бўлмаслиги ва раият ташвишга тушмаслиги учун сулҳ сўзи ҳар икки тараф маслаҳатию ҳар икки томон ислоҳига тегишлидир», — деб айтишга қарор қилинди. Қози шаҳарга кириб элчилик сўзини арзга етказди. Аммо мирзо Искандар бирор дақиқани ҳам тажанглик, қўпол сўзлик, мазаммат ва фискалфужурдан холи ўтказмади ва асосиз зўравонлик қилишдан сира андишага бормади, натижада, тақдир тақозоси бўйича, ўз қилмишига яраша жазосини топди. Қози қайтиб келиб ўтган можаро суратини арзга етказди. Ҳазрат хоқони саид, афсус, юз афсуски, мирзо Искандар сулҳ сўзини ожизлик ва нуксонлилика йўйганлигини тушунди ва: «Унинг мизожини даволаш қаҳрдан бошқа нарсани кўтармас экан ва унинг фасоди маддасини даф қилиш шамширдан бўлак тадбирга йўл қўймас экан», — деб буюрди.»¹

Khorezm, Fergana Valley and Bukhara were also important literary centers in Central Asia. The Fergana Valley had its own famous poetesses - *Nodira* (1792-1842), *Uvaisi* (1780-1845) and *Makhzuna* (19th century). The traditional love theme and the formal excellence of the verses are characteristic of their works.

The literature of the first half of the 19th century was headed by the poets Mohammed Sharif Gulkhani, Makhmur, Agakhi and others. The poetic heritage of the poet Munis Khorezmi (1778-1829) became a masterpiece of classical literature. He authored the pieces titled “Treatise on Literacy” (1804), as well as the historical “The Garden of Happiness”².

Another integral type of intangible wealth of the Uzbek people is Makom. This is a kind of vocal and instrumental music that originated in Central Asia and belongs to the ancient arts [Rajabov I., 1963]. It has more than a thousand years of history. In the 9th-10th centuries, makom were a part of the social and cultural life of the countries of Central Asia and the East. It is noteworthy that makom is closely related to Central Asian classical Sufi music and is a legacy of the high-level traditions of palace art of the medieval East³.

At all the times, Uzbek makoms have been recognized for their deep semantic content, because melodies of makom convey the deepest feelings of a person. Makoms reached their peak and crystallized by the 18th century. In the 19th-20th centuries, it flourished in the form of three style traditions: Bukhara shashmakom (a cycle of 6 makoms), Khorezm makom, Fergana-Tashkent makom⁴. At the end

¹ See: Ibid.

² Tanlangan asarlar, Tashkent, 1957; in Russian translation –The Garden of Eden of Happiness [Original: Райский сад счастья], in the book: Materials on the history of the Turkmen and Turkmenia [Original: Материалы по истории туркмен и Туркмении]. Vol. 2. M. L., 1938. Selected. Tashkent, 1961.

³ Karang: Fitrat A. History of Uzbek classical music [Original: Узбек классик мусикаси ва унинг тарихи]. Tashkent, 1927; Yu.Rajabi. “Uzbek folk music” [Original: Узбек халк мусикаси], 6 Tashkent, 1959; Stella Kramrisch. Central Asian arts: Classical music (englis), Encyclopedia Britannica; Rachel A. Harris. The Making of a Musical Canon in Chinese Central Asia: The Uyghur Twelve Muqam. Ashgate Publishing, Ltd, 2008.

⁴ Shashmakom: In 6 volumes, Recordings by Y. Rajabi [Original: Записи Ю. Раджаби]. Tashkent, 1966-1975. T.1-6; Matyakubov O. Khorezm makoms - Professional music of the oral tradition of the peoples of the Near



of the 16th century, Bukhara became the capital of the Bukhara Khanate, which caused the rise of that genre; therefore, this period that was considered classical for Shashmakom. Shashmakom was performed by both Muslims and Jews; it was considered as one of the traditions uniting the Central Asia.

The tradition of makom is passed down orally from teachers to students. Each makom is divided into sections: instrumental and vocal. Instrumental sections are performed by a soloist or ensemble; vocal sections by a soloist accompanied by one or several instruments¹. The main musical instruments of the makom are the string plucked tanbur and the circled (doyra) tambourine. When performing makom, the followings instruments were also used: (1) bowed ones - sato, ghijak; plucked - dutar, Kashgar rubab, tar, Chang; (2) wind instruments - nay, boloman and others.

The classic 16th century Shashmakom ensemble consisted of two tanburs, dutar, ghijak and doyra, and also included 2-3 performers; this kind of composition is still typical. The duration of a composition of the Shashmakom genre can be comparable to that of a European opera. One makom can sound 2-3 hours or more. In Bukhara shashmakom, one can find makom, where there are about 40 vocal sections alone.

It should also be noted that, the Shashmakom of Khujand, Samarkand, Kokand and Tashkent were historically shorter than the Bukhara one.

Fine arts: miniature, carpet weaving and gold-sewing

The artistic fabrics of Mesopotamia in the early Middle Ages were among the greatest achievements of the applied arts of the East. Small pieces of silk found in the Mug castle explain the brilliant luxury of clothes, carpets, decorative fabrics captured by the paintings of Balalyk-Tepe and Varakhsha², which is common at that time in Sogd and Tokharistan. The motives of the patterned decoration of fabrics in the wall and clothing paintings were pearl circles with a rosette inscribed in them, heads of bearded men, images of animals, heraldic signs, seven-lobed palmettes in a rhombic mesh of pearls, card suits, figurines of fish, and other signs or ornaments that had a conventional meaning³.

In the 9th-10th centuries, the development of production created a single market in the Middle and Near East, where the richest traditions of the art of artistic fabrics of Mawaraunnahr manifested themselves. In Bukhara, next to the

and Middle East and the modernity [Original: Хорезмские макомы - Профессиональная музыка устной традиции народов Ближнего, Среднего Востока и современность]. Tashkent, 1981.

¹ See: Laudan Nooshin. Music and the Play of Power in the Middle East, North Africa and Central Asia. Ashgate Publishing, 2013; Theodore Levin. The Hundred Thousand Fools of God: Musical Travels in Central Asia. Indiana University Press, 1999.

² Abu Bakr Muhammad ibn Ja'amanifar al-Narshahi. Ta'rikh-i Bukhara. Bukhara history. Translation, comments and notes by S.S. Kamoliddin [Original: Та'рих-и Бухара. История Бухары. Перевод, комментарии и примечания Ш.С.Камолитдина]. Tashkent: Smiasia, 2011. p.23-24, 30.

³ See: G.A. Puganchekova, L.I. Rempel. Art History of Uzbekistan: From Ancient Times to the Middle of the 19th Century [Original: История искусств Узбекистана: с древнейших времен до середины девятнадцатого века]. Moscow: Art, 1965.



cathedral mosque, there was a famous weaving workshop of carpets, curtains, pillows, prayer rugs. The fabrics were so good that even the visiting tax collectors from Baghdad collected taxes with sewn clothes and carpets. People from Syria, Egypt and Byzantium came to buy products from Bukhara weavers. Even in Khorasan, where the weaving business was at its best, they were inferior in weaving before Bukhara. Silver fabrics exported from Samarkand gained a greater fame¹.

The fine arts of the region reached a high rise at the end of the 14th century and the beginning of the 15th century. Development proceeded in two directions: monumental and miniature painting. The first was associated with architecture, interior design, and the plane of the walls; the second one with the art of the book and the decoration of the manuscript. The 15th century marks a brilliant stage in the development of miniature painting in the Middle East. This was the final stage of the manuscript creation². In the field of book art, the so-called *murak'a* gradually shows up – such as separate sheets containing an example of magnificent calligraphy and miniature.

Samples of thematic landscape painting have survived to this day in rather poor condition only in three Samarkand mausoleums: Shirin-bika-aka (1385), Bibi-khanym (1404) and Tuman-aka (1405). In the Shirin-bika-aka mausoleum, the painting is barely visible - here you can guess the contours of a wriggling stream, bushes and trees with spreading branches on which magpies are sitting. The preserved colours are black, brick red, and bluish; the colourful range was primarily saturated and richer.

I would especially like to note the Samarkand school of miniature, which began to show up in the XIV-XV centuries. In his crusade, Temur brought craftsmen and artists, among whom Khadja Abd-al-Khaya was the best specialist in painting and Divani inscription.

Kamoliddin Behzod (1455-1535) was one of the greatest painters of this era. Behzod's artistic authority was so lofty that Zakhiriddin Babur himself considered it necessary to mention about him in his memoirs³.

From the end of the XIV century, Mawaraunnahr became the main center of the creative forces of the Near and Middle East with the emergence of a new direction of art.

Many architectural ensembles of the XVI-XVII centuries were built in the "Kosh" style, that is, mirror reflection of each other. In addition, the ensembles of the tombs of Bahauddin Nakshband and Chor-Bakr in Bukhara, Khoja Akhrar in Samarkand, al-Kaffal ash-Shashi in Tashkent, Khoja Ilim Kan near to Kitab are

¹ See: Narshakhi. Tarikh-i Bukhara. p.32.

² See: Naimov, S. T. The art of miniature from the Middle Ages to the present day. Young scientist [Oriental: Искусство миниатюры от средневековья до наших дней. Молодой ученый]. 2014. № 2(61). pp.918-920. <https://moluch.ru/archive/61/9183/>.

³ O. Usmonov. Kamoliddin Bekhzod. Scholars of the Great Land [Original: Буюк юрт алломалари]. -Tashkent: Uzbekistan, 2018. p.382.



monuments of the same style. Many manuscripts and collections were decorated with magnificent miniatures belonging to the great masters of Mawaraunnahr like Behzod, calligraphers Mir-Ali al-Hussein and Sultan-Mirek Kitabdar¹. Further, it should be noted the brilliant masters, calligrapher, miniaturist and illuminator Mahmud Muzahib (worked in 1520-60s) who worked at the Bukhara court of Ubaydullakhan and Abdulaziz [Dahl's Explanatory Dictionary] and then decorated books of Navoi and Nizami².

From the era of the late medieval Renaissance, in addition to the monuments of Samarkand, Bukhara and Shakhrisabz, Muslim historical monuments such as the Shaikh Khovand Takhur complex (15th century), the Yunus Khan mausoleum (15th century), the Barakkhan madrasah (1532) and the Sheikh Abu Bakr Muhammad al-Kaffal ash-Shashi mausoleum (XVI century) have reached us. It is also worth mentioning Mir-i Arab madrasah separately built by Ubaydulakhan in Bukhara in 1535-1536. In the XVI-XVII centuries, in Bukhara and Samarkand many Muslim complexes and monuments, such as Labi-Khavuz (XVI century), Madrasah of Ulugbek, Sherdor and Tillakori in Samarkand, were either erected or finalized. Thus, by the 16th century, the monumental ensemble in Registan Square was entirely completed.

Of particular note are the Khiva monuments, which were fully completed by the 19th century. Among them we should note the Zhuma mosque rebuilt in the 18th century, surrounded by a brick wall and standing on 212 wooden pillars-columns. Among them, only 24 early columns dating back to the X-XII centuries have been preserved. Also, the mausoleum of Pakhlovon Mahmud (1806-1825) also belongs to the historical monuments of that period³.

It should be noted that, the calligraphers of Mawaraunnahr made their special contribution to the written art of the Muslim world. Along with the Moroccan, Cairo, Cordoba and Arabian writing styles, the Samarkand, Bukhara, Khorezm, Herat/Khorasan, Tashkent and Fergana (later Kokand) styles of monumental and small-plastic epigraphy have become notorious in the Islamic world⁴. There are references on this in medieval historical sources. A special stage in the development of Muslim epigraphy falls on the era of Amir Temur and the Timurids, especially in Samarkand. One of the striking examples of such creativity of the Timurid era is the Shakhi-Zinda funerary complex. It was then

¹ Oriental Miniatures. Vol.I: The 14th-17th Centuries. -Tashkent: The Beruni Institute of Oriental Studies, 2001. p.272.

² See: Spiritual Stars [Original: Маънавият юлдузлари]. -Tashkent, 2001. p.249.

³ See: Notkin I.I. Pakhlavan Mahmud's mausoleum. -Tashkent: Uzbekistan, 1977;

https://www.centralasia-travel.com/ru/countries/uzbekistan/places/khiva/pahlavan_mahmud.

⁴ Uzbekistan: Islamic monuments [Original: Ўзбекистон: ислом обидалари]. Photo album. N. Ibrogimov and others. -Tashkent: Uzbekistan, 2002. p.264; Monuments of Uzbekistan are inscriptions. -Tashkent: Foundation "Forum.uz", 2011. p.12.



that the Samarkand school of epigraphy was founded, represented in samples of the art of marble carving¹.

The production of silk and woollen carpets is considered one of the oldest types of folk arts and crafts in Central Asia. Home carpet weaving is developing in the Fergana Valley, Nurata intermountain, Kashkadarya, Surkhandarya and Syrdarya velayats, as well as Karakalpakstan. Uzbek carpets are usually produced as long-piled, napless and short-napped. Sketches of ancient national drawings, which traditionally carry Central Asian symbols, are carefully preserved in the carpet weaving centers.

Carpet-weaving in Uzbekistan was one of the most ancient types of folk arts and crafts, and has been widely known in Uzbekistan since immemorial times. A connoisseur immediately recognizes by the pattern and colours the products of Khiva or Samarkand, Kashkadarya or Surkhandarya carpet-makers. Depending on the region, carpets vary in colour and ornamentation. For example, in Samarkand carpets, black, red and blue tones were more prevalent. Long-nap Bukhara carpets were dazzling with their multi-coloured patterns. In the Fergana Valley, the carpets have red and blue stripes. Khiva carpets were mainly made from plant patterns. But the real glory of the Uzbek carpets was created by the Bukhara carpets. In past centuries, carpets were very expensive and served as a luxurious decoration in the chambers of rulers and nobles. Only the best wool of sheep has been always selected to manufacture the Bukhara carpet. Since ancient times, it was believed that sheep wool carpets are able to heal diseases and can provide a good health. There are many legends about the ornaments of Bukhara carpets. Carpets depicting the sun, *tumor* amulets and argali horns have a magical meaning, and are designed to protect its owner from harm, and bring a good luck and prosperity to the house².

Carpets are divided into several types according to the length of the pile: “*julhirs*”, “*gilams*” and “*palazs*” (rugs). Julhirs are long-pile carpets. This type of carpet has most of all preserved the traditions of monumental weaving, usually it is woven with the help of stone and wooden spindles. Julhirs are most often found in Samarkand. *Gilams* are short-haired carpets. Usually, *gilams* are reddish brown with simple geometric patterns, and they are widespread in Bukhara. *Palazs* (rugs)

¹ See: Uzbekistan: Islamic monuments [Original: Ўзбекистон: ислом обидалари]. Photo album. N. Ibrogimov and others. -Tashkent: Uzbekistan, 2002. p.264; The monuments of Uzbekistan are beautiful [Original: Ўзбекистон обидалари дурдона битиклар]. Т.: Foundation «Forum.uz», 2011. p.12; Tashkent-Islamic is a pearl culture [Original: Тошкент-Ислам маданияти гавҳари]. Photo album, D.Alimova, M.Filonovich, A.Khakimov and others. -Tashkent: Uzbekistan, 2007. p.240; State Art Museum of Uzbekistan, under the general editorship of N.Ibragimova. -Tashkent: Ministry of Culture of the Republic of Uzbekistan, 2004. p.264; L. Saldadze. Ibn Sina (Avicenna). Pages of a great life [Original: Страницы великой жизни]. -Tashkent: Gafura Gulyama Publishing House, 1983. p.35; Y.N. Zavadovsky. Abu Ali ibn Sina: Life and work [Original: Абу Али ибн Сина: Жизнь и творчество]. Dushanbe: Irfon, 1980. p.304.

² Uzbekistan Airways Inflight Magazine (Russian). Rimma Kuzmina 2/2015. Tashkent, 2015. p. 39-40.



are lint-free carpets. These rugs are usually woven from cotton, kenaf and wool. They are also subdivided into several types – “*koshma*”, “*arabi*”, “*gazhari*” and “*terma*”. Most often they can be found in Bukhara¹.

We know about carpet weaving of the Muslim Middle Ages thanks to numerous written sources. So, Narshakhi in the “History of Bukhara” mentions that there was a large workshop in Bukhara “*Bayt-ut-Tiraz*”, where, among other things, carpets were woven with epigraphic decor (*tirazi*)².

The information of Narshakhi is not the only evidence of the existence of carpet weaving in Mawaraunnahr, although this craft was still the prerogative of the inhabitants of the steppe nomads and villages [Ibid]. Whereas, they did not use tribal markers in carpets, although they retained pre-Islamic symbols (cosmogonic, totemic and *tamga* signs) which is significant for nomads. The diaries of the Spanish ambassador Rui Gonzalez de Clavijo, who arrived in Samarkand to the court of Amir Temur in 1404, also mentioned about the carpets embroidered with gold in the home of the Timurid nobility³.

Thus, in Central Asian carpet-weaving one can see two main lines of development: the Oghuz-Turkmen (from the 10th century), which was dominated by the system of gels as identification of tribal “coats of arms”; and the Dashti-Kipchak (from the 16th century) decor of which reflected general nomadic worldview ideas. Both lines had much in common, since they belonged to the same circle of steppe culture, and at the same time retained some differences in the specific assortment of products and manufacturing techniques. In general, the history of carpet-weaving in Uzbekistan is the history of the shift of large styles associated with certain ethnic groups, their cult and aesthetic preferences.

A special focus should be made on the art of gold embroidery in Uzbekistan. The decoration of fabrics with embroidery has been known in the region for a long time. Rui Gonzalez de Clavijo also noted in his diaries that at the court of Amir Temur there were embroideries and gold embroidery of a fairly high level⁴. Thus, by the 15th century the art of gold embroidery was well developed in Samarkand. Since then, gold embroidery moved to Bukhara to serve the palace of the Emir and his high-ranking entourage⁵.

Thus, applied art in Uzbekistan had its own distant historical roots dating back several millennia ago, and consistently absorbing the Turkic and then Islamic elements.

¹ Manufacturing of carpets in Uzbekistan. Central Asia Travel. Retrieved July 29, 2015.

² Narshakhi. *Tarikh-i Bukhara* [Original: *Тарих-и Бухара*], p.32.

³ Rui Gonzalez de Clavijo. *Diary of a trip to the court of Timur in Samarkand (1403-1406)* [Original: *Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403–1406)*]. Moskva, 1990. p.117.

⁴ See: Ibid. Rui Gonzalez de Clavijo... p.117.

⁵ V.S. Faizieva. Gold embroidered robes of the XIX-XX centuries from the collection of the State Museum of Arts of Uzbekistan. *Islamic culture and art in Central Asia: past and present* [Original: *Золотошвейные халаты XIX-XX вв. из собрания Государственного музея искусств Узбекистана. Марказий Осиёда ислом маданияти ва санъати: ўтмиш ва хозирги замон*]. - Tashkent: UzKhIA, 2020. p.81-82.



CONCLUSION

Widespread Islamization in the Mawaraunnahr, made the population of region not only adherents of Islam but flag-bearers in many areas of Islamic science and culture, but flag-bearers in many areas of Islamic science and culture, recognized throughout the Muslim world.

It should be emphasized that along with a huge contribution to Islamic cultures, the talents of Mawaraunnahr made a huge contribution to the development of Islamic civilization and culture. Here for the first time such organizations of scientific activity in the form of an *academy* began to operate - the Academy of Ma'mun in Khorezm, the Academy of Ulugbek, etc.

The first libraries began to appear on the bases of madrasas, which became an integral part of academic science. Thus, for the first time, a balanced teaching of secular and religious knowledge was laid in educational institutions, which gave impetus to the flourishing of Islamic sciences and arts in the Timurid era.

Thus, it can be argued that the fertile land of Mawaraunnahr gave the world a famous cultural figures and thinkers. Architects, poets and musicians not only promoted art in the region itself but also glorified Mawaraunnahr throughout the Muslim world. Philosophers and encyclopaedic scientists, statesmen, with their natural-science, logical, religious-philosophical research, their state-building activities in the region, made a great contribution to the development of world and Muslim civilization. Almost all the cities of this region became famous thanks to their glorious sons, immigrants from Khorezm, Samarkand, Bukhara, Nasaf, Tashkent, Fergana, Margilan, Termez, Shakhrisabz and other places. They distinguished themselves in public administration, science, poetry and music, culture, theology, medicine, military affairs, architecture, fine and applied arts.

Studying the legacy of their ancestors, modern scientists of Uzbekistan admire their perseverance, purposefulness, versatility and genius of minds. At present, purposeful work is underway in Uzbekistan to further reveal glorious names and knowledge of their role in the development of science and Muslim culture. It is possible only briefly to talk about their deeds as this would require a large separate scientific study.

Thus, the land of Mawaraunnahr (present-day Uzbekistan) became, without exaggeration, one of the main centres for the development of Islamic sciences and Islamic culture and made a significant contribution to the development of universal human and Muslim civilizations.



ХОДЖИМУРАТОВА ДИЛШОДА

таянч докторанти, ТДШУ

Эрон ташқи сиёсати генезиси ва эволюцияси

Аннотация. XX аср охири ва XXI асрнинг боши Эрон ташқи сиёсати стратегияси мамлакатдаги ислохотлар таъсирида бир неча бор ўзгаришларга учраб, ушбу тарихий давр мобайнида сиёсий элита Техрон ташқи сиёсати йўналишларини жорий конъюнктурадан келиб чиққан ҳолда ўзгартиргани зикр этилади. Эрон ташқи сиёсатини ишлаб чиқши манбалари тадқиқ этилади ва уни амалга ошириши механизмлари кўрсатиб берилди. Эрон президентларининг ташқи сиёсатлари ва уларни амалга ошириши услублари таҳлил қилиниб, уларнинг мамлакат миллий манфаатларини ҳимоя қилишига қаратилган жиҳатлари қиёсий таҳлил қилинади. Мақолада Эрон ташқи сиёсат маҳкамаси расмий Техроннинг ташқи сиёсатини реализм гоялари асосида ишлаб чиқшига устуворлик берган бир шароитда дунё ҳамжамиятига халқаро муносабатларни либераллаштириши гояси тарафдори эканлигини кўрсатишига ҳаракат қилгани кўрсатиб берилди.

Таянч сўз ва иборалар: Эрон, ташқи сиёсат, ички сиёсат, олий раҳбар, юмшоқ куч, ислом инқилоби, Техрон, концепция, мафкура, Эрон президенти, Ҳизбуллоҳ, ташқи сиёсат маҳкамаси, дипломатия.

Аннотация. В статье отмечается, в конце XX - начале XXI веков внешне-политическая стратегия Ирана претерпела ряд изменений под влиянием реформ в стране, и в этот исторический период политическая элита изменила направление внешней политики Тегерана исходя из текущей ситуации. Изучается источники развития внешней политики Ирана и намечены механизмы ее реализации. Проанализирована внешняя политика президентов Ирана и методы ее реализации, а также сопоставлены их аспекты, направленные на защиту национальных интересов страны. В статье говорится, что Ведомство по внешней политики Ирана пытался показать мировому сообществу, что поддерживает идею либерализации международных отношений в то время, когда Тегеран отдавал приоритет развитию внешней политики Тегерана на основе идей реализма.

Опорные слова и выражения: Иран, внешняя политика, внутренняя политика, верховный лидер, мягкая сила, исламская революция, Тегеран, концепция, идеология, президент Ирана, «Хизбалла», ведомство по внешней политики, дипломатия.

Abstract. According to the article, in the late XX and early XXI centuries, Iran's foreign policy strategy has suffered a number of changes under the influence of reforms in the country, and during this historical period, the political elite has changed the direction of Tehran's foreign policy based on the current situation. The sources of Iran's foreign policy development and the mechanisms of its implementation will be explored. The foreign policy of Iran's presidents and the methods of its implementation will be analyzed, and their aspects aimed at protecting the country's national interests will be compared. The article states that the Iranian Foreign Policy Office tried to show the world community that it supports the idea of liberalizing international relations at a time when Tehran gave priority to the development of Tehran's foreign policy based on the ideas of realism.

Keywords and expressions: Iran, foreign policy, domestic policy, supreme leader, soft power, Islamic revolution, Tehran, concept, ideology, Iranian president, Hezbollah, foreign policy office, diplomacy.

XX аср охири ва XXI асрнинг боши Эрон ташқи сиёсати стратегияси



мамлакатдаги ислохотлар таъсирида бир неча бор ўзгаришларга учраб, ушбу тарихий давр мобайнида сиёсий элита Техрон ташқи сиёсати йўналишларини жорий конъюнктурадан келиб чиққан ҳолда ўзгартириб боришга алоҳида аҳамият берди. 1979 йилдаги инқилоб натижасида ҳокимият тепасига келган янги сиёсий элита аввалги ташқи сиёсатни амалга ошириш тизимини ислох қилиб, Эроннинг янги ташқи сиёсати концепциясини ишлаб чиқди.

Бунда Эрон ташқи сиёсати концепциясини мамлакат раҳбариятининг диний ва сиёсий қарашларидан келиб чиққан ҳолда шакллантиришга ва Эрон жамиятидаги ижтимоий-сиёсий тенденцияларни инобатга олишга алоҳида эътибор берилди.

XX аср 80-йилларидан кейин Эрон дипломатияси мамлакат Олий раҳбари Р.Хумайнийнинг сиёсий мавқеи, шу жумладан, унинг давлатлараро муносабатларни амалга ошириш борасидаги нуқтаи назари таъсирида шаклланди. Бунинг натижасида Эрон Олий раҳбари Р.Хумайний ташқи сиёсат концепциясини белгилаб берувчи энг юқори инстанцияга айланди. Р.Хумайний белгилаб берган концепцияга биноан Эрон ташқи сиёсати “ислом инқилоби экспорти” ҳамда “на Ғарб, на Шарқ – фақат ислом” ғояларига асосланди. Ушбу мулоҳаза Эрон ташқи сиёсат маҳкамаси расмий Техроннинг ташқи сиёсатини халқаро муносабатлардаги реализм ғоялари асосида ишлаб чиқишга устуворлик берганининг далили сифатида эътироф этилади.

Р.Хумайнийнинг мазкур ғоялари бўйича ишлаб чиқилган ташқи сиёсат концепцияси қуйидагиларни ўз ичига олган:

- инқилоб дунё давлатлари томонидан мусулмон ҳамжамиятига кўрсатилаётган зулмга нисбатан муросасизлиги;
- ислом кадриятларини ҳаётга татбиқ этиш ва дунё давлатларини улар билан таништириш;
- Эроннинг хорижий давлатлар билан алоқаларини ривожлантириш ва кенгайтириш;
- Эрон ташқи сиёсатини мамлакатлар ва халқларнинг бир-бирига маданий, иқтисодий ва ижтимоий таъсир этиш заруриятига қаратиш;
- ташқи сиёсатдан Эронни халқаро майдонда яқкалаш, ислом инқилобига нисбатан агрессив ташвиқотга қарши кураш воситаси сифатида фойдаланиш;
- ташқи сиёсатдан Эронга дўст ва душман давлатларни аниқлаш воситаси сифатида фойдаланиш¹.

Эътиборга лойиқ томони шундаки, Олий раҳбар Р.Хумайний илгари сурган ташқи сиёсат доктринасини ўз ичига олган ташқи сиёсат тамойиллари ва халқаро масалаларда Олий раҳбарнинг ўрни борасидаги бандлар-

¹ Вартамян А.М. Трансформация внешнеполитической доктрины ИРИ в 1979–2005 гг. // Афганистан, Иран, Пакистан: время выборов и перемен / отв. ред. М.Р. Арунова. – М., ИВ РАН, 2006, с. 93



нинг Эрон Конституциясига киритилиши орқали ҳуқуқий асос яратилди¹. Шунингдек, Р.Хумайний белгилаб берган ташқи сиёсат концепцияси 1981 йил январь ойида Эрон Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари билан ўтказилган учрашувда ҳам таъкидлаб ўтилган².

XX асрнинг 1979-1989 йиллари оралиғи Эрон ташқи сиёсатидаги қатор мураккаб вазиятлар, хусусан, ташқи сиёсий масалалар борасида маҳаллий сиёсий элита ўртасидаги қарама-қаршилик, Ироқ билан уруш, АҚШ билан дипломатик алоқаларнинг узилиши, етакчи Ғарб давлатлари билан муносабатларнинг совуқлашиши каби ҳолатлар билан ифодаланади.

Олий раҳбар Р.Хумайнийнинг фикрича, “ислом инқилоби экспорти” ва “мусулмон давлатларидаги озодлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш” Эрон ташқи сиёсати доктринасининг асосини ташкил этиши керак³. Шунингдек, Р.Хумайний илгари сурган “на Шарқ, на Ғарб” ғояси асосида амалга оширилган ташқи сиёсат натижасида Техроннинг дунё ҳамжамияти билан муносабатлари янада мураккаблашиб, Эронни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан халқаро майдонда яққаланиб қолишига олиб келди. Р.Хумайний ғоялари асосида амалга оширилган ташқи сиёсат дастлаб Эрондаги турли сиёсий кучлар томонидан танқидга учради. Ички муҳолифат Олий раҳбар Р.Хумайнийни минтақавий ташқи сиёсатни юритишда изчилликка риоя этмасликда айблади.

Юқорида зикр этилган концепцияни амалга ошириш йўлида расмий Техрон Сурия ва Ливиядаги фаолияти тақиқланган ташкилотлар билан алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилди. Шу билан бирга, турли минтақавий ва халқаро минбарлардан Эрон ҳукумати мусулмонларга тазйиқ ўтказаяётган ҳар қандай давлат билан дипломатик алоқаларини узишга тайёрлигини таъкидлаб келди. Ушбу тезисдан келиб чиқиб, расмий Техрон Эроннинг Миср ва Иордания билан дипломатик алоқалари узилганини эълон қилди, Саудия Арабистони билан алоқаларини жиддий чеклади.

XX аср 80-йиллари охири Эрон ички сиёсий майдонида прагматиклар ва реалистларнинг ҳукмронлиги даврида Техрон “юмшоқ куч” сиёсатини қўллаш ва “ислом маданиятини экспорт қилиш” орқали ўз ташқи сиёсий мақсадларини амалга оширишга алоҳида эътибор қарата бошлади⁴.

Жумладан, 1989 йили Эронда конституциявий ислохотларнинг амалга оширилиши, Олий раҳбарнинг ўзгариши ва янги президентнинг сайланиши ҳамда унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатидаги ролининг кучайиши каби муҳим ўзгаришлар Эрон ташқи сиёсатининг янги босқичини белгилаб берди.

¹ http://rc.majlis.ir/fa/content/iran_constitution. قانون اساسی جمهوری اسلامی ایران.

² Вартамян А.М. Трансформация внешнеполитической доктрины ИРИ в 1979–2005 гг. // Афганистан, Иран, Пакистан: время выборов и перемен / отв. ред. М.Р. Арунова. – М., ИВ РАН, 2006, с. 93

³ فیروز دهنانی آبادی سید جلال. سیاست خارجی جمهوری اسلامی ایران – تهران : سازمان مطالعات و تدوین علوم انسانی دانشگاه ، 2009، ص 458

⁴ Ушаков В.А. Внешняя политика Исламской Республики Иран после революции 1978-1979 гг. / Дис. ...д ра ист. наук / Ин-т востоковедения РАН. - М., 1997. -542 с.



Эроннинг янги Олий раҳбари Али Хаменеий ташқи сиёсатда мамлакатга кўшни мусулмон давлатларидаги сиёсий тузумларнинг барқарорлиги ва улар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

1989 йили Али Акбар Ҳошимий-Рафсанжоний Эрон президенти этиб сайланиши натижасида Олий раҳбар Р.Хумайний ғоялари асосида шакллантирилган ташқи сиёсат концепцияси қайта ишлаб чиқилди. Расмий Техрон ташқи сиёсати прагматик тус олиб, қатор давлатлар билан муносабатлар конструктив қайта кўриб чиқилди.

Эрон миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, уни сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва илмий-техникавий жиҳатдан минтақадаги етакчи давлатга айлантириш, ташқи бозорларни иқтисодий экспансия қилиш А.Ҳошимий-Рафсанжонийнинг президентлик даврида (1989-1997) мамлакат ташқи сиёсатининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланди.

Президент А.Ҳошимий-Рафсанжонийнинг даврида Эронга нисбатан қабул қилинган санкцияларни енгиллатишга, кўпгина давлатлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатишга (Исроил ва АҚШ бундан мустасно), минтақавий ва халқаро ташкилотларда фаол иштирок этиш орқали дунё ҳамжамияти олдидаги нуфузини мустаҳкамлашга эришди¹.

Шу билан бирга, Техрон ўзи кучли мавқега эга ташкилотлар орқали мамлакат миллий манфаатларини илгари суришга интилди. Жумладан, 1996 йили Ислом ҳамкорлик ташкилотидан Эроннинг Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси давлатларига таъсир кўрсатиш воситаси сифатида фойдаланишга, уни иқтисодий уюшмадан сиёсий ташкилотга трансформация қилишга ва ҳаттоки ҳарбий-сиёсий ташкилотга айлантиришга ҳаракат қилди.

Муҳаммад Хотамийнинг 1997-2005 йиллардаги президентлик даври экспертлар томонидан ислохотчи-сиёскатчилар ҳукмронлиги даврида деб номланиб, Эрон ташқи сиёсати концепцияси янги мазмун олгани қайд этилади. Хусусан, Эронни халқаро яққаланишдан чиқариш ва кўп қутбли тизим доирасида кўп векторли ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган “цивилизациялар мулоқоти” ташаббуси илгари сурилди. Шунингдек, Афғонистон ва Ироқдаги ҳарбий ҳаракатларга нисбатан муносабат билдириш, янгича таҳдидларга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида қарши курашнинг жамоавий тизим яратиш мақсадида “Адолатга асосланган тинчлик учун коалицияси” концепцияси ишлаб чиқилди.

Юқоридаги икки тамойил назарий жиҳатдан яхлит мафкуравий платформани ташкил этиб, улар асосида М.Хотамий ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилди. Эрон дипломатиясининг “цивилизациялар мулоқоти” концепцияси доирасидаги тамойилларни вазиятни юмшатиш, ишончни мустаҳкамлаш, мулоқот ва таҳдидларни қулай имкониятларга

¹ Kozhanov N. Iran's Strategic Thinking – The Evolution of Iran's Foreign Policy 1979-2018. Berlin: Gerlach Press, 2018. 190 p.



айлантириш йўли сифатида ҳисоблаш лозим, “Адолатга асосланган тинчлик учун коалицияси” шиори Техрон назарида терроризм, экстремизм ва зўравонликка қарши изчил олиб бориладиган сиёсатга айланади. М.Хотамий президентлиги даврида Эрон Ташқи ишлар вазирлигининг устувор вазифалари қуйидагилардан иборат бўлди¹:

- халқаро муносабатларда конструктив ёндашувда бўлиш;
- “цивилизациялар мулоқоти” сиёсатини амалга ошириш;
- ташқи сиёсатда Эрон маданияти ва қадриятларига таяниш.

Президент М.Хотамий ташқи сиёсат стратегиясининг яна бир муҳим элементи унинг прагматик, узоқ муддатли истиқболга қаратилганлиги эди. Эрон мураккаб халқаро ва минтақавий вазиятда ўзини бир лаҳзалик манфаатни кўзламасдан, узоқни кўра оладиган давлат эканлигини кўрсатди. 1997-2005 йиллар Эрон ҳукмрон элитаси ўртасида ички келишмовчиликлар ва қарама-қаршиликларнинг кучайиши ички сиёсий ҳаётни характерловчи асосий элементлардан бири бўлиб, Эрон сиёсий элитасини ислоҳотчилар ва консерваторларга бўлиб қўйди. Шунга қарамасдан, бу келишмовчиликлар Эроннинг ташқи сиёсатини заифлаштирмади, унинг асосий параметрлари ва йўналишлари сақланиб қолди.

1997-2005-йиллар Олий раҳбар томонидан Ташқи ишлар вазирлигига Эрондаги ислом тузумини мустаҳкамлаш учун қулай халқаро муҳитни шакллантириш, мамлакат миллий манфаатларини хорижда таъминлаш, ватандошларнинг ҳуқуқларини чет элларда ҳимоя қилиш каби вазифалар қўйилади. Президент М.Хотамийнинг нуқтаи назарича, Эроннинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий соҳалардаги салоҳияти, шунингдек, ислом нормаларига асосланган давлат тузуми аҳоли томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани Техроннинг халқаро нуфузи таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади².

М.Хотамий ўзининг президентлик даврида (1997-2005 йиллар) Эрон ташқи сиёсатини халқаро муносабатлардаги либерализм ғоялари асосида ишлаб чиқишга устуворлик бергани мамлакат Олий раҳбари А.Хаменеининг кескин қаршилигига дуч келди, зеро, бундай ёндашув собиқ Олий раҳбар Р.Хумайний даврида (1979-1989 йиллар) асос солинган концептуал ғоя ва тамойилларга зид эди.

Бундай шароитда 2005 йил июнда ўтказилган умумхалқ президентлик сайловларида неоконсерватив кучлар вакили бўлган ва Эрон ташқи сиёсати концепциясини тубдан қайта ишлаб чиқиш тарафдори Махмуд Ахмадинажд давлат раҳбари этиб сайланади. Неоконсерваторлар Эрон ташқи сиёсатининг асосий тамойилларини сақлаб қолган ҳолда халқаро муноса-

¹ Санаи Мехди. Диалог цивилизаций и исламский фактор. // Диалог цивилизаций: Доклады и выступления. Российско-иранский международный научный симпозиум апрель 2001 г. - М.: РАНИВ, Муравей, 2003. - С. 10-15.

² Юртаев В.И. Особенности и реализация внешней политики Исламской Республики Иран (1979 – 2010 гг.) / Дис. ... д-ра ист.наук / РУДН. – М., 2012. – 439 с.



батларда “адолат” тамойилига эътиборни қаратиш, давлатларнинг нуфузи ва кудратидан қатъий назар адолатли ва тенг ҳуқуқли муносабатлар олиб бориш стратегиясини илгари сурдилар.

Президент М.Аҳмадинажод даврида Эрон дипломатияси ташқи сиёсат риторикасини сезиларли даражада кескинлаштиргани билан изоҳланади. Эроннинг халқаро муносабатларида “адолат” тамойили сезиларли даражада фаоллашгани қайд этилди. Эронни 2025 йилга иқтисод, фан ва технологиялар бўйича минтақада биринчи ўринга олиб чиқиш учун қулай ташқи муҳитни шакллантириш Ташқи ишлар вазирлигининг асосий вазифаси сифатида белгиланди. Бироқ Эрон сиёсий элитасида мамлакатнинг халқаро мавқеи юзасидан турли қарама-қарши ёндашувлар мавжудлиги боис Техроннинг янги ташқи сиёсати қутилган самарани бермади.

Мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлар натижасида 2005-2007 йиллар Эрон ташқи сиёсатида минтақавий ўзгаришлар, хусусан, Жанубий Америка давлатлари ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар билан муносабатларида намоён бўлди¹. Жумладан, Бразилия, Венесуела, Боливия, Куба ва Никарагуа билан дипломатик алоқалар ўрнатилди, шунингдек, Серра-Леоне, Замбия, Кения, Танзания ва Сенегал каби Африка давлатларига олий даражадаги ташрифлар амалга оширилди².

2009 йил президент М.Аҳмадинажод томонидан “Ижодий ҳамкорлик” номини олган янги ташқи сиёсат концепцияси илгари сурилади³. Халқаро муносабатларга хос мураккаб сиёсий жараёнларни англаб етган ва тушунган ҳолда фаол, мақсадга йўналтирилган, конструктив, таъсирчан ташқи сиёсатни амалга ошириш, Эрон ташқи сиёсатига зарар келтирадиган ҳудудлардан чекиниш ва миллий мафаатларни илгари суришга қулай минтақаларда расмий Техрон фаолиятини кучайтириш, жаҳон сиёсатида кучли ва нуфузли давлат сифатида ўрин эгаллаш, халқаро муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш мазкур концепциянинг асосий вазифалари сифатида белгиланди. Бунда “Ижодий ҳамкорлик концепцияси” минтақавий ва халқаро даражада, қўшни ҳамда ривожланаётган давлатлар билан муносабатларни босқичма-босқич амалга ошириш кўзланган⁴.

Эрон ўз ядро дастурини амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари халқаро даражада кескин қаршиликка учраган бир шароитда расмий Техрон ташқи сиёсатида янги стратегик йўналиш – ядро дипломатияси шаклланди.

¹ Юртаев В.И. Особенности современной внешней политики Исламской Республики Иран // Вестник РУДН, серия Халқаро муносабатлар, 2012, № 2, 18 б.

² Mehmet Bora Sanyurek. Devrim sonrasi Iran dış politikasi // The Journal of Academic Social Science Yıl:6, Sayı: 86, Aralık 2018, s. 212.

³ Maaike Warnaar. Iranian foreign policy during Ahmadinejad: Ideology and Actions. Palgrave Macmillan, 2013. 304 p.

⁴ سيدحميد مولانا، منوچهر محمدی. سياست خارجی جمهوری اسلامی ایران در دولت احمدی نژاد. تهران : دادگستر، 2008.



2010 йилдан бошлаб Техрон халқаро чекловлардан халос бўлиш ва жаҳон сиёсатида ўз нуфузини мустаҳкамлаш учун “Эрон ядро дастури” мавзусидан моҳирона фойдалана бошлади.

2005-2009 йиллар Эрон ташқи сиёсати концепциясида “агрессия” ва “эскалация” услубларини АҚШ ва Исроилни тийиб туришнинг самарали воситаси сифатида кенг қўллагани қайд этилади¹. Айниқса, мазкур давр Эрон парламенти, ижро этувчи ва суд ҳокимиятида радикал кайфиятдаги консерваторлар етакчилик қилиши президент М.Аҳмадинажод юқорида зикр этилган концепцияни амалга ошириши учун қулай ички сиёсий муҳитни таъминлаб берди². Президент М.Аҳмадинажоднинг Якин Шарқ йўналишидаги ташқи сиёсати натижасида Эроннинг етакчи араб давлатлари, хусусан, Миср ва Форс кўрфази монархиялари билан муносабатларини яхшилашга эришилди.

2013-2021 йиллар Хасан Рухонийнинг президентлик даврида Эрон халқаро ҳамжамият томонидан минтақанинг етакчи давлатларидан бири сифатида эътироф этила бошланди. Президент Х.Рухонийнинг ташқи сиёсий майдондаги фаолияти, хусусан, унинг прагматик қарашлари Эрон халқи томонидан қўллаб-қувватланиб, мамлакатнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган ислохотчилик ҳаракати деб номланди. Президент Х.Рухоний илгари сурган янгича нигоҳдаги ташқи сиёсат концепциясида миллий иқтисодиётни ривожлантириш; Эрон ядро дастурини амалга ошириш; халқаро санкциялар бекор қилинишига эришиш; минтақавий ҳамкорликни кучайтириш мавзулари асосий ўрин эгаллади. Шу билан бирга, ҳукуматга ўзи билан ҳамфикр, прагматик сиёсатчиларни жалб этди³. Эътиборга лойиқ томони шундаки, Х.Рухонийнинг ушбу фаолияти дастлабки йиллар Эрон Олий раҳбари Али Хаменеий томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланган.

Президент Х.Рухонийнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари натижасида Эроннинг АҚШ билан муносабатларида ўзига хос ижобийлик, минтақа давлатлари билан алоқаларда ўзаро ишонч аломатлари кузатилди, сиёсий музокараларда вазминлик устувор тус олди.

Президент Х.Рухоний Фарб давлатлари томонидан Эронга нисбатан жорий қилинган санкцияларни АҚШ вакиллари билан конструктив музокаралар ўтказиш ва айрим сиёсий йўналишларда муроасага бориш тактикасини қўллаш орқали олиб ташланишига эришишга интилди. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар натижасида расмий Техрон томонидан 2013 йил 24 ноябрь Женевада Эрон ядро дастури бўйича АҚШ, РФ, Хитой, Франция, Буюк Британия ва Германия вакиллари билан келишув имзоланди. Шунингдек, мазкур ҳужжат доирасида 2015 йил 14 июлда “Ҳамкорликдаги умумий

¹ Mehmet Bora Sanyurek. Devrim sonrasi Iran dış politikasi // The Journal of Academic Social Science Yıl:6, Sayı: 86, Aralık 2018, s. 211.

² Ўша жой 212 б.

³ Mehmet Bora Sanyurek. Devrim sonrasi Iran dış politikasi // The Journal of Academic Social Science Yıl:6, Sayı: 86, Aralık 2018, s. 214.



ҳаракатлар режаси” ишлаб чиқилди ва у 2015 йил 20 июлда БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан маъқулланди. Бироқ 2018 йилда Вашингтон маъмурияти тепасига президент Д.Трамп келганидан сўнг Эрон билан имзоланган мазкур келишувдан АҚШ бир томонлама чиқиб кетди.

Президент Х.Рухонийнинг нуқтаи назарича, минтақавий ва халқаро майдонда шаклланган вазият Эрондан қуйидагилардан иборат бўлган “мўътадил” ташқи сиёсат амалга оширишни тақозо этган:

1. “Мўътадиллик” – бу жорий воқеликка объектив баҳо берган ҳолда ташқи сиёсий курсни ишлаб чиқиш ва бунда ташқи сиёсат тамойиллари ва манфаатлари инобатга олинишини таъминлаш.

2. Ташқи алоқаларда кескин ёндашувлар ва турли шиорлардан воз кечиб, Эроннинг сиёсий обрўсини ошириш.

3. Хорижий мамлакатлар билан конструктив ҳамкорликни ўрнатиш орқали ташқи сиёсий фаолиятнинг натижадорлигига давлатлар ўртасида ўзаро ишончни кучайтириш орқали эришиш.

4. Ташқи сиёсатда мамлакатни иқтисодий риволантириш масалаларига устуворлик бериш¹.

Экспертларнинг нуқтаи назарича, расмий Техрон мазкур йўналишдаги натижаларга эришишида Эроннинг турли давлатларда фаолият юритаётган хайрия жамғармалари орқали қўлланилган “юмшоқ куч” сиёсати муҳим ўрин тутган². Бироқ Х.Рухоний янги ташқи сиёсатда конструктив ёндашувни шакллантиришга ҳаракат қилганига қарамай, Эрон Олий раҳбари А.Хаме-нейнинг президентга нисбатан муносабатининг ўзгариши натижасида ички сиёсатда катта қаршиликка дуч келди³. Хусусан, Олий раҳбар ҳамда Ислом инқилоби қўриқчилари корпуси президент Х.Рухонийнинг халқаро майдондаги эркин фаолиятини чеклашга интилди⁴.

Юқорида зикр этилганлардан келиб чиқиб, хулоса сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

XX аср 80-йилларидан кейин Эроннинг янги ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ислом омили асосий ўрин тутган бўлса, XXI асрдан бошлаб глобализация жараёнлари ўзанида кечгани қайд этилади.

Расмий Техрон томонидан XX аср охири – XXI аср бошида амалга оширилган ташқи сиёсат таҳлили Эрон сиёсий истеблишментидаги ислохотчилар тоифаси вакиллари (А.Ҳошимий-Рафсанжоний, М.Хотамий, Х.Рухоний)

¹ Akbarzadeh, Shahram and Dara Conduit. Iran in the world: President Rouhani’s Foreign Policy. London: Palgrave Macmillan, 2016, 214 p.

² Vali Golmohammadi. The Foreign Policy of the Islamic Republic of Iran: Prospects for Change and Continuity // All Azimuth V 8, N 1, 2019, P 97.

³ Akbarzadeh, Shahram, and Dara Conduit, eds. Iran in the World; President Rouhani’s Foreign Policy. Reprint, Houndmills, Basingstoke, Hampshire; New York, NY: Palgrave Macmillan, 2016.

⁴ Хандогин К. Идеология хомейнизма и её влияние на формирование концептуальных основ внешней политики Ирана // Власть. 2011. № 10. С. 114.



консерватив сиёсатчиларга (Р.Хумайний, А.Хаменей, М.Аҳмадинажод) нисбатан халқаро масалаларда прагматик ва мувозанатли ташқи сиёсат юритишни ёқлаб чиққанликларини кўрсатди.

Эрон ташқи сиёсат концепциясининг тамойиллари ва устувор йўналишлари мамлакат президентлари ўзгариши билан қайта кўриб чиқишга учраган. Ўтган даврлар мобайнида Эрон Олий раҳбари Р.Хумайний белгилаб берган ташқи сиёсат концепцияси тубдан ўзгармаган, балки президентлар томонидан ўз сайлов дастуридан келиб чиқиб, муайян янги тус олган.

Р.Хумайнийнинг ташқи сиёсий қарашлари Эрон Конституциясида қонуний равишда мустаҳкамланган. Ушбу Асосий қонундаги ташқи сиёсат тамойиллари ҳозирги вақтда ҳам Эрон раҳбарияти учун долзарб бўлиб қолмоқда.

Эрон раҳбарияти мамлакат ташқи сиёсатини халқаро муносабатлардаги реализм ғояларидан келиб чиққани боис ташқи сиёсий фаолиятда, биринчи навбатда, мамлакат миллий манфаатларини таъминлаш масаласига устуворлик берган деб қайд этиш мумкин.

Эрон ташқи сиёсати эволюциясини тадқиқ этиш асосида Техрон дунёвий ривожланиш йўлини танлаган давлатлар билан конструктив ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга тайёр эканлигини кўрсатди. Эрон ташқи сиёсатига ислом омилининг таъсири янги авлод сиёсий элитанинг реалистик ва прагматик ёндашуви боис нисбатан пасайиш ҳолатлари қайд этилган бўлиб, Эроннинг экспансионизми кўпроқ қўшни давлатлар билан савдо-иқтисодий соҳада ўз аксини топди.



ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР // МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ // INTERNATIONAL RELATIONS

ДЖУМАЕВ РУСТАМ

сиёсий фанлар доктори, профессор, ТДШУ

Замонавий конфликтологияни ривожлантириш масаласига оид

Аннотация. Республикамизнинг мустақилликка эришиши даврини юртимизда замонавий сиёсий фанларнинг дастлабки ривожланиши нуқтаси деб эътироф этиши мумкин. Сиёсатишунослик эса фан сифатида мамлакатнинг олий таълим муассасаларида 1993 йилдан бошлаб ўқитила бошланди. Маълумки, шаклланиши ва ривожланиши жараёнида сиёсий фанлар мустақил тараққиётнинг барча қийинчиликлари, зиддиятлари ва конфликтларини ўз генезисада акс эттирди. Йиллар давомида мавжуд бўлган сунъий таққиқ нафақат сиёсатишуносликда илмий изланишларни музлатишиди, балки реал сиёсий жараёнларни ҳам объектив таҳлил қилинишини тўхтатиб қўйди. Бунинг натижасида сиёсатишунослик фан сифатида бизнинг мамлакатимизда бошқа давлатлардаги сиёсий фанларга нисбатан ривожланишидан анча ортда қолди. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон сиёсатишунослари учун XXI аср талабларига ҳамда юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларга мос равишда изланишларга туртки бериши имконияти яратилмоқда. Сиёсий фанларда давом этаётган интеграция ва дифференциация жараёнлари нафақат янги метод ва методологик ёндашувлар, балки сиёсий фанлар тизимида янги йўналишлар шаклланишига сабаб бўлди. Мазкур йўналишлардаги тадқиқотларни нафақат олий таълим юртимизда, балки “ақл марказлари” даражасида ҳам ривожлантириши лозим. Ҳозирда сиёсий “товарлар”- таълимотлар, назариялар, гоялар оқими билан бир қаторда, уларнинг яратувчиси бўлган инсонларнинг дунёқараши ва амалий фаолияти доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Бу ҳол турфа манфаатли муносабатларнинг пайдо бўлишига, манфаат йўналиши қарама-қаршилигига, баъзан тўқнашувларга ҳам сабаб бўлмоқда. Кишилар орасида бундай кайфиятнинг шаклланиши кўпинча ечимда нотўғри йўлнинг танланишига, оқибатда, турфа хил ларзаларнинг рўй беришига олиб келмоқда. Сиёсий фан тармоқларидан бири ҳисобланадиган конфликтология эса жамиятдаги ижтимоий конфликтлар динамикаси, уларнинг сабаблари, шунингдек, конфликтлар типологияси, формаларини ҳамда конфликтларни бартараф этишининг назарий-илмий асосларини тадқиқ этувчи фан бўлиб, уни ўрганиши инсон учун, энг аввало, ўз “инсонийлик табиатини” чуқур англаб етишида муҳим аҳамият касб этади. Жамиятдаги конфликтларни четдан кўринишига қараб, оддий бир сўз билан у ёки бу конфликт деб изоҳлаб қўйиши мумкин. Бироқ ўша конфликтни бартараф этиши ёки назарий-таҳлилий жиҳатдан ўрганиши жараёнида унинг нақадар серқирра эканлигига амин бўламиз.

Таянч сўз ва иборалар: сиёсий фанлар, сиёсатишунослик, халқаро муносабатлар, жаҳон сиёсати, “ақл марказлари”, конфликт, конфликтология, конфликтолог, сиёсий кризис-менежмент, сиёсий маркетинг ва менежмент, сиёсий PR.



Аннотация. Период независимости республики можно признать отправной точкой развития современной политической науки в нашей стране. Политология преподается как наука в высших учебных заведениях страны с 1993 года. Известно, что в процессе становления и развития политические науки отразили в своем генезисе все трудности, противоречия и конфликты самостоятельного развития. Существовавший годами искусственный запрет не только заморозил исследовательские работы по политологии, но и остановил объективный анализ реальных политических процессов. В результате политология как наука в нашей стране сильно отстает от развития политических наук в других странах. Сегодня у узбекских политологов есть возможность значительно активизировать исследования в соответствии с требованиями XXI века и проводимыми в нашей стране масштабными реформами.

Происходящие процессы интеграции и дифференциации в политических науках привели к формированию не только новых методологических подходов, но и новых направлений в системе политических наук. Исследования в этих областях должны развиваться не только в высшей школе, но и на уровне «мозговых центров». В наше время вместе с потоком политических «товаров» - учений, теорий и идей расширяется и сфера мировоззрения и практической деятельности людей, являющихся их творцами. Такая ситуация приводит к возникновению различных интересов, конфликтам интересов. Формирование такого подхода у людей часто приводит к выбору неверного пути решения, в результате чего возникают различные потрясения. Конфликтология, одна из отраслей политической науки, представляет собой науку, изучающую динамику социальных конфликтов в обществе, их причины, а также типологию, формы и теоретико-научную основу разрешения конфликтов. Конфликты в обществе можно трактовать одним простым словом как то или иное столкновение интересов в зависимости от их проявления. В процессе преодоления этого конфликта или его теоретического и аналитического изучения мы можем убедиться в его многообразии, что позволяет находить наиболее оптимальные пути их разрешения.

Опорные слова и выражения: политология, международные отношения, мировая политика, «мозговые центры», конфликт, конфликтология, конфликтолог, политический кризис-менеджмент, политический маркетинг и менеджмент, политический PR.

